

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА НИЛУФАР МАХМУДОВНА

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. Ҳ. Қодирова

Илмий маслаҳатчилар:

доц. А. Юлдашев

доц. И. Сирожиддинов

НАМАНГАН-2011

Мундарижа:

	Кириш.....	3
I-боб.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг ўрни	
I.1.	Жаҳон молиявий инқирози шароитларида кадрлар сифат даражасига талаблар кучайиши.....	9
I.2.	Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиши ва ислоҳ қилиниши.....	21
I.3.	Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш масалалари.....	28
II-боб.	Таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурлари амалга оширилишини молиявий таъминлаш масалалари	
II.1.	Ўзбекистонда таълим тизимининг жаҳондаги энг илғор намуналар асосида ташкил этилиши йўналишлари. Таълим тизимини ривожлантириш дастурлари.....	51
II.2.	Касб-ҳунар таълимни ривожлантиришнинг долзарб молиявий муаммолари.....	60
II.3.	Олий таълим муассасаларини ислоҳ қилишдаги молиявий таъминлаш масалалари.....	74
III-боб.	Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари	
III.1.	Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари.....	94
III.2.	Молия фанларини ўқитишда илғор педагогик технологиялар қўлланиши имкониятлари.....	108
	Хулоса ва таклифлар.....	140
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	143

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, очик фуқаролик жамияти қуришни амалга ошира бошлади. Бундай давлатда жамиятнинг маънавий янгилалиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлади.

Умуминсоний кадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисод, фан, техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истиқболини эътиборга олган ҳолда таълим соҳасида олиб борилаётган аниқ мақсадларга йўналтирилган давлат сиёсати кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади.

Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан иборат қонунларни қабул қилиш ва жорий этишга асос бўлди. Бу ҳар икки ҳужжат ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни олдиндан қайта тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлди ва замин яратди.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодиёт ривожини жадаллаштиришда катта имкониятларга эга. Мамлакатимизда амалга туб ислоҳий ўзгаришлар, такомиллашув билан боғлиқ мураккаб янгилалишларни кечинаётган Ўзбекистон таълим тизими ривожланиши жуда муҳимдир.

Аҳолининг сезиларли даражада тор ихтисослик таълимидан жадал ўзгараётган технологияларга енгил мослашиш имконини берувчи кенг, фундаментал таълим томон ўтаётганлиги шу куннинг ўзига хос муҳим хусусияти ҳисобланади. Бу эса таълим муассасалари олдида қўйиладиган талабни, шубҳасиз кучайтиради. Айни пайтда, ўқув юртлари олдида Кадрлар

тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ яна бир ўта муҳим вазифа — баркамол авлодни тарбиялаш, уларга миллий ўзликни англаш, замонавий жаҳоний тафаккурни шакллантиришдек, муҳим тақдириломон мақсаддир.

Таълим тизими муассасалари ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш, молиявий барқарорлигини таъминлашнинг тўлиқ имконини берувчи самарали воситаларни излаб топиш бўйича муассасалари раҳбарияти ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилишини табиий тақозо этади.

Ҳап бу ерда бюджет маблағларини оқилона тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш, турли инвестицияларни оқилона жалб қила билиш ҳақида бормоқда. Ушбу муаммо Ўзбекистон учун янгилик бўлмиш олий маълумотли етук мутахассис кадрлар — айниқса бакалавр ва магистрлар тайёрлашни маблағ билан тўлиқ таъминлашда, айниқса кескин бўлиб турибди.

Чунки яқка тартибда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига, уларга индивидуал раҳбарлик қилувчи мутахассисларга ҳақ тўлаш, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар билан тузилган тегишли шартномаларни бажариш, моддий жиҳатдан тўлиқ қоплаш ва бошқа қўшимча сарф-харажатларни талаб этади. Бу масалалар айна пайтда ушбу тадқиқот иш мавзусининг долзарблигини ташкил қилади.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг келажаги, тақдири, аввало, Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари - ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқдир: «... Бугун республикамызда ислохотлар фақат иқтисодиёт соҳасыдагина олиб борилмаяпти, бу — аввало, институционал ислохотлар бўлиб, улар эски марказлаштирилган иқтисодий тизимни янги, эркин бошқарув тизимига ўтказишни, уни рағбатлантирувчи, ҳаётий фаолиятга айлантиришни таъминлайди. Бу ўзгаришларни махсус программалар асосида амалга ошириш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларины жорий этиш, компьютерлаштириш, ҳам хорижда, ҳам ўз

юртимизда ёш мутахассисларни жадал тайёрлашни ташкил этиш, булар барчаси, Президентимиз, давлатимизнинг диққат марказида турибди. Республикамиз ҳукумати умуман молиялаш тизимини, хусусан, таълим тизимидаги молиялашни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Республикамизда 1997 йилда бошланган мавжуд таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни жалб этишликсиз, олий мактаб фаолиятини тубдан ўзгартирмай туриб мантикий якунига етказиб бўлмайди. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда, кадрлар тайёрлашдан самарага эришишда таълимни такомиллаштиришни маблағ билан таъминламай туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимиз ўқув юртларида “Таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш масалалари” мавзусини илғор педагогик технологияларни қўллаш масалалари алоҳида масала сифатида ўрганиб чиқилмаган бўлсада, унинг турли жиҳатлари молия бўйича дарсликларда, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялар ва мақолаларда иқтисодий жиҳатдан, педагогика ва педагогик технологияларга оид манбаларда педагогик нуқтаи назардан қисман тадқиқ қилинган.

Молия, бюджет муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан турли сиёсий-иқтисодий устқурмалар шароитида амал қилиш хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида илмий изланишлар Ўзбекистон иқтисодчи олимлари бир неча йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқотларининг мавзуси бўлиб келди.

Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг моҳияти, вазифалари ва муаммоларини таниқли иқтисодчи олимлардан И.Каримов, М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, М. Саидов, Э.Акрамов, Т.Маликов, О.Олимжонов, О.Намозов, Х.Собиров, Қ.Яхёев, Э.Ғадоев, А.Ўлмасовлар турли масалаларни, молия-бюджет тизимини умумий масалалари доирасида илмий ва назарий тадқиқ этишган.

Таълим муассаларида мавзуни ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган айрим жиҳатлар Д. Тожибоева, Б. Фарберман, Н. Азизхўжаева, Н. Саидахмедов, Г. Ахунова, Қ. Ишматов каби педагог олимларнинг асарларида, тадқиқот ишларида тўхталиб ўтилган. Шунинг учун, мавзуга оид тўлиқ ва яхлит тадқиқот ишлари олиб борилса, мавзу борасидаги мавжуд муаммолар бартараф этилган бўлади.

Шу боис, таълимни молиялаштиришнинг амалдаги режаси имкониятларидан иложи борича унумли фойдаланиш, келгусида эса молиявий ва бошқарув талабларига тўлиқ жавоб берадиган мукамал молиялаштириш тизимларини қабул қилиш борасида чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг мақсади таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш масалалари ёритиб беришдан иборат.

Ушбу мақсадларга эришиш учун тадқиқот ўз олдига қуйидаги вазифаларни белгилаб олди:

- Жаҳон молиявий инқирози шароитларида кадрлар сифат даражасига талаблар кучайишини асослаш;
- Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиши ва ислоҳ қилиниши жараёнларини ёритиш;
- Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш масалаларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда таълим тизимининг жаҳондаги энг илғор намуналар асосида ташкил этилиши йўналишлари ва таълим тизимини ривожлантириш дастурларини ўрганиш;
- Касб-хунар таълимни ривожлантиришнинг долзарб молиявий муаммоларини тадқиқ қилиш;
- Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалаларини ёритиш;

- Молия фанларини ўқитишда илғор педагогик технологиялар қўлланиши имкониятлари ўрганиш ва акс эттириш.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асослари. Тадқиқотнинг назарий асосларини иқтисодий адабиётлар, монографиялар, иқтисодий вақтли оммавий матбуот воситаларидаги мақолалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва И.А.Каримовнинг асарларида олға сурилган илмий-иқтисодий ғояларга суянган ҳолда тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг предмети ва объекти. Тадқиқотимизнинг предмети бўлиб таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурини амалга оширишни молиявий таъминлаш масалалари ҳисобланади. Объект сифатида эса мамлакатимиз таълим тизими ва Наманган муҳандислик-педагогика институти танланди.

Тадқиқотни амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий натижалари биз тадқиқ қилаётган мавзунини касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқитиш даражасини оширишга, мавзу бўйича изланишлар олиб бораётганларга ўзига хос йўналишларга эга қўлланма сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотни таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, ____ бетдан иборат.

Кириш қисмида танланган диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва амалий аҳамияти очиқ берилди.

Биринчи бобда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг ўрни ва долзарб масалалар ёритиб берилган.

Иккинчи бобда эса, таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурлари амалга оширилишини молиявий таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

Учинчи бобда олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган ҳамда молия фанларини ўқитишда илғор педагогик технологияларга асосланган методикаси ишлаб чиқилган.

Хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, интернет сайтлари магистрлик диссертацияси якунидан ўрин олган.

I-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг ўрни

I.1. Жаҳон молиявий инқирози шароитларида кадрлар сифат даражасига талаблар кучайиши

Муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Ижтимоий соҳанинг муҳим, айтиш мумкинки, марказий таркибий қисмларидан бири – бу таълим тизимидир. Таълим тизимининг аҳамиятини мазкур соҳа фаолиятининг узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилаб бериши орқали изоҳлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бугун иқтисодийнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган турли касб эгалари ва мутахассислар – кечаги таълим соҳасидаги машаққатли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. Айниқса, замонавий билимлар кучайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашиб бораётган бир шароитда таълим тизимининг роли беқиёсдир. «Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб

таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди».¹

Шунга кўра, мамлакатимиздаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу борадаги замонавий ютуқ ва тажрибаларни жорий этиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, 2009 йилда уларнинг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. Бунинг натижасида, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-хунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: – 2010, 89-бет.

шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Айни пайтда, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда узлуксиз таълим тизими тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикаимизда 600 га яқин мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, улар ўз ичига ўқувчилар ижодиёт марказлари, техник ижодиёт марказлари, экология марказлари, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари, соғлом авлод марказлари, болалар истирохат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқаларни олади (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2009-2010 ўқув йилида фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари²

Таълим муассасалари турлари	Сони	Сол. салм., фоиз
Жами	566	100,0
Шундан:		
Ўқувчилар ижодиёт марказлари	258	45,5
Техник ижодиёт марказлари	124	21,9
Экология марказлари	103	18,1
Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари	55	9,7
Бошқа турдаги (соғлом авлод марказлари, болалар истирохат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва	26	4,5

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: – 2010, 90-бет.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шarti сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармониға мувофиқ кучға кирган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари сифатида мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш; энг юқори замонавий талабларға мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш; ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш белгилаб берилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалға оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

- таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

- умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

Энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига – маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Ана шу мақсадда бугунги кунда мактаб ўқувчиларимизнинг 524,2 минг нафари мактабдан ташқари таълим муассасаларига, 2694,2 минг нафари умумтаълим мактабларидаги фан тўғаракларига, 286,5 минг нафари спорт мактабларига, 41,4 минг нафари мусиқа мактабларига, 150,3 минг нафари устоз-шогирд йўналишидаги тўғаракларга қамраб олинган. Бу кўрсаткич Республика бўйича жами ўқувчилар сонига нисбатан 75,1 фоиз (3657,3 минг нафар)ни ташкил этади.

Ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, таъмирлаш ва тиклаш борасида 2009 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Шунингдек, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ҳудудларда жами 1,5 мингга яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, 246 та касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари, 84 та спорт объектлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди (1.1.2-жадвал)³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: – 2010, 91-бет.

2009 йилда ижтимоий соҳа объектларининг таъмирланиши, дон

Кўрсаткич	Режада	Амалда	Бажарилиши, фоизда
Мактабгача таълим муассасалари	491	547	111,4
Умумтаълим мактаблари	889	911	102,5
Амбулатор поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари	186	186	100,0
Болалар спорт муассасалари, стадионлар	79	84	106,3

Жаҳон молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган жиддий силжишлар шароитида аҳоли бандлиги ислохотларни муваффақиятли ўтказиш кўрсаткичларидан бири. Бу жараёнлар мамлакатдаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар. муайян меҳнат бозорининг, таълим хизмати шаклланиши шароитида жамият ривожини билан, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашаётган бозор иқтисодини юқори даражада рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан узвий боғлиқ бўлган давлат стратегик мақсадига айланади. Мустақил давлатимизнинг сиссати, жамият ривожининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодига кириши ва олий таълим олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги мазмун ва таълим технологиясинигина эмас, балки хўжалик юритишнинг замонавий шароитлари тақозосига кўра тарихан шаклланган вазият, республика иқтисодий ривожини динамикасини ҳисобга олиб, бозор иқтисоди қонуниятларига таянувчи мутахассисларни тайёрлаш йўналишлари ҳамда уларга бўлган талабни белгилашга янгича ёндашишни талаб этади.

Мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик жараёнини бошқариш давлат дастурини яратиш мамлакат миқёсида муҳим аҳамият касб этмоқда, бу — олий таълимда давлат таълим муассасалариги талабалар қабул қилиш режаси халқ хўжалиги тармоқтарининг амалдаги талабига мос келиши лозим дегани. Бугунги кунда олий таълим йўналишларидаги мутаносибсизлик 23-35% ни ташкил этади⁴.

Сўнгги йилларда олий маълумотли мутахассис билан алмаштирилиши лозим бўлган ўринлар кўпаймоқда, кадрлар тайёрлашга ҳам сифат, ҳам миқдорий жиҳатдан талаб ўзгармоқда. Ишга олувчилар кўп ҳолларда маълумотга тегишли дипломларга эмас, балки кадрлар ишни қай даражада билиши ва касбий тайёргарлиги билан қизиқадилар. Бу дегани, халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича халқаро даражадаги билимларга талаб пайдо бўлмоқда. Афсуски, баъзи таълим муассасалари меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бера олмайди, бунинг оқибатида мутахассисларнинг бир қисмига қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакатдаги бошқа турдаги корхоналарда талаб йўқ. Буларнинг барчаси олий таълим обрўсига путур етказмоқда ва мутахассислар тайёрлаш сифатини кескин оширишни талаб этади. Бу вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан самарали фойдаланиш ва давлат маблағларини таълимга мақсадли сарфлашда қуйилагилар алоҳида аҳамият касб этади: .

- олий таълимнинг янги ихтисослашуви (магистратура ихтисосликлари ва бакалавриат таълимнинг янги ихтисослашуви (магистритура ихтисосликлари ва бакалавриат таълими йўналишларининг рўйхати) олий маълумотли мутахассислар би-лаи алмаштирилиши лозим бўлган лавозим талабларига мувофиқлигини, яъни мутахассислар тайёрлашнинг мамлакат халқ хўжалигидаги лавозимлар би-лаи мутаносиблигини белгилаш;

- умумий талабга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан

⁴ М.Х.Саидов. Олий таълимни молиялаштириш. Ўқув қўлланма, Т.: Молия, 2002, 73-бет.

таъминланганлик тармоқ меъёри янги таснифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари соҳасидаги умумий ва қўшимча талабни аниқлаш;

~ тармоқлар кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жихатдан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни белгилаш.

Бунда, қуйидагилар албатта ҳисобга олиниши лозим:

- турли сабабларга кўра уларнинг сафдан чиқиши (авлодлар адмашуви, табиий қатордан кетиш, кўчиб кетиш, кадрлар қўнимсизлиги ва б.);

- таълим муассасалари, минтақалар. йўналишлар (бакалаврпат, магистратура ва олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабларни таснифловчи, малакавий тавсифлар ва таълим стандартларига мувофиқ ўтказиш.

- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабларни белгилаш бўйича тармоқ методикасини тузиш.

Мутахассисларга бўлган талабнинг ривожланиши иқтисод икки асосий шўъбасида моддий ишлаб чиқаришда, ижтимоий соҳада турли қонуниятга эга⁵.

Моддий ишлаб чиқаришда мутахассисларга бўлган талаб векюри меҳнатни интеллектуллаштириш умумий жараёни билан белгиланади, бунинг сабаб ва оқибати товар ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини мунтазам сақлаб туриш ҳисобланади, шунингдек фан, техника ва юқори технологиянинг энг янги ютуқлари ҳисобига ҳам рақобатбардошлик сақланади, чунки янги технологиялар мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқариш соҳасидан унинг ташкил этилиши, тайёрлов, сақлаш ва ривожлантириш соҳасида ўтишга олиб келади.

Ижтимоий соҳада, умуман, сервисда мутахассислар миқдори давлат ижтимоий сиёсати тўлақонли, сервис хизматига аҳоли эҳтиёжининг тўловга қобиллиги ошиши асосидаги сервис соҳасидаги фаолият кўламининг ошишига мутаносиб тарзда ошиб боради.

⁵ М.Х.Саидов. Олий таълимни молиялаштириш. Ўқув қўлланма, Т.: Молия, 2002, 75-бет.

Бакалавр ва магистр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларга бўлган иқтисод тармоқларидаги талабни ҳисоблаш учун қуйидагилар асосий бошланғич информация материаллари бўлиб ҳисобланади:

- иқтисод тармоқларида банд бўлган таълим соҳалари бўйича мутахассисларнинг миқдори ва таркиби, уларнинг ўсиб бориши;

- айрим тармоқ ва минтақалар иқтисодидаги ривожланиш ҳамда тузилмавий ўзгаришлар, ходимлар, шу жумладан олий маълумотли мутахассислар бандлиги;

- лавозимларни иқтисод тармоқлари, ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича бакалавр, магистр даражасига эга мутахассислар билан алмаштиришга бўлган меъёрий талаблар.

Башоратлаш методологик асосини ташкил этувчи таянчи ёндашишга қуйидагилар асосидаги башоратлаш тааллуқлидир:

- меъёр ва мезонлар;
- иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар ва бандлик;
- техникавий-иқтисодий ўзгаришлар тенденцияси (кўп омилли моделлаштириш);
- аналог асосида.

Меъёр ва мезон асосида мутахассисларга талабни башоратлаш уларнинг турли қуринишидан фойдаланишга асосланади. Тармоқ хусусияти ва мутахассислар меҳнати тадбиқ этиладиган соҳага боғлиқ тарзда ёхуд қийматларда, ёхуд натурал тарзда ҳисобланадиган ишлаб чиқариш меъёри ёки самаралилик фойдаланилиши мумкин.

Замонавий иқтисод ва ижтимоий тараққиётнинг ўзмга хос хусусияти шундаки, кенг хусусийлаштириш, фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси ривожланмоқда, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорациялар юзага келмоқда, жамоатчилик бирлашмалари ва ташкилотлари шаклланмоқда, бошқа тузилмавий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Булар барчаси мутахассисларга, уларни тайёрлашга, ишга жойлаштиришга ва

самарали фойдаланишга алоҳида талаб қўймоқда, касбий таълимни молиявий ва моддий-техникавий шакллантиришга таъсир этмоқда.

Тузилмавий ўзгаришлар асосида мутахассисларга бўлган талабни башоратлаш мулклар ва хўжалмк юрмтишнинг айрим шакллариининг устмворлиги ва ривожини ҳисобга олиб, тармоқлар ва минтакалар иқтисодини тузилмавий қайта қуришнинг асосий йўналишлари аниқлаш негизида амалга оширилади. Башоратланаётган 10-15 йиллик даврдаги жиддий йўналишлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисоднинг анча муҳим йўналишлари, айниқса, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш динамикасининг кучайиши;

- бандликда юз бераётган ва кутилаётган тузилмавий катта ўзгаришлар ходимларнинг моддий ишлаб чиқаришнинг анъанавий тармоқпаридан бозор инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш соҳасига қайта тақсимланиши;

- хусусийлаштириш ва кичик бизнеснинг ривожланиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ошиши (бу бизнес, маркетинг, молия ва ҳисоб-китоб соҳасида мутахассис-ларга талабнинг ошишига олиб келади);

- мудофаа ишлаб чиқаришнинг конверсия қилиниши ва улар иегизида фуқаровий ишлаб чиқаришнинг юзага келиши (бу мудофаа соҳасида мутахассисларга бўлган талабни пасайтиради, лекин шу билан бир вақтда янги техника ва такомиллашган техно-логия соҳасида мутахассисларга талабни кучайтиради);

- ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш (янги технологиялар бўйича мутахассисларга талабни оширади).

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришниинг жадаллашуви, автоматлаштириш. замонавий алоқа воситалари, микропроцессорлар, компьютерлар, робот техникасидан фойдаланиб бошқариш жараёни билан боғлиқ бозорнинг ривожланиши шароитида, тегишлп соҳа мутахассисларига талаб ошмоқда.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши асосида башоратлаш (кўп омилли моделлаштириш) кутилаётган тузилмавий ўзгаришлар, демографик омиллар ижтимоий ривожланиш иқтисодининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлини ўрганиш ҳамда таҳлил асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолда башоратлаш модели бир неча блокларни ўз ичига олади⁶:

1) иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш (бунда бошлаиғич макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади). Минтақада, умуман республикада иқтисодиёт ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш бу блокда ҳал этиладиган асосий вазифа ҳисобланади.

2) тузилмавий қайта қуриш асосий йўналишларининг таҳлили асосида иқтисодни ривожлантиришда кутилаётган дастурлар. Вазифа энг ишончли дастурни танлашдан иборатдир:

3) кутилаётган инвестиция ҳажми. Бу блокда давлат ва маҳаллий бюджетдан ва бошқа молиялаш манбаларидан келиши мумкин бўлган инвестициялар белгиланади;

4) турли тоифадаги ходимлар бандлиги динамикаси (ишсизлик ва ишчи кучларни қайта тақсимлаш тартибини ҳисобга олган ҳолда аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади);

5) ходимларни бўшатишнинг кутилаётган сони ва таркиби (масала бўшатилаётган ходимлар сони ва таркиби мониторинги асосида ҳал этилади);

6) кутилаётган демографик ўзгаришлар. Демографик тузилиш, меҳнат ресурслари таркиби ва иқтисоддаги қайта қуришдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида аникланади.

Умуман моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий-маълумотнома кўрсаткичлари бўйича информациявий-меъёрий маълумотлар жамланмаси асосида ўтказилади.

⁶ М.Х.Саидов. Олий таълимни молиялаштириш. Ўқув қўлланма, Т.: Молия, 2002, 77-бет.

Мутахассисларга бўлган талабни баҳолаш аналогия усули билан ўтказилиши мумкин, яъни бошқа давлат фаолиятидаги шундай соҳада шаклланган, талаб кўрсаткичларни қабул қилиш, хусусан чет эл мамлакатларидаги аналог бўйича иқтисоддаги таркибмй ўзгаришлар тенденциясини кўп омилли моделлаштиришнинг айрим техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини, шунингдек, айрим корхоналар бўйича мутахассисларга талаб баҳоланиши мумкин. Муҳими - мамлакат тўғри танланишида.

Мутахассисларга бўлган талабни кучайишида юқорида келтирилган барча ёндашишлардан турли тарзда қўшган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асосийси шундаки, тармоқ (вилоят, минтақа ёки корхона) иқтисодининг самарали варианти ва аниқ аҳволи иложи борица ҳисобга олиниши керак. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда кўзда тутилган таълим хизматига талаб ва таклифнинг мунтазам мониторинги, моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш — комплекс вазифа бўлиб, у мутахассисларга бўлган талабни ўрганишни тақозо этади:

- республика, вилоят, иқтисод тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналишлари (ихтисосликлари) миқёсила;
- малака (бакалаврлар, магистрлар) ва таълим (ОТМ ни тугатгандан кейинги) даражаси бўйича, тадқиқотнинг қуйидаги усулларида фойдаланиб:
 - ижтимоий тадқиқотлар;
 - Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлардаги таълим хизматини қиёсий, таққосий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг имкониятини ўрганиш (тегишли меъёрлар билан боғлиқ таълим йўналишлари ва ихтисосликлари миқдори ва соҳасини);
 - техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан боғланган ҳолда кадрларга бўлган талабни моделлаштириш;
 - меъёр ва мезонлар асосида кадрларга бўлган талабни башоратлаш;

- олий таълим ҳолати ва ривожланиши мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;
- аҳоли бандлигини башоратлаш асосида кадрларга бўлган талабни ўрганиш;
- тегишли маълумот олишга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш имкониятларини белгилаш;
- моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни кадрларга бўлган эҳтиёжи қонуниятларини айрим-айрим ўрганиш, бу республика иқтисоди барча тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

1.2. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиши ва ислоҳ қилиниши

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этди.

Айниқса, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоқотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт қамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг мавжуд эмаслиги ва бошқа жиддий камчиликлар мавжуд эди⁷.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бири бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди. Амалдаги таълим тизими

⁷ Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. Т.: Фан ва технологиялар, 2007, 37-бет.

замонавий тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмади.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгилаш жараёнлари талаблари билан боғланмаган. Мактабгача таълим ва тарбия аҳоли қониқарсиз. Мактабгача тарбия ҳам жиддий ислохотлар талаб қиларди. Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолди. Оқилонга ҳаётини ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик бўлмади. Натижада, 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўринларини аниқлай олмади. Чунки уларда ўзларига ишонч шаклланмаган эди.

Таълим тизимида, мавжуд умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисийликнинг йўқлиги ҳам ўрта мактаб битирувчиларида касбга иштиёқ ва меҳнат фаолиятига тайёргарлик даражасига салбий таъсир этди. Натижада, йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий имкониятлари ва қобилиятларига, мойилликларига монанд ҳаёт йўлини танлашда қатор қийинчиликларга дуч келдилар.

Ўқув жараёни, одатда, билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланади. Шу боис таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаши каби ме-ханизмларидан яхши фойдаланилмади. Ҳунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий техника ва ўқув-услубий базада, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилди.

Касб-ҳунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб борди. Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина

қисмининг яхши тайёргарлик кўрмаслиги, билими саёзлиги ва касб савияси пастлиги туфайли тайёрланаётган кадрларнинг малакаси паст даражада қолди. Республикамизда илмий ва илмий педагог кадрларнинг ўртача ёшлари улғайиб борди.

Кўнгилдагидек билимдон, мутахассис кадрлар тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш ҳар жихатдан устозларга уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишларига боғлиқ. Таълим тизими кадрларнинг миқдори ва малакаси, мутахассислиги жиҳатидан бозор талабларига тезда мослаша оладиган бўлиши зарур. Тизимдаги қатор камчиликлар, замон талабларини ҳисобга олган ҳолда республикамизда кадрлар тайёрлашнинг мутлоқ янгича тизимини барпо қилишга киришилди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқувчиларни касбга йўллаш ва таълимнинг амалий йўналтирилганлигини етарли босқичга кўтариш ёшларда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмаларини ёрқинроқ шаклланишига ёрдам беради.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни эски мафкуравий қарашлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Бу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги қатор вазифаларни амалга оширишни талаб қилиши белгилаб қўйилди:

- "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тизимни ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида тизимни ягона ўқув - илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгилаш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиш жараёнига

мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижти-мой ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёж-ларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатидан тарбия-лаш ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўзига хос узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида вужудга келди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бири-янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратишдир. Шундай экан, таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини таъминламай туриб, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш мумкин эмас.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган. Биринчи босқичда (1997-2001) асосан янги узлуксиз таълим тизими учун меъёрий асослар яратиш ишлари амалга оширилди.

Биринчи босқичда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи(2001-2005)да таълим сифатини таъминлашга эътибор қаратилди.

Иккинчи босқичда Миллий дастурни тўла рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиш ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мўлжалланди.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) - тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар

тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели марказида ўқувчи, талаба, малакасини оширувчи - хуллас «бир сўз билан айтганда» шахс туради. У кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти. Таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси, шу билан бирга, уларни амалга оширувчи ҳамдир.

Давлат ва жамият - эса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солади ва назорат қилишни амалга оширади. Шу билан бирга кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олиш-нинг кафили сифатида ҳам асосий роль ўйнайдилар. Модел *узлуксиз таълимни амалга* ошириш билан ажралиб туради.

Узлуксиз таълим - малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Миллий моделда фанга, унинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўрин берилади. *Фан* - юқори малакали, мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқади. Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши назарда тутилади.

Кадрлар тайёрлашнинг пировард натижаси, бу - ишлаб чиқариш (товар ва хизматлар) учун зарур малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган тадабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайерлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси сифатида иштирок этади.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга ололмади. Илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уни икки босқич: бакалаврият ва магистратура босқичларига бўлинди.

Ҳозирги пайтда дастурнинг икки босқичи якунланиб, учинчи босқич вазибалари амалга оширилмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилиш давом этмоқда. Дастлабки муваффақиятларга эришилди. Шунга қарамай, умумтаълим мактабларидаги мавжуд камчиликлар жиддийлиги, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий базаси мутлақо талабга жавоб бермаслиги, камчиликларни тезроқ бартараф қилишни талаб этиши уларга алоҳида диққат қаратишни зарур қилиб қўйди. Президентимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида таъкидлаб, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласини жиддий муаммо бўлиб тургани. Ўқитувчиларнинг 30 фоиздан кўпроғи олий маълумотга эга эмаслигини кўрсатди.

«Барчамиз шунингдек тутишимиз керакки, мактабни битирган фарзандларимиз эртага янги турдаги ўқув масканлари ва коллежларига ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келишлари зарур».⁸

Бу ердаги камчиликларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш ва махсус дастур тайёрлаш топширилди. 2004 йил 22 май куни матбуотда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

⁸ И.А.Каримов. Эришган марраларимизни мутахкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазибаларимиз. Халқ сўзи, 2004 йил 10 феврал, № 28.

Шундай қилиб, Миллий дастурни амалга ошириш таъли.м тизимидаги махсус дастур билан янада тўлдирилди, ривожлантирилди.

1.3. Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси олий мактаби мустақилликка эришилгунча анча мўрт молиявий базага эга эди, яъни молиялашнинг давлат томонидан амалга ошириладиган биргина йўналиши мавжуд эди. Эндиликда олий таълимни молиялаш соҳасидаги вазият тубдан ўзгарди. Давлат таълим муассасаларини молиялашнинг катта қисмини давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ташкил этади. Ҳозирги пайтда молиялашнинг янги бюджетдан ташқари манбаи вужудга келди.

Бюджетдан молиялашни молиялаштириладиган субъектлар бўйича республика бюджети ва маҳаллий бюджетга, молиялаш усулига кўра — бевосита ва билвосита га ажратиш мумкин.

Бевосита молиялаш республика бюджетидан тўғридан-тўғри олий мактабга ажратиладиган маблағдан иборатдир.

Таълим муассасаларининг молиявий ресурслари икки манбадан ташкил топади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ (1.3.1-расмга қаранг)⁹.

Бюджет харажатларининг асосини қуйидагилар ташкил этади: талаба (ўқувчи)лар қабул гранти; талаба (ўқувчи)лар таркиби; ўқув юртлари моддий-техника базасининг ҳажми. Профессор-ўқитувчилар лавозим жадвалини ва тегишли иш ҳақи фон дини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талабалар миқдорига кўра белгиланган меъёрдан фойдаланилади.

⁹ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 13-бет.

1.3.1.-расм. Олий таълим учун молиявий ресурсларни жалб қилиш воситаларининг тузилиши¹⁰



¹⁰ Чизма М.Х.Саидовнинг “Олий таълимни муассасаларини молиялаш” (Т.: Молия, 2002 йил) ўқув қўлланмаси 13-бетидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қилиш харажатларнинг моддалари бўйича ажратилган маблағлар юзасидан амалга оширилади.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган тармоқлардаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, молиялаш тартибини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан самарали ҳамда аниқ мақсадларда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги махсус қарор қабул қилади (414-рақамли, 1999 й.). Ушбу қарорда қуйидагиларни кўзда тутувчи молиялашнинг янги тартиби белгилаб берилади:

- бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан тежамли, самарали ва аниқ мақсадли фойдаланиш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкилотларни молиялаш тартибини соддалаштириш ва мавжуд маблағлардан фойдаланишда энг юқори натижаларга эришиш мақсадида улардан усталик билан оқилона фойдаланишга имконият яратиш;

- норматив бўйича бир йўла молиялаш усули билан бюджетдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;

- бюджетдан молиялашни ўқув юрти ихтисослиги бўйича товарлар ишлаб чиқиш, сотиш, ишлар ва хизматларни бажариш борасидаги фаолиятни кенгайтириш билан уйғунлаштириш;

- ўқув юрти ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрлар барқарорлиги учун шароит яратиш;

- таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлувчи ривожлантириш фондидан молиялаш ҳуқуқини бериш:

- режа асосида бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган ва ҳисобот даври охирида бюджет ташкилотлари ҳисобрақамларида қолувчи тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар;

- товар ишлаб чиқариш, сотиш (хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш) ўқув

юрти соҳаси бўйича келадиган даромадлар;

- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдамлари.

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олувчи ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган солиқларнинг ва йиғимларнинг барча туридан озод этиш ва бўшаган маблағларни ўқув юртларининг моддий-техника ҳамда ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш кўзда тутилган (2000 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга).

Олий мактаб фаолиятини, хусусан, унинг ташкилий тузилишини тартибга солиш молиялашни такомиллаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади (1.3.1-расм).


Бу:¹¹

- барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида намунавий лавозим бирлиги фаолият кўрсатишини, маъмурий - бошқарув ходимлари лавозимларига меъёрлар жорий этилганида, таълим муассасалари лавозим жадвалида озод этилган декан, декан муовини лавозими белгиланганида, уларнинг лавозим маоши бюджетдан ажратилишида яққол кўринади. Олий таълим вазирлигида маркетинг хизмати бўлинмаси; барча олий таълим муассасаларида эса маркетинг хизмати бўлинмаси ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизмати бўйича проректор лавозими таъсис этилди, уларнинг ҳам фаолият юритиши бюджетдан маблағ билан таъминланади:

- академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва таълим муассасаларидаги факультетларнинг ўқитувчилари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш марказлари ташкил этилган.

¹¹ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 14-бет.

1.3.2.-расм. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни бюджетдан ташқари молиялаш воситалари¹²



¹² Чизма М.Х.Саидовнинг “Олий таълимни муассасаларини молиялаш” (Т.: Молия, 2002 йил) ўқув қўлланмаси 19-бетидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаларидан фойдаланиш республикада иқтисодий ислохотларни ўтказиш даврида таълим молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Бу тадбир умуман дунё миқёсида олий таълимни ривожлантиришнинг объектив _м қонуниятидир, фақат ўтиш. даври шароити тақозосига кўра Ўзбекистон учун заруратгина эмас.

Таълим муассасаларига фойдаланиш учун давлат мулкнинг бириктириб қўйилганлиги туфайли улар тўлиқ ажралмаган ҳолда таабиркорлик фаолиятида қатнашишлари учун катта имкониятлар очиб беради ва бу энг таъсирчан усул ҳисобланади. Таълим муассасаларига бириктирилган моддий ресурслар негизида тадбиркорлик қилиш бюджетдан ташқари фаолиятнинг муҳим йўналишидир.

Олий таълим муассасаси ўзиниш бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағ (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда айниқса кенг эркинликка эгадир. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган молиявий бошқариш билан бевосита боғлиқдир. Бу фаолият Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси томонидан бошқарилади. Иқтисодиёт, тадбиркорлик ҳамда маркетинг хизмати бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича ва барча таълим тизими раҳбарларига аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди, вазирлик масъул ходимлари иштирокида иқтисод, тадбиркорлик ва маркетинг хизмати бўйича таълим муассасалари проректорлари учун сайёр семинарлар ўтказилади ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни уйғунлаштириш, жалб этиш ва сарфлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизмати соҳаси¹³:

- *таълимнинг тўлов-контракт шакли;*

¹³ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 14-бет.

- таълим муассасаларига киришга тайёргарлик;
- корхоналар билан шартномалар бўйича мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш (МОФ ва МОИ);
- иккинчи олий маълумотга эга бўлиш;
- турли бизнес-мактаблар таъкил этиш;
- чет тилларни жадал ўқитиш курсларини таъкил этиш;
- чет тилларни жадал ўқитиш курсларини таъкил этиш;
- махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим олиш (дастурчилар, бухгалтерлар, аудиторлар ва б.);
- жисмоний ва юридик шахслар учун пулли консалтациялар таъкил этиш;
- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар таъкил этиш.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- консалтинг ва маълумотнома-информациявий фаолияти;
- минтақаларда юқори аниқликдаги технологиялар билан боғлиқ жорий этишлик фаолияти;
- илмий жиҳозлар ва анжомлар лизингини таъкил этиш;
- давлат муассасалари, ҳудудий бошқарув идоралари ёки тижорат тузилмалари буюртмаси асосида фанлараро муассамлашган тадқиқотлар олиб бориш;
- кичик бизнес ва тадбиркорликга илмий-техникавий кўмаклашиш;
- илмий-техникавий парклар ва янгиликларни жорий этиш ишкубаторларини таъкил этиш;
- тижорат ва хўжалик ҳисобидаги таъкилотлар билан яқка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;
- таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензиялар сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари таъкил этиш;

- чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар тузиши;
- пулли илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиши;
- таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқий хизматлари рекламасини ташкил этиши;
- аудиторлик фаолиятини ташкил этиши;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган илмий-ишлаб чиқариш инновация фаолиятининг бошқа турлари билан шугулланиши.

3. Ташқи иқтисодий фаолият:

- чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрантлар, тажриба орттирувчилар таълимини ташкил этиши;
- чет эл олий таълим муассасалари билан биргаликда факультативлар ташкил қилиши;
- чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиши;
- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларида қатнашиши;
- Ўзбекистон талабаларини чет элдаги таълим муассасаларига юбориши;
- турли хил чет эл инвестицияларини жалб этиши.

4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-методика ва илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиши;
- даврий нашрлар чиқариши;
- рекламафаолиятини ташкил этиши;
- бўш хоналарни ижарага бериши;
- хоналарнинг узоқ муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўш қолган ётоқхоналарни ижарага бериши;
- конференциялар ва пулли машғулотлар ўтказиши учун конференция заллари, аудиторияларни ижарага бериши;
- ўқишдан ташқари ва ишдан ташқари вақтда тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиши учун ошхоналарни ижарага бериши;
- талабалар, ходимлар ва аҳолига хизмат кўрсатиши;

- умумовқатланишни ташиқил этиши;
- соғломлаштириши муассасаларининг даволаши ва соғломлаштириши хизмати;
- спорт мажмуалари ёки стадионлар спорт хизмати;
- маиший хизмат (сартарошлиқ, кимёвий қир ювиши, пойабзал таъмирлаши ва ҳ.к.);
- пулли болалар боғчаси ёки болалар майдончаси ташиқил этиши;
- тижорат ташиқилотларига таълим муассасасининг рамзи ва реквизитларидан фойдаланиши ҳуқуқини бериши.

5. Ҳомийлик:

- ҳар қандай шаклдаги мулкка эга бўлган корхона, ташиқилот ва фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиши;
- хизмат кўрсатиши ва ишлар бажариши (капитал таъмирлаши, унсув биноларини беаши, ҳудудни кўкаламзорлаштириши ва ҳ.к.);
- усқуналарни пулсиз бериши (аудио-видео, компьютар ташиқил этиши техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоюзлари ва ҳ.к.);
- кутубхона жамғармасини тўлдириши (дарслиқлар, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.);
- хорижий инвестицияни жалб этиши (минибулмахона, автотранспорт, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

6. Таълим муассасалари Мураббийлик кенгашини ривожлантириш жамғармасини ривожлантириш

Мураббийлик кенгаши устав мажбуриятларига мувофиқ Таълим муассасасини ривожлантириш жамғармасини шакллантириши мумкин.

Таълим муассасаси Мураббийлик кенгашининг жамғармаси қуйидагилар ҳисобига ташиқил топади:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- кооператив ташиқилотлар кўнгилли бадаллари;
- фуқароларнинг кўнгилли хайриялари;
- чет эллик инвесторларнинг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;

- Мураббийлар кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналардаги фаолиятдан келадиган даромадлар;

- тижорат банклари ёки бошқа молия институтлари берган кредитлар;

- Мураббийлик кенгаши номига келган бошқа тушумлар.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитларда давлат молиялаштириши билан бир каторда бюджетдан ташқари маблағдан ҳам тўла равишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига мувофиқ олий таълим тизимини ривожлантиришнинг таъсирчан усули сифатида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кун ҳақиқати шундаки, таълим муассасасининг озгина бўлсин молиявий ресурсларга эҳтиёжи бюджетдан молиялаш туфайли тўлиқ таъминлаб бўлмайди.

Республикамизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га мувофиқ олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда — бакалавриат ва магистратурада амалга оширилади. Магистратурадаги ўқув жараёнини ташкил этиш қўшимча молиялашни талаб қилувчи қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Гап шундаки магистрантларнинг илмий-тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиёти асосан якка тартибда олиб борилиши лозим, бу - қўшимча маблағ талаб этади.

Бунинг барчаси қуйидагилар ҳисобига тақчилликни камайтирувчи молиялашнинг кўп йўналишли тизимини жалб этишни талаб қилади¹⁴:

- молиялашнинг кўп вариантли (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан маблағ ажратиш) тизимини жалб этиш;

- моддий қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар аҳамиятини ошириш;

- тадбиркорлик ва бошқа фаолият ҳисобидан ўқув юртларининг даромадини оширишни таъминлаш;

- хусусий, шунингдек, чет эл инвестициясини рағбатлантириш ва жалб этиш.

¹⁴ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 18-бет.

Айтилган чоралардан биринчилари — кўп жиҳатдан *ички имкониятлар*. Улар ҳозир кенг ишга солинган ва даромадларнинг муҳим манбалари ҳисобланади ҳамда ўқув юрти барқарор ривожланишини таъминлайди, сўнгги эса (хусусий ва чет эл инвестициясини жалб этиш эса) — ташқи *имконият*. У молиялашда тақчилликни камайтиришда муҳим ўринга эга, аммо, жалб этилиши алоҳида йўл ва ёндашиш талаб қилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида таълим сиёсати ўқув юртлирини молиялашнинг кўп йўналишли тизимига қаратади. У грантлар, илмий-тижорат, илмий-педагогик фаолият, хомийлик, контракт асосида ўқитиш, пулли таълим хизмати кўрсатиш тизимидир, хусусий капитал, чет эл инвестициясини жалб этиш ва б.

Давлат таълим муассасаси бюджет ташкилоти ҳисобланади, ваколатли давлат идоралари томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим ва ижтимоий-маданий функцияни амалга ошириш учун тузилади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетида молиялаштирилади.

Кадрлар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси (грант) таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлади, унга асосан таълим муассасасига бюджет маблағи ажратилади.

Таълим муассасасининг бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади¹⁵:

- ички молия тизимининг методик бирлиги;
- кирим ва чиқимларнинг тўлақонли ҳисоб-китоби;
- ошкоралик;

- раҳбарият даражалари бўйича бюджет ваколатини тақсимлаш. «Олий таълим тўғрисидаги қоидалар» таълим муассасаси бюджети тамойиллари, даромадларни аниқлаш тартиби, харажатларни тасдиқлаш тартиби ва бошқарув турли даражалари ҳуқуқини тартибга солади.

¹⁵ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 21-бет.

Таълим муассасасини бюджетдан молиялашнинг меъёрий негизи «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Олий таълим тўғрисидаги қоидалар» ва «Олий таълим тўғрисидаги намунавий қоидалар»да баён этилган қонунчилик чекловларидан ташкил топган. Булар таълим муассасаси ички молиявий оқимини тартибга солади ҳамда харажатлар меъёри ва раҳбарлар ҳуқуқини белгилайди. Таълим муассасасининг раҳбарлари белгиланган қоидалар доирасида тартибга солувчи буйруқлар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Таълим муассасасининг бюджети — тегишли қоидалар асосида таълим муассасасига бириктириб қўйилган пул маблағининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет таълим муассасаси учун умумий ёки қисман юридик шахс ҳуқуқи берилган айрим бўлинма учун алоҳида молиявий ҳисоб-китоб қилиш учун ажратилган ички бўлинма учун тузилади.

Бюджет тизимининг учта босқичи фарқланади:

- умумтаълим муассасаси миқёси;
- алоҳида бўлинма миқёси;
- айрим ишлар, айрим тадбир, айрим объект миқёси. Таълим муассасасини

молиялаш учун маблағ давлат тузилмаларидан (давлат маблағи), корхоналар ва хусусий фуқаролар (нодавлат маблағлар)дан келиши мумкин.

Бюджетни таснифлаш давлат тизими бўйича чиқим ва кирим моддаларини гуруҳдаб амалга оширилади. Таълим муассасаси бюджет тизимининг бирлиги ҳуқуқий негизнинг бирлиги таснифлашнинг ягона тизимидан, ҳужжатларнинг ягона ҳисобот ва режа шаклидан фойдапаниб, умумий бюджетни тузиш учун таълим муассасалари бошқарув даражаси бўйича зарур статистика ҳисоботи тақдим этиш йўли билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджет тизими бирлиги турли даражалар даромадига тушумлардан ва бошқарувнинг анча юқори даражаси мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалар белгиланган меъёрлари орқали бюджетлар ўзаро ҳаракати билан чекланади.

Таълим муассасаси бюджет даромадлари, булар маъмурият ёки айрим бўлинмалар раҳбарлари тасарруфига келиб тушадиган пул маблағларидир.

Таълим муассасаси харажатлари, булар - таълим муассасаси, унинг бўлинмалари ёки айрим ходимлари эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган пул маблағларидир.

Чиқимнинг қиримдан ошиб кетиши таълим муассасаси бюджет *тақчиллигини* ташкил этади.

Қиримнинг чиқимдан ортиқ қисми таълим муассасасининг *фойдасини* ташкил этади. Таълим муассасасининг фойдаси олиб қўйилиши мумкин эмас.

Давлат буюртмасига мувофиқ ажратилган маблағ харажатлар алоҳида моддалар гуруҳи бўйича чеклаб қўйилади. Маблағни ресурсларнинг турлари бўйича қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Бу стипендия фонди, иш ҳақи, таълим муассасасини ривожлантиришга қўйилган капитал ва жорий харажатларга ажратилган маблағларга тааллуқдир.

Қорхона ва муассасалар таълим муассасасига қайтармаслик шarti билан ускуна ва материалларни, бино ва иншоотларни, транспорт ва техника воситаларини, молиявий ресурсларни бериш мумкин. Таълим муассасаси бу тур маблағларни мустақил тарзда тасарруф этади.

Таълим муассасаси оператив бошқарув шартлари билан ер майдонларидан бинолар, ускуналар ва унга давлат бюджетидан ажратилган, шунингдек қорхоналардан ҳамда фуқаролардан ажратилган ёки бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган барча моддий ресурслардан фойдаланади, уларни тасарруф этади.

Таълим муассасалари олган маблағларига исталган қорхонадан ёки хусусий шахсдан ўзи учун зарур бўлган ускуналарни ёки моддий ресурсларни харид қилиши, ижарага олиш, буюртма бериш, пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолиятни амалга ошириш учун олинган давлат (нодавлат) маблағларидан фойдаланиш тартибини, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўнатгириладиган улушни таълим муассасаси мустақил белгилайди. Шу билан бирга олинган фойда таълим жараёнини ривожлантиришга, шу жумладан, турли илмий-техникавий жамғармалари тузиш ва ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар орқали инвестиция қилиниши мумкин.

Таълим муассасасининг давлат молиявий маблағлари бюджет ҳисоби Молия вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан назорат қилинади, белгиланган қоидалар эса бу маблағлардан мақсадли бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишга йўл қўймайди. Бюджет маблағларидан *мақсадли бўлмаган* тарзда фойда-ланиш бўлиб, уларии олиш шартлариш номувофиқ ёки таълим муассасаси ички бюджет тузилиши қоидаларига ҳилоф йўналишларга сарфлаш ҳисобланади. Масалан, бюджет маблағини авват олинган тижорат кредитини қоплашга йўналтириш молиявий қоидага ҳилоф ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаси стипендия ва иш ҳақи тўлаш учун маблағ тушмай қолганда бюджетдан ташқари манбаларни жалб эта олмайди.

Таълим муассасаси кундалик фаолияти мобайнида бюджет маблағини ректор тақсимлайди, шунингдек, таълим муассасасининг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга лавозимдор шахслари, тўлиқ ёки қисман молиявий мустақилликка эга таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ҳам бюджет маблағини тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин мазкур мустақиллик айни мақсад бўла олмайди. Бўлинма ва уларнинг раҳбарлари, мустақилликка эга бўлгач, ҳам ўз бўлинмасининг, ҳам умуман таълим муассасасининг ривожланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Молиявий мустақиллик бўлинма мақсадларини, унинг бошқа бўлинмалар билан ўзаро муносабатлари шартларини, умуман таълим муассасаси муваффақиятини таъминлаш

мажбуриятларини аниқлаштиришни кўзда тутувчи ўқув-илмий фаолият дастурсини қабул қилиш билан уйғунлашган бўлиши керак¹⁶.

Таълим муассасаларига бериладиган молиявий мустақиллик молиявий лимитни белгилаш билан мувофиқлаштирилади. Булар айрим бўлинма учун харажатлар чегаравий ҳажми сифатида, фаолият йўналиши ёки харажатлар моддаси сифатида вақт оралиғи (ой, уч ойлик, йил) бўйича белгиланади. Лимитлар таълим муассасаси ресурслари ёки мақсадли жалб этилган маблағлар асосида белгиланади. Лимитлар бўлинмалар, фаолият йўналишлари ёки харажатлар моддаси бўйича харажатлар ойлик миқдорини чеклаб қўйган тарзда бир йилга белгиланади (бўлинмалар бюджети тақсимоли лимитлари таълим муассасаси бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади).

Таълим муассасасининг бюджет даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

- қабул назорат рақамларига мувофиқ мутахассислар тайёрлашга бўлган давлат ажратмалари;
- малака оширишни молиялаш;
- мақсадли таълим дастурларини молиялаши;
- корхоналар учун қўшимча таълим хизматга тўланадиган ҳақ;
- айрим фуқароларни ўқитиш ва уларга қўшимча таълим хизмати кўрсатишга тўланадиган ҳақ;
- таълим муассасаси майдонлари ва ресурсларини ижарага бериш;
- грантлар;
- илмий, консультация ва бошқа таълимий тавсифга эга бўлмаган хизматлар учун тўланадиган ҳақ;
- моддий бўлмаган активларни сотишдан келадиган даромадлар;
- ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;

¹⁶ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 23-бет.

- ўз хусусий мулкни ёки таълим муассасасига хусусий қилиб қолдирилган мулкни сотишдан келган даромадлар;

- бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан олинадиган даромадлар;

- маданий-оммавий тадбирлар ўтказишдан келадиган даромадлар;

- бошқа ташкилотларнинг қайтармаслик шарти билан ўтказмалари.

Таълим муассасаси қўшимча даромад ёки режадан ташқари фойда олганда, булар биринчи галда қўшимча тушумлар ҳисобидан қопланадиган харажатларга, иккинчидан, жорий қарздорликни қоплашга, учинчидан, қутилмаган ишларга ҳақ тўлаш учун, ниҳоят, узоқ муддатли қарзларни қоплашга йўналтирилади. Қўшимча маблағдан таъминладиган устувор йўналишлар ва тадбирлар таълим муассасасининг кенгаши ёки унинг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик таълим муассасасининг навбатдаги иқтисодий режасини тайёрлашда келишиб олинади.

Аввалдан режалаштирилмаган янги тур харажатларга зарурат пайдо бўлса, уларни молиялаш таълим муассасасининг кенгаши қарори билан белгиланади ёки таълим муассасаси бўйича молиялашнинг тартиби ва манбаи кўрсатилган буйруқда қайд этилади. Харажатларни режада белгиланганидан кўпроқ молиялаш зарурати пайдо бўлса, таълим муассасаси бўйича буйруқ билан молиявий текширув ўтказилади, унинг натижасига кўра молиявий қарор қабул қилинади. Бухгалтерия хизмати йиллик бюджет харажатлари режавий рўйхатига кирмаган харажатларни молиялашда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Таълим муассасаси давлат идораларидан олган молиявий маблағларни бошқа юридик шахсларга бериши мумкин эмас, чунки улар мақсадли йўналтирилгандир. Бу шартга амал қилиниши устидан назоратни ваколатли идора амалга оширади. Таълим муассасаси ўз тижорат фаолиятидан

келадиган даромадни қуйидагиларни албатта ҳисобга олган ҳолда ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга¹⁷:

- *маблағдан маҳрум бўлиш rischi;*
- *кутилаётган даромад ҳажми;*
- *фаолият олиб борилаётган соҳанинг жамият, минтақа ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига мувофиқлиги;*
- *таълим муассасасини ривожлантириш бўйича тадбирлардан маблағни олиб қўйишдан таълим муассасаси кўрадиган зарар;*
- *даромадни таълимни ривожлантиришга йўналтирилмаганлиги учун қўшимча солиқ тўловлари.*

Таълим муассасаси маблағини бошқа юридик шахсга бериш ёки бошқа ташкилот устав фондига капитал қўйиш учун албатта таълим муассасаси кенгашининг қарори бўлиши керак.

Мутахассислар тайёрлаш учун давлат буюртмасига тўлов ёки таълим муассасаларига қўшимча ёхуд бошқа хизматларга тўлов тарзида ўтказиладиган маблағ қуйидаги кетма-кетлик тартибида умумтаълим муассасаси тадбирлари ва таркибий бўлинмалар бўйича тақсимланади:

- *аниқдавлат ва нодавлат молиялашини башоратлаш;*
- *манбалар бўйича маблағ тушишини баҳолаш;*
- *таълим муассасаси фаолияти устувор йўналишини танлаш;*
- *меҳнатга ҳақ тўлаш ва стипендия тўловлари режавий харажатларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;*
- *ҳудудни ободонлаштириш, биноларни ораста сақлаш, умуминститут аҳамиятига эга тармоқ ва бошқа объектлар бўйича ишларни режалаштириш;*
- *бошқарув хизмати ва ёрдамчи таркибий бўлинмалар хизмати стандарт мажмуи қийматини белгилаш.*

Марказий субҳисобга тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар уч қисмга бўлинади: умумтаълим муассасаси тадбирларини қўллаб-қувватлаш;

¹⁷ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 25-бет.

бошқарув ва таъминот хизмати; асосий таркибий ўқув бўлинмалари (факультетлар, кафедралар).

Республикада давлат ташкилотлари учун белгиланган харажатлар функционал таркибга мувофиқ шакллантириладиган бюджет ўз ичига қўйидагиларни олади:

- *режадаги ёки ҳисобот даври оралиғидаги вақт мобайнида ташкилот фаолият кўрсатишини таъминловчи жорий харажатлар;*

- *ташкилот ривожини таъминловчи капитал харажатлар;*

- *бошқа ташкилотлар билан молиявий муносабатларни таъминловчи кредитлар бўйича тўловлар.*

Қўйидагилар **жорий харажат** унсурлари ҳисобланади:

- *меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:*

- ходимлар асосий маоши;
- иш ҳақиға устама;
- меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимларга ҳақ тўлаш;
- ходимларга бошқа пул тўловлари;

- *иш ҳақиға ўтказиш, шу жумладан:*

- давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар;
- пенсия фондига бадаллар;
- мажбурий тиббий суғурта фондига бадаллар;
- давлат бандлик фондига бадаллар;

- *таъминот предметлари ва сарфланадиган материаллар сотиб олиш, шу жумладан:*

- девон ашёлари;
- юмшоқ инвентар;
- бошқа сарфланадиган материаллар;
- хизмат сафари ва хизмат қатнови;
- транспорт хизматига тўлов;

- алоқа бўйича хизмат тўлови;
- маиший хизмат тўлови;
 - *бошқа хизматлар тўлови, шу жумладан:*
- бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;
- жиҳозлар ва инвентарни жорий таъмирлаш;
- жиҳозлар ва инвенторни жорий таъмирлаш;
- қарзлар бўйича фоиз тўлови;
 - *аҳолига трансфертлар, шу жумладан:*
- моддий ёрдам тўловлари;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- ёзги дам олишга ажратиладиган тўловлар;
- бошқа трансфертлар.

Капитал харажатлар жиҳозлар сотиб олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашларга сарфлардан шаклланади.

Капитал харажатларнинг қисмларга ажратилган унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- *жиҳозлар сотиб олиш, шу жумладан:*
- ишлаб чиқариш жиҳозлари;
- ишлаб чиқаришга алоқасиз жиҳозлар;
 - капитал қурилиш, шу жумладан:*
 - турар жой;
 - ишлаб чиқариш объектлари;
 - ижтимоий-маданий ва маиший хизмат мақсадидаги объектлар;
 - капитал таъмирлаш, шу жумладан:*
 - турар жой фонди;
 - ишлаб чиқариш объектлари;
 - ижтимоий-маданий ва маиший хизмат объектлари;
 - маъмурий объектлар;

ер ва номоддий активлар сотиб олиш, шу жумладан:

- ер;
- номоддий активлар.

Ташкилот *молиявий алоқаларида* кредитлар ва улар бўйича тўловлар кўзда тутилади Фаолият бу соҳасини акс эттирувчи харажатларнинг унсурлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- *кредитлар бериш;*
- *кредитларни қайтариш;*

Бюджетдан фойдаланиш самарасини ошириш олий таълимни молиялаш тизимини такомиллаштиришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, молия маблағларини шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланишни, уларни амалда жорий этишни ошириш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларини бюджетдан молиялашнинг тартиби бюджетларни тузиш ва улардан фойдаланиш ягона қондасига эга бюджет тизими ўзаро боғлиқлигига асосланган. Бюджетдан молиялаш манбаига кўра таълим муассасалари республика миқёсидаги ва маҳаллий тасарруфдаги муассасаларга бўлинади. Олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бир қисмини молиялаш республика бюджетидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар, ҳали фаолият кўрсатаётган ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус таълим юртлари молияланади. Олий ва ўрта касбий ўқув юртларини молиялаш ҳар бир ўқув юрти тури бўйича давлат белгилаган меъёрга мувофиқ амалга оширилади. Бу тур ўқув юртларини молиялаш тизими икки манбадан ташкил топади: **давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ¹⁸**.

¹⁸ М.Х.Саидов. Олий таълимни муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002 йил, 28-бет.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида таълим муассасалари молиялашнинг янги тартиби — харажатлар моддалари бўйича маблағ ажратишга ўтказилди. Жорий этилган бу янги тартиб улар мустақиллигини кенгайтирди ва шу билан бирга, масъулиятини ҳам оширди. Бундан ташқари молиялаш тартибини соддалаштириб, ўқув юрти ходимлари меҳнатини рағбатлантириш учун шароит туғдирди

Меъёрлар бўйича ягона рўйхатдан молиялашнинг янги тартибини жорий этиш таълим муассасаларига қуйидагилар ҳисобига ривожлантириш фондини шакллантириш ҳуқуқини берди:

- *режавий бюджетдан молиялаш ҳисобига тушадиган тежалган (фойдаланилмаган) ва ҳисобот даври охирида бюджет ташиқлоти ҳисоб рақамида қолган маблағ;*

- *ўқув юрти соҳасига оид фаолият бўйича товар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишлар бажариш, хизмат кўрсатишдан) келган даромад;*

- *юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган, бегараз, ҳомийлик ёрдами.*

Молиялашнинг янги тартибида бюджетдан ташқари фаолиятдан қўшимча даромад олган ўқув юртларини давлат бюджетига олинадиган барча солиқ ва йиғимлардан (2000 йил 1 январ, беш йил муддатга) озод қилиш кўзда тутилган. Ҳоли қолган маблағ мақсадли йўналтирилиб, ўқув юртининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш доирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ўқув юртларини замонавий ўқув мебеллари, жиҳозлари, ашёлар ва аппаратлар билан таъминлаш;

- республикада ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ўқув юртларини техникавий, профаммавий ва дидактик таълим воситалари билан жиҳозлаш саноатини барпо этиш;

- жаҳон даражасидаги таълим стандартларига эришиш;

- таълим муассасаси ихтисослиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга имкон берувчи, айниқса, таълим муассасалари таркибидаги академик лицейлар негизида таълимнинг янги шаклларини тадбиқ этиш;

- узлуксиз таълим тизими молиявий-иқтисодий негизини мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатидаги таълим вазифаларини ҳал этиш устуворлиги.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш бўйича таълим муассасалари фаолияти янги шаклларини талаб этади. Шунга кўра бир талай ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди. Булар таълим муассасаларига молия оқимидан энг самарали фойдаланиш имконини беради. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича тавсиялар ва «Республика таълим муассасаларидаги пулли-контракт асосида ўқиш шакли ва тушган маблағни сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом» шулар жумласидандир. Бу ҳужжатларда пулли-контракт асосида таълим олувчи талабалардан тушган маблағларни қуйидагича тақсимлаш кўзда тутилган:

- 25% дан кўп бўлмаганини ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ЎПТ таркибига тўлаш учун сарфлаш;

- 5% дан кам бўлмаганини маънавий ва маъориф масала-лари бўйича тадбирларни ўтказишга сарфлаш;

- ўқувчи ёшларни рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пулли-контракт асосида ўқувчи талабаларга стипендия бериш;

- ўқув харажатлари (ишлаб чиқариш амалиёти ва б.), ўқув юртларига хўжалик хизмати билан боғлиқ харажатлар бир қисмини қоплаш (коммунал ва бошқа тур хизматлар);

- моддий техника базасини мустаҳкамлаш: кутубхона жамғармасини тўлатиш; таълим жараёнини таълимнинг замонавий воситалари билан жиҳозлаш; ашё ва ускуналар сотиб олиш; ётокхоналарни юмшоқ ашёлар билан таъминлаш; капитал таъмирлаш ва б. ўтказиш.

Ҳозирги шароитларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишдан ташқари таълим муассасалари, ўз шахсий ташаббусини кенг қулоқ ёйдирмоқда, ортиқча тижоратлаштиришга йўл қўймаган ҳолда молиялашнинг қўшимча манбаини жалб этиш бўйича фаолиятини кенгайтирмоқда, чунки олий мактаб жамиятни интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

II-боб. Таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат дастурлари амалга оширилишини молиявий таъминлаш масалалари

II.1. Ўзбекистонда таълим тизимининг жаҳондаги энг илғор намуналар асосида ташкил этилиши йўналишлари.

Фан-техника тараққиётининг илғор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, юқори самарали техника-технологиялардан фойдаланиш меҳнат омилига янги талаблар қўймоқда.

Ҳозирги кунда унинг миқдор ва сифат жиҳатлари ўртасидаги нисбат кескин ўзгариб бормоқда. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимотида муносиб ўрин эгаллаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари кўп жиҳатдан ишчининг билими, малакаси, вазиятга қараб иш тута олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

1998 йили ЮНЕСКО ташкилотчилигида «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар» деган мавзуда ўтказилган жаҳон анжумани декларацияси янги асрда олий таълимга бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлод янги билим, ғоя ва кўникмаларни эгаллаши, ижтимоий, маданий ва иқтисодий тараққиётда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилишининг кучайишини таъкидлаган эди.

Мугахассисларнинг таъкидлашича, XXI аср таълим олишнинг ўзига хос даври бўлиши кутилмоқда, чунки эндиликда таълим ахборотлар оқими кучайган шароитда амалга оширилади. Бу жараёндан албатта касбий таълим ҳам четда қолмайди¹⁹.

Мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтишимиз мамлакатимиздаги барча соҳалар каби таълим соҳасини ҳам ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва

¹⁹ Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007 йил, 46-бет.

ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни, «Таълим тўғрисида»ги қонунни жорий этиш, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини тайёрлаш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Дастурда таъкидланганидек, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларининг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги ва бошқалар кадрлар тайёрлашдаги муҳим камчиликлар эди. Мамлакатимизда таълим тизимида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, у ўз навбатида замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қила бошлади. Уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг камчиликлар ва муаммолар қисмида кўрсатиб ўтилган.

Таълимни меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни, жаҳондаги илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш зарурати вужудга келди. Бундан ташқари илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтларни кадрлар тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилмаганлари ҳам мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни замон талабига жавоб бермаслигига олиб келди.

Кўнгилдагидек билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш инсон салоҳиятини юзага чиқариш уларни ҳар жиҳатдан билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил этишга боғлиқ. Шундай қилиб:

1. Маълум сабабларга кўра, жаҳон ҳамжамияти тараққиётида ортда қолган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун,

аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги.

2. Анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли "ахборотли ўқитиш" сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги.

3. Фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлик натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ешларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги.

4. Кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

5. Ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилиши.

6. Талабаларни индивидуал хусусиятлари, ахборотни қайта тиклаш қобилияти ва бошқа хислатларини ранг-баранглиги замон талабига мувофиқ кадрлар тайёрлаш учун замонавий таълим усуллари қўллашни талаб қилади²⁰.

Ҳозирги даврда фан-техника тараққиётининг ўта ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келди. Лекин ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт ниҳоятда чекланган. Ахборот олинадиган манбалар турли туман ва хилма-хил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янги-янги турлари вужудга келмоқда.

Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қилади ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан

²⁰ Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007 йил, 53-бет.

қабул қилинадиган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш туфайли уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш жараёни амалга оширилади. Ҳаёт учун кураш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш инстинкти янги билимлар учун интилишни ҳаётий заруриятга айлантиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билимлар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Таълим жараёни-таълим берувчи бидан таълим олувчи ўртасидаги кўйилган мақсад асосида белгиланган билим, кўникма ва тарбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълим мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради.

Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги билим босқичлари иштирок этади:

- Сезги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қилиш, улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади). Сезиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларига кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу - маълумотларни идрок қилиш, дейилади.

- Идрок (маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).

- Хотира. У механик, образли, қисқа ва узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз, тезкор бўлиши мумкин.

- Тафаккур. Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алоҳида ажралиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши ҳам

тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, классификациялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

- Хаёл, ижодкорлик. Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиролар қилиш кабилардан иборат.

Одамлар таълим олшп, янги билимларни ўрганиш жараёнида билишнинг турли воситалари, шакллари, босқичларига мурожаат қилишлари табиий. Бу жараён инсоннинг ёш хусусиятларига кўра ўзгариб такомиллашиб боради. Маълумки, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ўқиётган ўқувчиларнинг ёши 15-18 ёш атрофида. Улар кўпроқ ўзларидан катта ёшдагиларнинг, хусусан ўқитувчининг маслаҳатига, ёрдамига мухтож.

Олий мактаб талабалари эса балоғатга етган, етук, мустақил ҳаётга қадам ташлаган ёшлар. Уларнинг дунёқараши академик лицей ва касб ҳунар коллежлари талабалари дунёқарашидан анча фарқ қилади. Улар кўпроқ мустақил фаолият юритишга интилишади.

Шунинг учун ҳам *академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ҳам, олий мактабда ҳам дарс жараёнини ташкил қилишда ўқувчи, талабаларнинг ёшини ҳисобга олиш зарур.*

Ёшларга хос қатор хислатлар дарс жараёнини ташкил этиш, дарс ўтиш методларини танлашда муҳим роль ўйнайди. Чунки дарс улар учун зерикарли машғулотга айланмаслиги керак.

Асосийси, дарс жараёнида қўлланадиган услублар ўқувчи-талабаларни таҳлилий фикр юритишга, ўз фикрини мустақил баён қилишга ўргатиши лозим.

Академик лицей ва коллежларда иқтисодий фанлардан дарс ўтишнинг ўрта мактаб ва олий мактабдагидан муҳим фарқи дарс жараёнини ташкил этишдир.

Академик лицей ва коллежларда дарс 80 минут бўлиб, мавзунинг ўқув-календарь режасида ажратилган соатига кўра «назарий ва амалий

машғулот»га бўлинади. Муфовик равишда дарсни ташкил этиш шакли ҳам фарқ қилади.

Академик лицей ва коллежларда ўтиладиган фанлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Умум таълим фанлари.

а) чуқурлаштирилиб ва қўшимча гуруҳлаштирилиб ўтиладиган фанлар.

2. Умум касбий таълим фанлари.

3. Махсус фанлар.

Иқтисодий фанлар мазкур академик лицей ёки касб-хунар коллежида қайси блокка киритилишига кўра дарс соатлари белгиланади.

Ўқитувчи дарс ўтиш ва дарс ўтишда қўлланиладиган метод-ларни танлашда фанни қайси блокка киритилганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим кўпроқ мавжуд билимларни ўзлаштиришга қаратилса, олий таълимда эса кўпроқ ижодий изланувчанликка қаратилади.

Психологларнинг фикрича, билимларни ўзлаштириш, бу-янги қабул этиладиган ахборотни ўқувчи-талаба онгидаги аввалги мавжуд бўлган ахборотлар тизимига киритишдир. Уларда билим қан-чалик кенг бўлса, янги ахборотни қабул қилиши шунчалик осон кечади.

Ўқитувчи яна шунга эътибор бериши керакки, у янги фанни ўрганишни ёки янги мавзунини ўтишни бошлар экан, албатта уларга тааллуқли, ахборотни қайта тиклаши ҳамда янги фанни, мавзунини ўзлаштириш учун асос ҳосил қилиши зарур. Айниқса, шу ёшдаги ўқувчи, талабаларни қизиқтирадиган савол, муаммоли вазият яратилиши уларни фанни, мавзунини ўрганишга фаоллигини кучайтиради.

Шунинг учун академик лицей, касб-хунар коллежларида ўқитувчи дарс ўтиш методларини фанни ўрганиш, унинг асосий тушунчаларини ёдда сақлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши зарур. Асосий тушунчаларни англаб, пухта ўзлаштириш-ари баробарида тафаккурни ўстиришга,

ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга аҳамият бериш керак.

Олий ўқув юрти ўзининг юқори илмий савияси билан ўрта таълимдан фарқланади. Фанни ўрганиш фанда эришилган замонавий ютуқларни амалиёт билан боғлаш, долзарб муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топишга йўналтириш билан ажралиб туради.

Олий ва ўрта мактабдаги таълимнинг ўзига хослиги дарс ўтиш методларини танлашга ҳам таъсир кўрсатади. Олим И. Т. Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан яқинлашувидир деб таърифлайди. С. И. Архангельский эса олий мактабдаги ўқитиш методлари нафақат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштириш, балки билишнинг ўқув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизими деган фикрни билдиради²¹.

Шунинг учун кўпроқ талабаларни ўйлашга ундайдиган дарс ўтиш методларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман ўқувчи-талаба ўйлашга ўрганмаса, олган билимларидан фойдалана олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиётида ин-соннинг ўйлаши, таҳлил қилиши, таққослаб, қарор чиқариши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки ҳар қандай соҳада муваффақиятли иш юритиш учун тафаккур ривожланган бўлиши зарур.

Ўқитиш услубининг пировард мақсади чуқур билим беришгина бўлмай, ёшларда мустақил билим олишга интилишни уйғотиш, уларни тарбиялаш ҳамдир. Ахборот турли-туман шаклларда қабул қилинади. Кимнинг ахборотни турли тарзда қабул қилиш қўлидан келмаса, бу - унинг учун катта йўқотиш бўлади.

Агар ўқитувчи ўқувчи, талаба ёқтирмайдиган услубда дарс олиб борса, унинг ўқишдан кўнгли совиб, фан билан шуғуллангиси келмай қолиши

²¹ Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007 йил, 55-бет.

мумкин. Шунинг учун турли-туман усуллар билан дарс ўтиш, ҳар бир ўқувчи, талабанинг дарсга фаол қатнашишига омил бўлади. Уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилади.

Таълим методларини ўқитиш методлари ва ўрганиш методларига ажратиш мумкин.

Ўқитиш методларига билим бериш усуллари сифатида қаралади. Бунда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятига таъсир кўрсатади, унинг дунёқарашини шаклланишига ёрдам беради.

Ўрганиш методлари билим, малака, кўникмаларни ижодий эгаллашга йўналтиради.

Олий мактабдаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ўқув жараенини ташкил этишда ҳам кўринади. Ўрта таълимда ўқув жараёни асосан дарс ўтиш шакллари: назарий дарс, амалий машғулоти, лаборатория машғулоти тарзида ташкил этилса, олий ўқув юртлирида эса ўқув жараёни дарс машғулотларидан ташқари давра суҳбати, илмий конференциялар ва бошқаларни ҳам кенг қўллаб ташкил этилади.

Академик лицей, касб-хунар коллежлари олий мактаблардан **ўрганиладиган билим ҳажми** билан фарқ қилади. Демак, дарс жараёнини ташкил этиш, фанни ўрганиш бўйича уй вазифалари ва топшириқлар ҳажми ҳам фарқланади.

Коллеж, мактаб таълими методларини шакллантиришда, ўқитишни ташкил этишда таянч муассаса ҳисобланади. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида дарс ўтганда ўқитувчилар дарс ўтиш методларини ўқувчиларнинг ёшига мосларини танлаши, мураккабларининг эса соддалаштирилган вариантларини ишлаб чиқишлари ва қўллашлари зарур бўлади.

Шундай қилиб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрти ўқитувчилари дарс ўтишда, албатта, ўқув юртининг, ундаги таълим оловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари, шу билан бирга,

уларни дарсга фаол қатнашишларини таъминловчи, тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга эътибор беришлари лозим.

Ўқитувчиларнинг малакаларини оширишга, уларни дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашлари учун тажриба алмашишга катта эътибор берилишига қарамай, ҳали ҳам барча таълим масканларида ўқув жараёнини ташкил қилиш ва дарс ўтишда турли-туман интерактив методларни қўллаш кўнгилдагидек эмас. Бунинг қатор сабабларини кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, барча ўқув юртларида моддий таъминот бир хил эмас.

Иккинчидан, барча ўқитувчилар интерактив услубларни қўллаш бўйича тажриба тўпламаган.

Учинчидан, бунга ҳар бир ўқитувчи учун белгиланган дарс соатининг ҳафтасига қанча бўлиши ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиларни ҳар бир дарсга мавзу бўйича тайёрланиш, янги методларни қўллаб, дарс ўтиш жисмонан толиқтиради. Шунинг учун осонроқ йўл қидиришлари табиий. Улар учун камроқ куч, ташвиш талаб қиладиган методларга мурожаат қилиш қулайроқ.

Тўртинчидан, турли услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур қўлланмалар йўқ.

Шунинг учун:

1. Турли услубларни қўллаб, қизиқарли дарс ўтадиган ўқитувчиларни алоҳида рағбатлантириш зарур.

2. Дарс жадвалини тузганда, ҳафталик дарс соатлари тақсимотига аҳамият бериш, дарсда интерактив услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар, тарқатма материаллар ва бошқаларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

3. Дарс ўтишда қўлланиладиган методлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларнинг конкурсини ўтказиш керак.

4. Малака оширишда дарс ўтиш методларини такомиллаштиришга қаратилган дарслар ҳам ташкил этишга эътибор бериш зарур.

II.2. Касб-хунар таълимни ривожлантиришнинг долзарб молиявий муаммолари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ишлар таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ.

Янги таълим тизимининг эскисидан фарқи, унинг узлуксизлигидир. Яна бир қўзланган мақсад ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига эришишдир.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Айнан узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахснинг шаклланиши юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимида мустақил тур ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур,

соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларига эга бўладилар. Бу кўникмаларни олий ўқув юртларида давом эттиришлари ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус касб-ҳунар таълими беради, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлик, ўқув жараёнини ташкил этилиш жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланишича, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятнинг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва

маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан, чет элларда тайёрлашни ташкил этиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимлари ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув услубига мажмуалар ишлаб чиқиш;

- академик лицейларининг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан кейин узлуксиз таълим турларининг энг асосий ўрта бўғини бўлмиш ўрта-махсус касб-ҳунар таълим бизнинг кадрлар тайёрлаш миллий моделимиз бошқа мамлакатларнинг таълим тизими билан ўхшаш эмаслигини кўрсатди. Бунда, айниқса, узлуксиз таълимдаги муҳим бўғин 3 йиллик мажбурий ўрта-махсус касб-ҳунар таълим қандай бўлиши керак, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат, уни ташкил этиш ва бошқариш механизмлари қандай бўлиши керак, битурувчиларга қандай намунадаги ҳужжатлар берилиши лозим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қандай ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатишлари зарур деган саволлар юзага келади.

Президентимиз И. Каримов ҳам Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала 3 йиллик таълим муассасаларини

ташқил этиш ва бу поғонада болаларимизга билим бериш ва касб-хунар ўргатиш муаммоларидир деб, кўп марта таъкидлаган.

Юқоридаги саволларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-хунар таълимини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва шу Қарор асосида тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида" ги Низом ойдинлик киритди²².

Бу Низомга асосан касб-хунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танланган касб-хунар бўйича мутахассисликларни эгаллашни таъминлаш ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади ҳисобланади. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йиллик мажбурий таълим тури бўлиб, унинг йўналиши академик лицей еки касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей - ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус ўқув юртидир. 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумот олган бўлсалар, эндиликда улар ўзи танлаган йўналиш бўйича билим олиш ва олий ўқув юртига кириш учун мақсадга йўналтирилган фанларни мукамал ўрганиши билан махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

Касб-хунар коллежи - ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган ўрта махсус, касб-хунар ўқув юрти. Унда ўқувчиларга ўзлари танлаган касб-хунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касб-хунар ўргатилади. Улар замонавий жиҳозланганлиги, ўқитувчи-педагоглар савияси, ўқиш жараёнини ташқил

²² Д. Тожибоева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007 йил, 45-бет.

этилиши ва талабаларга камида 2-3 замонавий касб-хунар бера олиши билан олдинги касб-хунар мактабларидан тубдан фарқ қилади.

Ҳозирги шароитларда касб хунар таълими муассасаларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг ўрни алоҳида бўлиб, бу муассасаларнинг харажатларининг асосий қисми айнан шу бўғиндан молиялаштирилади. Қуйида келтириладиган жадвалдан Қуйида келтириладиган жадвалдан Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан касб-хунар таълим муассасаларини молиялаштириш амалдаги ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

2.1.1-жадвал

**Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг касб-хунар таълим
муассасалари молиялаштириш бўйича харажатлари**

млн сўм

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
					+/-	%	+/-	%
1	Жами бюджет харажатлари	366318,9	522415,8	639022,6	156096,9	142,6	116606,8	122,3
2	Ижтимоий-маданий тадбир харажатлар жами	236035,4	324 175	441027,2	88139,3	137,3	116852,5	136,0
3	Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатлари	32095,2	48820,3	71814,0	16725,1	152,1	22993,7	147,1
3.1.	Жами бюджет харажатларидаги улуши,%	8,8	9,3	11,2	0,6	x	1,9	x
3.2.	Ижтимоий-маданий тадбир харажатларидаги улуши,%	13,6	15,1	16,3	1,5	x	1,2	x


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда вилоят бюджетидан касб-хунар таълим муассасаларини молиялаштириш бўйича

жами 48820,3 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу олдинги йилга нисбатан 152,1 фоизга, 2010 йилда 71814 млн сўм маблағ сарфланиб, бу олдинги йилга нисбатан 147,1 фоизга кўпдир.

Касб-ҳунар таълим муассасалари харажатларининг жами маҳаллий бюджет харажатларидаги ва ижтимоий-маданий тадбир харажатларидаги улуши ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги чизмаларга мурожаат қиламиз:

2.1.1.-чизма

Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар таълим муассасалари харажатлари салмоғи динамикаси



Чизмадан кўриниб турибдики, 2009 йилда касб-ҳунар таълим муассасалари харажатларининг жами бюджет харажатларидаги улуши 0,6 пунктга, ижтимоий-маданий тадбир харажатларидаги улуши 1,5 пунктга ортган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 1,9 ва 1,2 пунктни ташкил қилган

Вилоятда касб-ҳунар таълим муассасалари харажатларининг ортишини вилоятда уларнинг сони ортаётганлиги, касб-ҳунар таълим муассасаларида

меҳнат қилувчи профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг иш ҳақининг мунтазам ошириб борилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Вилоят маҳаллий бюджетидан молиялаштирилаётган касб-ҳунар таълим муассасалари харажатлари таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, бу харажатлар асосан 3 гуруҳ бўйича молиялаштирилишини кўриш мумкин.

Қуйида келтириладиган жадвалдан биз вилоятда касб-ҳунар таълим муассасалари харажатлари таркиби ҳақида маълумотларни кўриш мумкин.

2.1.2.-жадвал

Наманган вилояти касб-ҳунар таълим муассасалари молиялаштириш бўйича харажатлари (харажат гуруҳлари кесимида)

млн сўм

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
					+/-	%	+/-	%
1	1-гуруҳ - Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	22922,2	36892,0	52462,2	13969,8	160,9	15570,2	142,2
2	2-гуруҳ - Иш ҳақидан ажратмалар	5463,2	8582	12782,3	3118,3	157,1	4200,8	149,0
3	4-гуруҳ - Бошқа харажатлар	3709,8	3346,7	6569,5	-363,1	90,2	3222,8	196,3
4	Жами	32095,2	48820,2	71814,0	16725	152,1	22993,8	147,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда иш ҳақи ва унги тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлари 36892 млн сўмни ташкил қилган бўлиб, бу олдинги йилга нисбатан 160,9 фоизга кўпдир. 2010 йилда эса бу гуруҳ бўйича харажатлар 52462,2 млн сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 142,2 фоизга кўпайган.

Иш ҳақидан ажратмалар гуруҳи бўйича харажатлар эса 2009 йилда 8582 млн сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 157,1 фоизга кўпайган бўлса,

2010 йилда 12782,3 млн сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 149 фоизга кўп демакдир.


Касб-ҳунар таълим муассасаларининг бошқа харажатлар гуруҳи бўйича харажатлари 2009 йилда 3346,7 млн сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 363,1 млн сўмга (90,2 %) камайган бўлса, 2010 йилда 6569,5 млн сўмни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 3222,8 млн сўмга (196,3 %) кўпайган.

Вилоятда касб-ҳунар таълим муассасалари харажатлари йиллар бўйича солиштириш орқали аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бу маълумотларни қуйидаги чизмадан кўриш мумкин.

2.1.2.-чизма

Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар таълим муассасалари харажатлари таркиби динамикаси

млн сўм




Чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилдан 2010 йилга қадар вилоятимиздаги касб-ҳунар таълим муассасалари молиялаштириш бўйича ўсиш тенденциялари бу муассасалар харажатлари гуруҳлари бўйича ҳам ўсиш кузатилганлигига асосланади.

Вилоятимиздаги жами касб-хунар таълим муассасалари харажатлари таркибида харажатлар гуруҳларининг улуши ҳам юқоридаги омилларга мос ҳолда ўзгариб борган. Қуйидаги чизмадан касб-хунар таълим муассасалари харажатлар гуруҳларининг салмоғи ўзгариши ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

2.1.3.-чизма

**Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган
касб-хунар таълим муассасалари харажатлар гуруҳлари бўйича
харажатлари салмоғи динамикаси**

% ларда



Чизмадан кўриниб турибдики, 2009 йилда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар харажатлари салмоғининг юқори бўлишига бошқа харажатларнинг камайганлиги сабаб бўлган. Бундан ташқари касб-хунар таълим муассасалари бошқа харажатлар гуруҳи бўйича харажатлари салмоғи 2008 йилдан 2010 йилга томон камайиб борган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълимини моддий қўллаб-қувватлаш ўқув юртларининг ишлаб

чиқариш, хизмат кўрсатиш уставига мувофиқ, бошқа фаолиятлар ҳисобига даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Булар замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди, ўқув юртлари мустақиллигини оширади, фаннинг таълим билан уйғунлашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, назарий билимларни амалиёт билан боғлаш имконини беради ва нихоят, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимига янги куч бахш этади.

Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрлари меҳнатини моддий рағбатлантириш ва уларга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи, сифат жиҳатидан янги механизмни жорий этиш ҳамда шу асосда молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори қабул қилинди.²³

Ушбу қзрорга асосан 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига 40 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун директор жамғармаси ташкил этилди.

²³ Қўлдошев Қ., Эрматов Э. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2010 йил, 6-сон, 150-бет.

Бу қарор ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларини молиялаштириш меъёрлари ва услублари янада такомиллаштирилиши лозим. Бундай услубларни ишлаб чиқиш зарурати ўрта-махсус, касб-хунар таълимини молиялаштириш меъёrlарининг илмий асосланган тизими шаклланмаганлиги, давлат таълим стандартларига амалдаги молиялаштириш тизими тўла мос келмаслиги, ўзига хос хусусиятларга эга тармоқлар ва ҳудудлардаги ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини молиялаштириш меъёрлари мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини молиялаштириш меъёrlарини ҳисобга олишнинг илмий асосланган услубиятини ишлаб чиқиш ва илмий ходимлар салоҳияти мавжудлиги; моддий-техника базаси мавжудлиги; ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини сақлаб туриш ва молиялаштириш бўйича меъёрий ишланмаларнинг баъзи лойиҳалари мавжудлиги; кўп манбали молиялаштириш бўйича нодавлат секторларини жорий этиш тажрибаси шаклланаётганлигига асосланади. Ушбу меъёрлар ишлаб чиқилиши натижасида ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари бюджети шаклланишининг механизми барпо этилади.

Молиялаштириш меъёри ўрта-махсус, касб-хунар таълими даалат стандартини амалга оширишга имкон берувчи муайян касб ва малакага эга мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган харажатларнинг оптимал миқдори ҳисобланади, Молиялаштириш меъёrlарининг зарурлиги "Таълим тўғрисида" ги қонун талабларида кўрсатилган. Бюджетлараро муносабатлар механизмини такомиллаштириш бўйича республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, молиялаштиришнинг янги манбалари, давлат стандартларини амалга ошириш зарурлиги, шахсий

молиявий мажбуриятларни кенг жорий этиш кабилар ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидир.

Меъёрий бюджетни молиялаштириш тамойиллари қуйидагиларни назарда тутиши керак:

- ўрта махсус, касб-хунар таълимида маблағларни ишлатишда ижтимоий адолатни;
- кўп манбалардан молиялаштириш шароитида молиялаштиришнинг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлашни;
- харажатларни режалаштиришнинг меъёрий усулини;
- барча даражадаги бюджетлар тўлиши учун жавобгарлик чегаралари;
- касб-хунар таълими муассасалари жамоасининг мустақиллигини.

Меъёрий бюджетни молиялаштиришнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: бошланғич касб-хунар таълимида таълим дастурини амалга оширишда барча босқич бюджетларидан харажатларниш реал харажатларга яқинлигини кўрсатиш; меъёрнинг таркибий ташкил этувчиларини аниқлаш: меъёрлаш бирликларини ва формуласини аниқлаш; ҳар бир таълим олувчининг бюджет молиялаштириш меъёрини ҳисоблаш услубиятининг асос моделини аниқлаш, таълим дастурларини биргаликда молиялаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини аниқлаш. Таълим қиймати меъёри ҳар бир касб-хунар таълими дастурига ёки ёндош касблар гуруҳига нисбатан ҳисобланиши керак.

Молиялаштириш меъёри ўз ичига ўқув ишлаб чиқариш жараенини таъминлаш учун таълим дастури харажатлари, муҳандис-педагог ходимлар малакасини ошириш харажатлари, ижтимоий характердаги харажатлар, тарбиявий ишларни таъминлаш харажатлари, мулкни сақлаш харажатларини олиши керак. Чет эл тажрибаси сифатида молиялаштириш моделларидан бири "Натижага асосланган молиялаштириш" бўлиб, ушбу моделдан кўпгина ривожланган мамлакатлар муваффақиятли фойдаланмоқда. Ушбу моделни

жорий қилиш бўйича Россия Федерациясида ҳам ҳаракатлар олиб борилмоқда.²⁴

"Натижага асосланган бюджетлаштириш" атамаси (performance budgeting) инглиз адабиётидан олинган бўлиб, унинг ўзбек тилидаги синоними "Натижага асосланган бюджетлаштириш" ва "Мақсадли-дастурли бюджетлаштириш" маъноларини беради. Бюджет харажатларини бошқаришни мазкур усули бюджет жараёнини шундай ташкил қилишни кўзда тутадик, бунда бюджет маблағларини режалаштириш ва сарфлаш ушбу маблағни оловчи ташкилий тузилмалар фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

Умумий ҳолда натижалар бўйича бюджетлаштириш бюджетнинг шаклланиши ва бажарилишини кўзда тутувчи тизим бўлиб, бу тизим бюджет харажатлари ва ушбу харажатлардан кутилган ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўзида мужассамлаштиради.

"Мақсадли-дастурли бюджетлаштириш" ибораси "Натижага асосланган бюджетлаштириш" моделининг асосий моҳиятини очиб беради. Фаолият мақсади ўзаро боғланган бўлиши учун бунга имконият яратиб берадиган инструментдан фойдаланиш керак. Бу - дастурдир. Ушбу дастурда амалга ошириладиган иш, унинг мақсади, амалга ошириш вақт мазмуни, ҳажми, усули, кетма-кетлиги, бажариш муддати ва молиялаштириш ҳажми кўзда тутилган бўлиши лозим.

Дастурли-мақсадли бюджет шакли мақсад ва вазифа, ресурс, тадбир, натижа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тўлиқроқ кўрсатиш билан "Натижага асосланган бюджетлаштириш"нинг вазифаларига тўлиқ жавоб беради.

Дастурли-мақсадли бюджетлаштиришнинг қулай жиҳатларидан бири шундаки, унда бюджет маблағларини тармоқлар ва тармоқ тасарруфидаги бюджет ташкилотларига тақсимлашда қайишқоқ ва самарали инструмент

^{24 24} Қўлдошев Қ., Эрматов Э. Ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2010 йил, 6-сон, 151-бет.

сифатидаги томонлар кўп. Дастурли-мақсадли бюджет тақсимотида бюджет маблағидан фойдаланувчилар фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш имконияти туғилади.

Натижага асосланган бюджетлаштириш тамойили бюджет жараёнига куйидаги қоида ва тартибларни жорий қилиш орқали амалга оширилади: тармоқ ва унинг таркибидаги ташкилотлар ўз фаолиятининг аниқ натижаларига асосланади; сарфланган бюджет маблағлари ва олинган натижалар ўртасидаги боғлиқлик аниқланади, эришилган натижаларнинг муқобил вариантлари билан ўзаро солиштирилади; эришилган у ёки бу натижалар бўйича таҳлил амалга оширилади; амалга оширилган таҳлил асосида бюджет харажатлари самарадорлиги тўғрисида хулоса қилинади; молиялаштириш ҳажмини сақлаб қолиш, кўпайтириш ёки камайтириш ҳамда бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш бўйича қарор қабул қилинади.

Юқоридагилардан кўринадики, фаолият натижалари бўйича бюджетлаштиришда барча бюджет тақсимловчилар ва бюджет маблағларини олувчилар ўз фаолиятининг сўнгги натижаларига асосланишлари керак. Бу, ўз ўрнида, бюджет маблағларини олиш тўғрисида талабнома тақдим қилишда ушбу талабномани тақдим қилувчи субъект ўз харажатлари ҳажми ва таркибини асослаб беришини талаб этади. Ушбу талабга кўра, талабнома тақдим этувчи субъект ўз фаолиятининг стратегик мақсадлари ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатли, узоқни кўзлаган мақсадларига тўғри келишини; жамият ривожини учун хизмат қилувчи натижаларга эришишга олиб келувчи тактик вазифаларни амалга оширишга, шунингдек, бундай вазифаларни амалга оширишга қаратилган тармоқ дастурларини молиялаштиришга қаратилган бўлишига эътибор бериш лозим.

"Натижалар бўйича бюджетлаштириш" концепциясида тармоқ бўлимлари бошқарув органларининг жавобгарлик характери ўзгаради. Уларга биринчи ўринда режалаштирилган натижаларга эришиш жавобгарлиги

юкланади. Жавобгарлик даражасининг ортиши молиявий маблағларни сарфлашдаги мустақиллик билан амалга ошади. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар самарадорликни ошириш мақсадида маблағлардан фойдаланишда кўпроқ эркинликка эга бўладилар. Чет эл тажрибасида бюджет маблағларига эгалик қилишдаги зарур қайишқоқликка дастурларни амалга оширишга ажратилган ресурсларни қисман қайта тақсимлаш ҳамда белгиланган лимитларни ишлатишда иқтисод қилинган маблағларни кейинги йилда ишлатиш ҳуқуқлари бериш орқали эришилади.


Буларнинг бари бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

II.3. Олий таълим муассасаларини ислох қилишдаги молиявий таъминлаш масалалари

XI асрдан бошлаб, то замонавий замонавий институтларни пайдо булгунига кадар олий таълим иқтисодий нуқтаи назардан ўқитувчиларни талабалар томонидан ёллаш кўринишига эга эди. Аксари давлатларда олий таълим муассасалари маъмурий ва дин пешволарини тайёрлаш билан машғул бўлар эди. Уйғониш даврида олий таълимни молиялаштириш асосан талабалар ҳисобига ва католик черков ҳисобига амалга оширилар эди. Университетларни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш илк бора XIX асрда Франция ва Германияда кузатилди. Бироқ кейинги аср давомида турли хил мамлакатларда яратилган нодавлат олий таълим тизими худди шу тармоқнинг давлат секторига нисбатан анча самарали эканлигини кўрсатди.²⁵

Жаҳон тажрибасида умуман олганда молиялаштиришнинг иккита асосий йўналиши мавжуд:

²⁵ В.Николаев, Я. Дудкевич. Корпорация ОКО. Публикации. статьи web сайта «Механизм финансирования высшего образования». 2002.

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий

Олий таълим олишга сарфланувчи шахсий харажатлар шахсий даромад ҳисобига, институционал харажатлар эса давлат бюджети ҳисобига қопланади

Соддалаштирилган кўринишда биз молиялаштириш манбаларини таълимнинг институционал харажатларига ва таълимга сарфланувчи шахсий харажатларга бўлишимиз мумкин.

Давлат ҳам шахсий харажатларни қоплашга ўз хиссасини қўшиши, хусусий даромад манбаси эса институционал қийматга ўз хиссасини қўшиши мумкин. Шунингдек, схемани шундай кўринишга келтириш мумкинки, унда оммавий молиялаштиришнинг бир қисми таълим муассасаларига таълимга сарфланувчи харажатларни рағбатлантириш орқали ёки талаба орқали йўналтирилади.²⁷

Олий таълим муассасаларининг молиялаштириш механизмини ривожланиш жароёнида икки хил принципиал ёндашувлар шаклланди. Биринчи ёндашувга кўра олий таълим муассасалари давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи ташкилот сифатида кўриб чиқилади. Иккинчи

²⁶ Саидов М.Х. Таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. «Таълим муаммолари», №2, 2000. 292-бет.

²⁷ Вольфганг Ройтер. “Финансирование образования: международные модели, пути, опыт и мышление”. Журнал “Университетское управление практика и анализ”. №4(15) 2000. Екатеринбург.

ёндашувда эса улар оладиган маълумотидан келажакда қўшимча даромад олиш мақсадида фойдаланувчи алоҳида шахсларга (талабаларга) хизмат кўрсатувчи тижорат корхоналари сифатида кўриб чиқилади. Биринчи ёндашувда харажатларнинг барчаси ёки катта қисми давлат зиммасида бўлса, иккинчи ёндашувда талабалар зиммасида бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида кейинги вариант тобора кенг тарқалмоқда, чунки бу ёндашувнинг учта асосий афзалликлари мавжуд:


- олий таълим муассасалари ўқув жараёнида талабаларнинг эҳтиёжларига яхшироқ эътибор қаратадилар;
- олий таълим муассаса ресурслари асосан талабалар ҳисобига харид қилинади;
- талабалар учун рақобат ривожланади.

Бироқ бозорга йўналтирилган ёндашув меҳнат бозори шаклланмаган ёки ривожланмаган ва талабалар маблағларни таълим олишга киритишдан тўғридан-тўғри фойда олинишига ишонмайдиган мамлакатларнинг кўпчилигида ўз ўрнини топа олмайди. Бироқ бозор самарадорлигини талабалар тўловига тўлиқ боғламаган ҳолда ҳам эришиш мумкин. Давлатнинг маблағлари олий таълим муассасаларига грантлар, ваучерлар ва қарз бериш ёрдамида талабалар орқали етказилиб, бу олий таълим муассасалари ўртасида рақобатчиликни юзага келтиради.

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини молиялаштиришнинг бир нечта услублари мавжуд.

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини молиялаштириш услублари:

- Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «харажатлар бўйича» молиялаштириш услуби
- Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «натижалар бўйича» молиялаштириш услуби
- Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «талабалар орқали» молиялаштириш услуби

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини молиялаштириш услублари²⁸**Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «харажатлар бўйича» молиялаштириш услуби.**²⁹

Шартнома бўйича ёки воситачи ташкилотлар орқали молиялаштириш механизми билан боғлиқ муаммоларга жавобан таълим инфратузилмаси етарлича ривожланмаган мамлакатларда «харажатлар бўйича» молиялаштириш томон ҳаракатланиш кузатилмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги ҳамда Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатларида молиялаштириш таълим тизимига киришда сарфланувчи харажатларга асосан ажратилади. Бундай молиялаштириш харажатларни аниқлаш усуллари, нормативлари ва воситаларига таянган ҳолда муайян олий таълим муассасалари ва дастурларни молиялаштиришни режалаштириш ва амалга ошириш мумкин бўлишини талаб қилади. Бунда таълим олишнинг қийматини ҳисоблашда фойдаланувчи методология олий таълим муассасаларини рағбатлантириш жараёнига катта таъсир кўрсатади.

²⁸ 6-чизма Альферов Ю. Источники и механизмы «Педагогика» №8 2004.

²⁹ В.Николаев, Я. Дудкевич. Корпорация ОКО. Публикации. статьи web «Механизм финансирования высшего образования». сайт 2002.

Давлат олий таълим муассасаларига уларга ажратилувчи маблағларни сарфлашда қанчалик кўп эркинлик берадиган бўлса, «кириш бўйича» молиялаштириш технологияси шунчалик кенг қўлланади. Қуйида молиялаштиришнинг учта усулига мослаштирилган уч хил ёндашув акс эттирилган.

Биринчи ёндашувда сметалар турларига кўра (яъни ойлик маош, асбоб-ускуналар, талабаларга хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) тақсимланади. Иккинчи ёндашув бюджетни қиймат марказлари бўйича тақсимланади – бунда кўпинча алохида факультет, баъзи ҳолларда эса алохида ўқитувчилар кўзда тутилиб, молиялаштириш дастурларига мос келади. Учинчи ёндашув сметаларни фаолият турлари, яъни таълим олишга ёки тадқиқот ишлари бўйича тақсимланади.

2.3.1.-жадвал³⁰

<i>Смета тақсимоти</i>	<i>Бюджет маблағларини ажратиш жароёни</i>
Қиймат категорияси бўйича	Чизиқли бюджет
Қиймат марказлари бўйича (факультет)	Дастурли бюджет
Таълим муассасаларини фаолият турлари бўйича	Формулалар

Бироқ олий таълим муассасалари харажатларини самарадорлигини оширишлари учун улар ўзларига ажратилаётган маблағларни қайта тақсимлай олиш ҳуқуқига эга бўлишлари зарур.

Чизиқли бюджет. Кўпчилик ҳукумат вакиллари ташкилотлардан сметаларнинг ҳар бир таркибий қисмини асослаб беришни талаб қилади. Олий таълим муассасалари ўзларининг келгуси йилдаги бюджетларини олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этадилар. Бунда сметаларнинг ҳар

³⁰ Муаллиф томонидан СаидовМ.Х Таълим кредити механизми хусусияти ва амалиёти китоби асосида

бир таркибий қисми алоҳида кўриб чиқилади. Сметалар харажатлар тоифаларининг қиймат тахлилидан сўнг қабул қилинади. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатларда бюджет қиймат кўрсаткичлари асосида тасдиқланади. Қиймат кўрсаткичлари чизикли бюджет бўйича қарорларни бошқариш қоидаларини аниқлашда фойдаланилади. Улар шунингдек, «талабалар сони – ўқитувчилар сони» нисбати, бино ва иншоотлар сони каби кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Дастурли бюджет. Илгари чизикли бюджетдан фойдаланган кўплаб мамлакатлар харажатлар марказларига грант пакетлари ажратишга ўтиб, олий таълим муассасаларининг эркинлигини кенгайтира бошлади.

Формула бўйича бюджет. Мазкур ёндашув олий таълим муассасаларининг қабул даражаси каби тавсифномаларидан фойдаланувчи формулалар ёрдамида бюджетни аниқлашга имкон яратади. Олий таълим муассасалари бюджетини вазирликка тақдим қилиш ўрнига молиялаштирувчи ташкилот фаолият турлари бўйича харажатларга, асосан таълим ва тадқиқот ишларига маблағ ажратади. Умумий миқдорни бирлик қийматига кўпайтириш энг тарқалган ёндашув ҳисобланади. Бундай ёндашув бюджет маблағларини ажратишнинг бошқа шакллари билан (тадқиқот ишларига маблағ ажратиш, ташқи ишларга шартнома бюджети) уйқунлаштирилиши керак.

Формулаларнинг икки хил гуруҳи мавжуд. Уларнинг бири - қабул формуласи бўлиб, унинг асосида давлат олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинган талабалар сонига мутаносиб равишда фондлар ажратади. Иккинчи турдаги формула бўйича эса қиймат коэффиценти ходимлар сонига кўпайтирилади.

Формулалар бўйича фаолият соҳаси, ўқув дастурининг ёки олий ўқув юртининг турига мос равишда хиссаларга бўлинади.

Ушбу формулаларда фойдаланиладиган коэффицентлари ресурсларнинг ички тақсимооти учун стимул бўлиб хизмат қилади. Хисса коэффицентлари

асосан фаолият соҳаси, маълумот даражаси, олий таълим муассасалари (жойлашган ўрни, катталиги, вазифалари) ва талабаларнинг турлари учун киритилади. Аслини олганда, хисса коэффицентлари қийматлар нисбатини акс эттириши лозим, масалан, инженерлик курслари санъатшунослик курсларидан уч баравар қимматроқ туриши керак. Аммо, хисса коэффицентлари ҳукуматнинг қабул устидан яширин назорат ўрнатиш шакли сифатида ҳам қўлланилиши мумкин: агар ҳукумат инженер ўринлари сонини кўпайтирмоқчи бўлса, у инженерларга тааллуқли хисса коэффицентини оширади. Қабул формулалари таркибидаги кенгайтириш стимуллари чеклаш учун баъзи формулаларда қўшимча талабаларга бериладган тўловларни камайтириш кўзда тутилади ва шу йўл билан хисса коэффиценти ўзгартирилади.

Бундай ёндашувнинг назарий устунлиги шундан иборатки, у олий таълим муассасаларини кўрсатилган суммадан самарали фойдаланишнинг қўшимча воситаларини излаб топишга ундайди. Шу тариқа маблағлар таълимни янада самарали амалга оширишга имкон берувчи соҳаларга ўтказилади. Бундан ташқари, барча олий таълим муассасаларига қатъий стандартларни белгилаш ўрнига молиялаштириш тизимининг мослашувчанлиги ошади.

«Кириш бўйича» молиялаштириш давлат ва олий таълим муассасалари ўртасида кириш сметалари асосида ресурслар билан таъминлаш учун шартнома тузилиши мажбурийлигини кўзда тутди. Шу тариқа молиялаштириш кириш нархлари ўзгармаслиги учун нисбатан барқарор бўлиши лозим. Натижада «кириш бўйича» молиялаштириш кўпинча шартнома ёндашувларига қараганда молиялаштиришни барқарор таъминлайди. Бироқ «ad hoc» шартномалари каби, ҳукумат бюджет мавжуд ресурсларга мос келиши учун формулаларни ўзгартиришга мажбур қилганда унинг фаолият юритиши ёмонлашади.

«Кириш бўйича» молиялаштириш механизмларининг кўпчилиги таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш стимуллари таъминлай олмайди. «Кириш бўйича» молиялаштиришда ойлик иш ҳақининг ўрни албатта қоплансада, бошқа ресурслар қиймати амалда назорат қилинмайди. Шу сабабли олий таълим муассасалари бу қийматларни камайтиришдан манфаатдор бўлмайди. Агар давлат фақат фаолиятнинг таълим турлари бўйича маблағ ажратадиган бўлса, бу пуллар таълим сифатини оширишга сарфланиши ёки олий таълим муассасалари ушбу ресурсларни тақсимлашнинг энг яхши йўллари излаб топишлари кафолатланмайди. Молиялаштириш шакллари олий таълим муассасаларига ресурслар ўртача эмас, балки энг юқори нархлар бўйича таъминланганда самарасиз кенгайишига имконият яратилади.

«Кириш бўйича» молиялаштириш шунга ҳам олиб келадики, олий таълим муассасалари қабул қилувчи қарорлар меҳнат бозорининг ишчи кучига талабларига тескари бўлиб, олий таълим муассасаларининг бир хиллиги юзага келади. Фондларни белгилаш учун кўрсаткичлардан фойдаланиш олий таълим муассасалари интилиши лозим бўлган «норма»ни белгилаб беради. Яна бир муаммо эса кириш мезонлари билан боғлиқ. Масалан, ўқитувчилар сонини фақат қабул қилинувчилар сонигина эмас, балки тадқиқот ишлари ҳам белгилаб беради. Кичик таълим тизимларида бу барча олий таълим муассасалари қувватларини шакллантиришда катта самара бериши мумкин.

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «натижалар бўйича» молиялаштириш усули.³¹

«Натижалар бўйича» молиялаштириш олий таълим муассасалари битирувчиларини тайёрлаш самарадорлигига асосланади. Бу тизимда талабаларни тайёрлаш сифатини қатъий назорат остига олиш лозим.

³¹ В.Николаев, Я. Дудкевич. Корпорация ОКО. Публикации. статьи web «Механизм финансирования высшего образования». сайт 2002.

Ҳукуматнинг «натижалар бўйича» молиялаштириш технологиясини ишлаб чиқишдан манфаатдорлиги шундаки, олий таълим муассасалари битирувчиларини тайёрлаш учун сарфланувчи харажатларнинг юқорилиги, олий таълим муассасаларининг самарасиз фаолияти ёки таълим тизими орқали ўқувчи талабалар билим даражасининг пастлиги сабаб бўлди. «Натижалар бўйича» молиялаштириш самарасиз ишлашнинг олдини олишга ва ресурслар бирлигида юқори натижалар олишга имкон яратади. Бирок ҳукумат назорати доим ҳам бу мақсадларга эришишга олиб келавермайди.

Олий таълим муассасаларини «натижалар бўйича» молиялаштиришнинг ривожланган тизими амал қилувчи барча мамлакатларда олий таълим муассасалари қабул қилиш (асосан «автоматик» қабул қилиш сиёсати) ва маблағларни қайтариш (жумладан, талабаларнинг ўқиш учун пул тўлашларини жорий қилиш) масалаларида чеклаб қўйилган. Бу чеклашлар талабаларни саралаш ва такроран ўқитиш нормаларининг юқори бўлишига олиб келади, чунки талабаларни ўқитиш сифати пасаяди ва уларда ўқишни тезроқ тугатишга ҳеч қандай стимул бўлмайди. Бошқа томондан маблағларни ички тақсимлашга оид чеклашлар нисбатан қатъий бўлмайди, чунки «натижалар бўйича» молиялаштириш технологияси олий таълим муассасалари уларнинг стимули мавжудлиги сабабли маблағларни тақсимлаш бўйича қарор қабул қилишда эркинликка эга бўлишларини талаб қилади.

Талабаларни саралаш ва қайта тайёрлаш даражаси юқори бўлган баъзи бир тизимлар олий таълим муассасалари учун «чиқимларни» камайтириш йўллари яратиш механизмига эга. Олий таълим муассасаларида ички педагогик муаммолардан ташқари давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг иккита асосий жихати – очик танлов ва талабаларни қўллаб-қувватлашнинг турли хил схемалари мавжуд бўлиб, улар талабаларнинг таълим олиши самарадорлигининг паст бўлишига олиб келади. Агар олий таълим муассасалари ўқишга кириш пайтида танловни амалга оширмаса, у

ҳолда университет юкламаларига бардоши етмаган талабалар қолақ бўлиб қолади ва ўқишдан хайдалади. Иккинчидан, талабанинг ҳаёт шароити шу олий таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан яхшироқ бўлса, айниқса, олий таълим муассасалари қўшимча тўланувчи пул миқдори кам бўлган ҳолда талабалар олий таълим муассасаларида иложи борича кўпроқ қолишга ҳаракат қилади.

«Натижа бўйича» молиялаштириш соҳасидаги мисоллар уларга асосан ҳулоса чиқариш учун ҳали жуда янги. Умуман олганда «натижалар бўйича» молиялаштириш формуласи жорий қилинган мамлакатларда жамғармалардан фойдаланиш самарадорлиги ва йиллик барқарорлик ўртасида мувозанатни кучайтириш зарурлиги маълум бўлди. Агар барча олий таълим муассасаларини молиялаштириш бажаришга асосланадиган бўлса, йилдан-йилга ўсиб боровчи ноаниқлик режалаштиришда қийинчиликларни юзага келтириши ва олий таълим муассасаларини таълимни такомиллаштириш воситаларини излаб топишга маблағ сарфлашдан воз кечишга мажбур қилиши мумкин.

«Натижа бўйича» молиялаштириш олий таълим муассасаларини тақсимлаш ва уларнинг ишчи кучи бозори талабларига реакциясини пасайтиришда ҳудди «кириш бўйича» молиялаштириш каби муаммоларга эга. Ҳар битта битирувчига сарфланувчи харажатларнинг гипотетик нормаси ишлаб чиқилгандан сўнг турли хил олий таълим муассасаларида ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни аниқлашга эҳтиёж юзага келмайди.

«Натижа бўйича» молиялаштириш ҳақиқий бўлмаган стимулларга қарши курашиш учун яна битта ёндашувни талаб қилиши мумкин. Ҳозирги пайтда молиялаштиришнинг ушбу механизмини асосан олий таълим муассасалари турли-туманлиги ва уларнинг амалиёт талабларига жавобларини ошириш бўйича ислоҳ қилиш имкониятлари изланмоқда. Бундай молиялаштиришда асосий муаммолардан бири бажаришни такомиллаштириш учун етарли бўлган, бироқ олий таълим муассасалари

фаолиятига путур етказиш ҳисобига амалга оширилмайдиган стимулларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бундан ташқари кўп ҳолларда бундай механизм қўлланганда сифатга нисбатан миқдорга кўпроқ баҳо берилади. Сифатни рағбатлантириш ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида устивор йўналиш ҳисобланади. «Натижа бўйича» молиялаштириш ҳам олий таълим муассасалари меҳнат бозоридаги ўзгариб турувчан талабларга мослашиш учун олий таълим муассасаларининг турли-туманлиги ва мослашувчанлигини оширишга жуда кам хизмат қилади.

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини «талабалар орқали» молиялаштириш³²

Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг юқорида санаб ўтилган усуллари бевосита олий таълим муассасаларига маблағ ажратишнинг турли хил механизмларига бағишланган бўлса, маблағларни бевосита олий таълим муассасаларига эмас, балки талабалар орқали йўналтириш муқобил йўл ҳисобланади. Ушбу билвосита ёндашув ёрдамида давлат олий таълим муассасаларини эмас, балки талабаларни қўллаб-қувватлайди ва олий таълим муассасаларининг стимулларига катта таъсир кўрсатади. Тизим муаллифлари ваучерларни давлат субсидияларига бозор механизмларини киритиш воситаси сифатида кўриб чиқадилар. Талабалар орқали молиялаштириш технологияси рақобатчиликни ривожлантиради, бу эса ўз навбатида самарадорлик ва сифатни оширишни рағбатлантиради. Рақобатчилик икки поғонада бўлади: талабалар давлат томонидан қўллаб-қувватланиш учун, олий таълим муассасалари эса талабалар учун рақобат қилишлари лозим.


Талабалар орқали молиялаштиришнинг биринчи мисоли бу ваучер молиялаштиришдир. Ваучерлар чекланган миқдорда олий таълим муассасаларида ҳам қўлланган бўлсада, улар асосан бошланғич ва ўрта умумтаълим мактабларига нисбатан қўлланган. Соф ваучер

³² В.Николаев, Я. Дудкевич. Корпорация ОКО. Публикации. статьи web «Механизм финансирования высшего образования». сайт 2002.

режалаштиришдан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари таълим учун ҳақ тўлаш ҳажмини белгилашда мустақил бўлишлари, давлатнинг иштироки эса талабалар орқали амалга оширилиши лозим. Талабаларни қўллаб-қувватлаш индивидуал грантлар шаклида бўлиб, уларнинг ҳажмини давлат томонидан молиялаштириш ҳажмига тенглаштириш мумкин. Талабаларни қўллаб-қувватлашнинг грант шакли кўпинча олий таълим муассасаларида таълим учун тўланувчи суммага тенг ёки ундан кам бўлади

2.3.3.-чизма ³³

Талабалар орқали молиялаштириш технологияси рақобатни таъминлайди.



Талабалар ўртасида қўллаб-қувватлаш учун рақобат. Ҳукумат молиявий ёрдам олувчи талабалар сонини чеклаб қўйиши керак. Ушбу молиявий ёрдамни кўрсатиш ҳақидаги қарор имконият ёки эҳтиёжлар асосида қабул қилиниши лозим. Молиявий ёрдамни унга ўта мухтож бўлган талабалар олий таълим муассасаларида ўқиш учун тўланувчи суммадан кўпроқ оладиган тарзда ҳам тақсимлаш мумкин.

Ҳукумат университетга йилига 10000 талабага 1000 доллар миқдорида маблағ ажратувчи университет тизимини кўриб чиқамиз. Ҳукумат ушбу маблағни олий таълим муассасаларига бермасдан 10000 талабанинг ҳар бирига 1000 долларлик ваучер бериши мумкин. Олий таълим муассасалари ўқиш учун ҳақ тўлашни белгилашда эркин бўладилар, баъзилар эса уни

³³ 7-чизма муаллиф томонидан

ваучер қийматидан оширишга мажбур бўладилар. Вақт ўтган сари олий таълим тизимининг ўсиши билан давлат олий таълим муассасаларига ажратилувчи субсидияларни қисқартириши ва фақат энг иқтидорли талабаларгагина ажратиши мумкин. Давлат грантлар хажмини олий таълим муассасалари йўналишидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаши мумкин: масалан, тиббиёт билан шуғулланишни истовчилар ижтимоий фанлар билан шуғулланишни истовчиларга қараганда кўпроқ маблағ оладилар. Шунингдек, давлат талабалар оқимининг самарадорлигини ошириш мақсадида ваучерларнинг амал қилиш муддатини чеклаб қўйиши мумкин.

Тизимнинг ўсишини чеклаб қўйиш учун ҳукумат ваучерлар бериладиган талабалар сонини чеклаб қўйиш ва бошқа талабаларин ўқиш учун тўлиқ миқдорда ҳақ тўлашга мажбур қилиш; грантлар ўрнига қарз ажратиш; катта миқдорда грант ажратиш орқали инфляцияга грантларни кадрсизлантириш имконини бериш каби бир қатор вариантларни кўриб чиқиши мумкин.

Олий таълим муассасалари ўртасида талабалар учун рақобат. Рақобатнинг иккинчи поғонаси – бу олий таълим муассасалари ўртасида талабалар учун рақобатдир. Олий таълим муассасалари асосан таълим учун тўланувчи тўловларга асосланиб, капитал харажатлар бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда энг муҳими, илмий-тадқиқот ишлари ва аспирантура давлат томонидан молиялаштирилади. Бироқ олий таълим муассасалари таълим учун тўлов миқдорини ўзлари мустақил равишда белгилашлари мумкин. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари таълим учун ҳақ тўлаш масаласида улар эҳтиёжини қондирмоқчи бўлган бозор туридан келиб чиққан ҳолда турли хил нуқтаи назарга эга бўлишлари мумкин: юқори миқдорда тўлов ва юқори сифат, паст миқдордаги тўлов ва паст сифат бўлиши мумкин; турли хил ўқув курслари бўйича тўлов миқдори турлича бўлиши мумкин. Тўловлар миқдори ваучер қийматидан ҳам юқори бўлиши мумкин – баъзи талабалар пулни шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида сақлаб қолишни, бошқалар эса ўз пулларини янада қимматроқ

курсларга сарфлашни ишташлари мумкин. Бундан ташқари, талабалик ваучерларни жалб қилиш учун олий таълим муассасалари талабаларда эҳтиёж мавжуд бўлган курсларни очишлари ҳамда талабаларга керак бўлмаган мутахассисликларни ёпишлари мумкин. Агар талабаларнинг эҳтиёжлари меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келадиган бўлса, бу олий таълимнинг ташқи самарадорлигини оширишнинг самарали механизмига айланади.

Ушбу тадқиқотимиз доирасида Наманган муҳандислик-педагогика институти молиялаштириш жараёнларини имкон қадар кўриб чиқайлик. НамМПИ даромад ва харажатлари ҳақидаги маълумотларни унинг бухгалтерия бўлими ҳисоботлари асосида шакллантирдик. Қуйида ушбу маълумотларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Қуйидаги жадвалдан институтнинг 2008-2010 йиллардаги даромадлари таркиби ҳақидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

2.3.1.-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институти молиялаштириш манбалари таркиби ҳақида маълумот

минг сўм

№	Молиялаштириш манбалари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
					+/-	%	+/-	%
1	Давлат бюджети маблағлари	461286	622296	853651	161010	134,9	231355,0	137,2
	жамидаги улуши, %	35,8	33,0	30,6	-2,9	х	-2,4	х
2	Тўлов шартнома маблағлари	804763	1224284,3	1858613,5	419521,3	152,1	634329,2	151,8
	жамидаги улуши, %	62,5	64,8	66,6	2,3	х	1,7	х
3	Бюджетдан ташқари маблағлар	21797,4	41722,8	79514,7	19925,4	191,4	37791,9	190,6
	жамидаги улуши, %	1,7	2,2	2,8	0,5	х	0,6	х
4	ЖАМИ	1287846,4	1888303,1	2791779,2	600456,7	146,6	903476,1	147,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда институтнинг молиялаштирилган маблағлари ҳажми 1888303,1 минг сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилга нисбатан 600456,7 минг сўмга ёки 146,6 % га кўпдир. 2010 йилда эса бу кўрсаткич 2791779,2 минг сўмни ташкил қилиб, 2009 йилга нисбатан 903476,1 минг сўмга ёки 147,8 фоизга кўпдир.

Институтни молиялаштириш манбалари таркибида тўлов – шартнома маблағлари энг юқори улушни эгаллайди: 2008 йилда 62,5 фоиз, 2009 йилда 64,8 фоиз ва 2010 йилда 66,6 фоизга тенг бўлган.


Молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши эса йилдан йилга камайиб бормоқда: хусусан, 2008 йилда жами молиялаштириш манбаларининг 35,8 фоизи, 2009 йилда 33 фоизи ва 2010 йилда 30,6 фоизи давлат бюджети маблағлари ҳиссасига тўғри келган.

Институтнинг даромадлари манбаларини салмоғи ҳақидаги маълумотлар бизга янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Қуйида НамМПИ даромадлари манбалари салмоғи ҳақида маълумотларни кўришимиз мумкин.

2.3.1.-чизма

Наманган муҳандсилик-педагогика институти даромадлари салмоғининг ўзагариш динамикаси

% ларда



Навбатдаги жадвалдан эса институтнинг таҳлил қилинаётган даврдаги харажатлари ва унинг таркиби ҳақида маълумотларни кўришимиз мумкин.

2.3.2.-жадвал

**Наманган муҳандислик-педагогика институти харажатлар таркиби
хақида маълумот**

минг сўм

№	Харажатлар гуруҳлари ва моддалари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
					+/-	%	+/-	%
1	Иш ҳақи харажатлари	728325	1220337	2074572,9	492012	167,6	854235,9	170,0
	жамиидаги улуши, %	36,1	40,9	42,6	4,9	x	1,6	x
2	Стипендия тўловлари	786075	1021275	1736167,5	235200	129,9	714892,5	170,0
	жамиидаги улуши, %	38,9	34,3	35,6	-4,7	x	1,3	x
3	Иш берувчининг ажратмалари	174798	292881	497897,7	118083	167,6	205016,7	170,0
	жамиидаги улуши, %	8,7	9,8	10,2	1,2	x	0,4	x
4	Хизмат сафари харажатлари	14056,7	20524	26991,3	6467,3	146,0	6467,3	131,5
	жамиидаги улуши, %	0,7	0,7	0,6	0,0	x	-0,1	x
5	Коммунал хизмат тўловлари	104488,8	164438	224387,2	59949,2	157,4	59949,2	136,5
	жамиидаги улуши, %	5,2	5,5	4,6	0,3	x	-0,9	x
6	Жорий таъмирлаш харажатлари	24600	26200	29100	1600	106,5	2900,0	111,1
	жамиидаги улуши, %	1,2	0,9	0,6	-0,3	x	-0,3	x
7	Транспорт воситалари ва техникасини сақлаш хизмати ва ижараси учун харажатлар	47535,9	47536	48576	0,1	100,0	1040,0	102,2
	жамиидаги улуши, %	2,4	1,6	1,0	-0,8	x	-0,6	x
8	Жорий мақсадлар учун техника, асбоб- ускуна, озиқ-овқат маҳсулотлари харажатлари	42175	42175	43236	0	100,0	1061,0	102,5
	жамиидаги улуши, %	2,1	1,4	0,9	-0,7	x	-0,5	x
9	Ноишлаб чиқариш соҳасида реконструкция қилиш ва капитал активларни олиш харажатлари	54647	67771	81235	13124	124,0	13464,0	119,9
	жамиидаги улуши, %	2,7	2,3	1,7	-0,4	x	-0,6	x
10	Бошқа харажатлар	42574	77471	112906	34897	182,0	35435,0	145,7
	жамиидаги улуши, %	2,1	2,6	2,3	0,5	x	-0,3	x
	Жами харажатлар	2019275,4	2980608	4875069,6	961332,6	147,6	1894461,6	163,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, институтнинг жами харажатлари 2009 йилда 2980608 минг сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилга

нисбатан 961332,6 минг сўмга ёки 147,6 фоизга кўпдир. 2010 йилда эса институтнинг жами харажатлари 4875069,6 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1894461,6 минг сўмга ёки 163,6 фоизга кўпайган.

Харажатлар таркибига эътибор қаратсак, харажатлар йирик улуши иш ҳақи ва стипендия тўловлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусан, 2008 йилда жами харажатларнинг 31,6 фоизи иш ҳақи ва 38,9 фоизи стипендия тўловларига, 2009 йилда 40,9 фоизи иш ҳақи ва 34,3 фоизи стипендия тўловларига ва 2010 йилда эса 42,6 фоизи иш ҳақи ва 35,6 фоизи стипендия тўловларига сарфланган. Шунингдек, харажатлар таркибида иш берувчининг ижтимоий суғурта ажратмалари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг улуши ҳам сеиларли даражада эканлигини эътироф этиш мумкин.

Биз қуйидаги жадвал орқали ҳисобот даврида НамМПИ нинг коммунал хизматлар харажатлари учун амалга оширилган тўловлари ҳақида маълумотни кўришимиз мумкин.

2.3.3.-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институти коммунал хизматлар харажатлар таркиби ҳақида маълумот

№	Харажатлар турлари	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
		миқдори	суммаси	миқдори	суммаси	миқдори	суммаси	+/-	%	+/-	%
1	Электр энегияси (минг кВт/соат)	1132	30884	1200	72480	1340	98021,6	41596	234,7	25541,6	135,2
2	Табиий газ (куб метр)	200,1	11134	500	36750	675	53580	25616	330,1	16830,0	145,8
3	Сув ва канализация (куб метр)	150	20709	250	54890	310	72310	34181	265,1	17420,0	131,7
4	Ахлат ташиш (тонна)	68,9	68	181,9	318,3	249,5	475,6	250,3	468,1	157,3	149,4
	Жами харажатлар	х	62795	х	164438,3	х	224387,2	101643,3	261,9	59948,9	136,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йилдан йилга институтнинг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши ҳисобига коммунал хизматларнинг ҳажми ҳам, улар бўйича харажатлар миқдори ҳам

ўсиб бормоқда. Коммунал хизмат харажатлари таркибда асосий харажатлар миқдори электр энергияси ва сув-канализация хизматлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Навбатда келтириладиган жадвалдан биз Наманган муҳандислик-педагогика институти харажатлари таркибида асосий ўрин эгалловчи иш ҳақи ва стипендия харажатлари ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

2.3.4.-жадвал

Наманган муҳандислик-педагогика институти иш ҳақи ва стипендия харажатлар ҳақида маълумот

минг сўм

№	Харажатлар турлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2009 йил 2008 йилга нисбатан		2010 йил 2009 йилга нисбатан	
					+/-	%	+/-	%
1	Иш ҳақи	728325	1220337	2074573	492012	167,6	854235,9	170,0
2	Стипендиялар	786075	1021275	1736168	235200	129,9	714892,5	170,0
	Жами харажатлар	1514400	2241612	3810740	727212	148,0	1569128,4	170,0

Биз юқоридаги таҳлилларимиз натижасида айтиб ўтганимиздек, институтнинг асосий харажатлари бўлмиш иш ҳақи ва стипендия харажатлари институтнинг асосий харажатларини ташкил қилади. Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан иш ҳақи ва стипендияларнинг ҳажми 170 фоизга ўсиши кузатилган.

Бу ўсишни ҳукуматмиз томонидан Инкирозга қарши чоралар дастури доирасидаги аҳоли даромадларини ошириш сиёсати натижалари эвазига изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда муҳтарам юртбошимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз топдик: “Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва

уларни жиҳозлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, жорий йилда ҳам диққатимиз марказида бўлади”.³⁴

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллежлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифалардаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни таъминлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкнинг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида яна қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ҳозирги кунда 2011-2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичида қабул қилинади.

³⁴ И. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январ 16-сон.

Дастурдан кўзланган асосий мақсад — олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга таъбиқ этишдан иборатдир.

III-боб. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари

III.1. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгач, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, жумладан, олий таълим соҳасида ривожланишини энг самарали тарзда таъминлаш йўллари излаш жараёнида турибди.

Ушбу муаммонинг ечимини топишга - ҳаммабоплигини кенгайтириш, олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга республикадаги олий таълим муассасалари ҳам ўз хиссаларини қўшмоқда. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш билан олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини иқтисодий ташкил этиш соҳасидаги вазифалари мураккаблашди.

Олий таълимни молиялаштиришда маблағларнинг етишмаслигига барча мамлакатларда ҳам кузатилади. Бироқ ҳар бир давлат ушбу муаммони ҳал филишда ўзига хос қарорлар қабул қилади, улар биринчи навбатда мамлакатда юзага келган олий таълим тизимини бошқариш тизими билан боғлиқ бўлади. Бизнинг мамлакатимизда бу давлат буюртмаси ва мазкур соҳада давлат мулкига асосланади. Давлат томонидан бюджет тақчилликни йўқотиш мақсадида амалга оширилган турли хил чора-тадбирлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ичида қуйидагилар энг муҳимлари ҳисобланади:

1. Таълим тизими харажатларини барча миқёсда (тендер жараёнларидан фойдаланиш, савдонинг устиворлиги, сув ва иссиқликни ўлчаш асбобларини ўрнатиш, бино ва иншоотлардан унумли фойдаланиш ва нихоят ўқитиш технологияларини такомиллаштириш) бошқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига қисқартириш.

2. Олий таълим тизими бошқарувини такомиллаштириш, яъни таълим муассасаларини хусусийлаштириш ва уларни фаолиятини оптималлаштириш ҳисобига бўшаб қолган маблағларни жалб қилиш.

3. Қўшимча бюджетдан ташқари ресурсларни жалб қилиш.

Олий таълимга ажратилаётган реал маблағлар олий таълим муассасаларининг барча эҳтиёжларини қондира олмайди. Кўпчилик мамлакатларда олий таълим соҳасидаги чора-тадбирларнинг катта қисмига давлат томонидан пул ажратилмайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш ва кўзланган мақсадга эришиш учун давлат бюджети маблағларидан асосий манба сифатида фойдаланилаётганлиги тушунарлидир. Чунки дастурда кўзда тутилган ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар алоҳида олинган ҳудудий ёки маҳаллий характерга эга бўлмасдан, балки мамлакат ёки умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг бажарилишида мамлакат давлат бюджетининг маблағлари асосий ўал қилувчи рол қйнамоқда.

Юқорида қайд этилганидек, таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш амалиёти ва олий таълимга йўналтирилган маблағларни молиялаштиришда янги шакл ва услублардан фойдаланилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда давлат муассасаларини хусусий сектор томонидан молиялаштириш йўлга қўйилган бўлиб, бунда бюджетдан ташқари пул тушумлари, масалан, пулли хизмат турлари, ўқитиш учун шартномалар бўйича тўғридан-тўғри пул тўлаш, ижара ва ҳоказолар кўзда тутилади.

Юзага келган вазиятда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси юқорилигини сақлаган ҳолда тизимнинг ўзини-ўзи тиклаш ва ўзини-ўзи ташкил этиш механизмларини қўллашга имкон берувчи чора-тадбирлар долзарб аҳамият касб этади. Масалан, олий таълим тизимининг асосий фондларидан³⁵ фойдаланиш самарадорлигини ошириш чекланган бюджет маблағларини ўзлаштириш натижаларининг юқори бўлишига олиб келиши

³⁵ Саидов М.Х. Финансирование высших учебных заведений Т.: «Молия», 2001

лозим. Бунда ички ва ташқи бозорларда жалб қилинган қўшимча молия манбаларини ҳаракатга келтириш натижаларнинг юқори бўлишининг энг муҳим омилларидан бири саналади.

Олий таълим тизими объектларининг бюджетдан ташқари қўшимча маблағлари манбаларини миқдорий ва молиявий таҳлил қилиш учун муассасаларнинг молиялаштиришнинг ички манбаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- алоҳида фуқароларнинг маблағлари;
- корпоратив молиялаштириш;
- таълим соҳасида қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушувчи маблағлар;
- ўқув ускуналарини лизингидан.

Ички бозорда фуқаролар ва корпорациялардан жалб қилинувчи маблағлар қуйидаги тартибда гуруҳланиши мумкин:

3.1.1.-чизма



Давлат стандарти доирасида таълим хизмати кўрсатиш натижасида олинувчи даромадлар асосан ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун тўғридан-тўғри ҳақ тўлаш шартномаларига асосан келиб тушувчи маблағлардан иборат бўлади. Ижарадан олинувчи даромадлар таълим муассасалари томонидан вақтинча бўш турган майдонларни ижарага беришдан тушувчи маблағлардан иборат.

Пулли хизмат кўрсатиш натижасида олинувчи даромадлар қўшимча таълим дастурлари бўйича ўқитиш, махсус курслар ва ўқув фанларини ўқитиш, репетиторлик, фанларни чуқур ўргатиш ва мос келувчи дастурлар ҳамда давлат таълим стандартлари доирасидаги бошқа хизмат турларини кўрсатишдан келиб тушувчи маблағлардан иборат бўлади.

Бундан ташқари, қўшимча маблағлар қаторига олий таълим муассасаларига топшириқлар бўйича ўтказилган маблағлар, депозит суммалари, хомийлик ёрдами ва бошқаларни киритиш мумкин.

Олий таълим тизими объектлари фаолиятини кенгайтириш кўрсатилувчи хизмат ва бажарилувчи иш турлари миқдори нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда мамлакатдаги кўрсатилувчи хизмат ва бажарилувчи иш бозорларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш, шунингдек, уларни мос равишда қонуний расмийлаштириш билан боғлиқ.

Олий таълим муассасалари эҳтиёжларини молиялаштиришнинг қисқа муддатда кенгайтириш лозим бўлган ташқи манбалари қуйидаги тартибда кўриш мумкин

Ҳозирги пайтда ташқи инвестициялар олий таълим соҳаси объектлари учун қўшимча маблағлар манбаси сифатида асосан грантлар, хорижий ҳамкорлардан ривожланишнинг муайян мақсадлари учун ажратилувчи инсонпарварлик, маданий ва техник ёрдам шаклига эга бўлади.



Техник, инсонпарварлик ва маданий ёрдам грантларидан мақсад ўқувчи ва талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш мақсадида молиявий оқимга кўмаклашиш ва самарали фойдаланишдан иборат. Ривожланиш лойиҳаларини аниқлаш, тузиш, амалга ошириш ва эксплуатация қилиш, грант олувчиларнинг институционал қобилиятларини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ривожлантириш дастур, режа ва стратегияларини ишлаб чиқиш грантларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Олий таълим тизими объектларининг оғир молиявий аҳволи ва унинг Ўзбекистон Республикаси ривожланиш стратегияси доирасидаги устивор аҳамиятини инобатга олган ҳолда соҳа объектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 сонли қарорига асосан мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини бериш ижтимоий инвестициялар феноменларидан бири сифатида тармоқни молиялаштиришнинг ички механизмларини жорий қилиш ва ривожлантиришга имкон яратади.

Бунда мамлакатимиз иқтисодиётининг қимматбаҳо қоғозлар бозори ва хорижий амалиёт тажрибаларини эътиборга олган ҳолда ижтимоий соҳа

³⁶ Саидов М.Х. Финансирование высших учебных заведений. Т.: Молия, 2001 год, 56-стр.

эҳтиёжларини молиялаштириш механизмининг янги молиявий воситасини яратиш ва жорий қилиш зарурати юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати жаҳон тажрибаларини, шунингдек, Ўзбекистондаги энг яхши олий ўқув юртлари амалиётини ҳисобга олган ҳолда принципиал қоидаларга асосланиши лозим. Тамойиллар кўп ўлчамли бўлиб, улар аввало жамият, давлат ва олий таълим тизимининг манфаатларини акс эттириши зарур.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш корпоратив принцип асосида молиялаштириш манбаларини шакллантиришни давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солишга мисол бўла олади. Корхоналарда жамғармалар шакллантириш механизми олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш жамғармаларига маблағ ажратиш нормативини белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бу нормативлар тўланувчи иш ҳақи ҳажмига дифференцияланган (ҳар бир корхона учун индивидуал равишда) шаклда белгиланиши мумкин. Жамғарма харажатларини ҳам корхона харажатларига қўшиб юбориш лозим. Жамғарма маблағларини мақсадларга эришиш йўлида фойдаланилмаган тақдирда мос келувчи харажатлар миқдорини солиққа тортилувчи даромадлар қаторига киритиш мумкин.

Асосий эътиборни республика олий таълим муассасалари тайёрлаб берувчи барча турдаги мутахассислар ва корпоратив талаб ўртасидаги узилишга қаратар эканмиз, шуни қайд этиш жоизки, мазкур босқичда олий таълим тизимини молиялаштириш манбаларида корпоратив тамойил долзарб реал йўналиш бўлиб, Ўзбекистон олий таълим муассасаларини молиялаштириш масалаларини ислоҳ қилишнинг ўтиш давридаги шакли сифатида намоён бўлиши мумкин.

Бир томондан корпорацияларнинг таълим жамғармаларини яратиш корхоналарнинг истиқболли кадрлар сиёсатини шакллантиришда фаоллигини рағбатлантиради (давлат тўғридан-тўғри аралashiш йўли билан корпорацияларнинг кадрларни режалаштириш маданиятини оширишни

рақбатлантиради). Бошқа томондан эса олий таълим тизимини молиялаштиришга корпоратив ёндашув бюджет маблағларининг бир қисмининг бўлашига ва таълимнинг бошқа секторлари, масалан, ўрта-махсус таълимнинг ривожланиши ва мутахассисликлар рўйхати ва ишчи дастурларини кўриб чиқиш, олий таълим муассасаларида фан ролининг ўсиши, ишга жойлаштириш муаммоларини ҳал қилиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ фойдасига қайта тақсимланишига кўмаклашади. Умуман олганда, таклиф қилинувчи механизм олий таълим муассасалари ва корхоналар манфаатларининг уйғунлашуви даражасини оширишга имкон яратади. Шу йўл билан чекланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва олий таълим муассасаларида таълим ва менежмент сифатини ошириш чора-тадбирларига мос келувчи муҳит яратилиши лозим.

Корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш инсон ресурсларига (интеллектуал капитал) инвестиция киритиш тоифасига киритилади. Бундай инвестициялар мажбурий тартибда ишлаб чиқариш сектори ва давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ривожланиши билан уйғунлашган ҳолда бирлашиши зарур.

Олий таълим муассасаларининг асосий фондлари билан таъминланган қимматбаҳо қоғозларни чиқариш олий таълим тизими эҳтиёжларини молиялаштиришнинг яна бир истиқболли воситаси бўлиши мумкин. Бозор шароитларида асосий фондлар ҳар бир тармоқнинг асосий манбаси вазифасини бажаради, чунки улар иккинчи марта иқтисодий оборотга киритилиши мумкин. Олий таълим тизими етарлича ликвидли асосий фондларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бир квадрат метри максимал самарадорлик билан фойдаланилиши лозим.

Иқтисодий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қимматбаҳо қоғозларни жорий қилиш яқин 5-8 йил ичида олий таълим тизимини молиялаштиришни олий таълим муассасаларининг фундаментал ва амалий характерга эга бўлган

илмий тадқиқотларини истисно қилганда, тизимнинг зиммасига юклашга имкон яратади.

Таълимга оид қимматбаҳо қоғозларни жорий қилиш механизми олий таълим тизимининг ўзини-ўзи ривожлантириш механизми бўлиб, саноати ривожланган мамлакатларда қўлланувчи жамғарма муносабатлари амалиётига асосланади. Олий таълим тизимининг моддий-техник базасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ва жамғармларни янги иқтисодий оборотга билвосита киритиш механизми ишлаб чиқиши керак. Янгича молиявий воситани жорий қилиш ички ва ташқи бозорларда оилалар ва корхоналарнинг жамғармаларини сақлаб қолишга имкон яратади. Таълимга оид қимматбаҳо қоғозлар қиймат билан таъминланганлигига кўра ташқи инвесторларни ҳам жалб қилади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, корпоратив принцип асосида молиялаштиришнинг ўзгарувчан шакли бўлса, олий таълим тизимини оила, алоҳида фуқаро бюджети ва қимматбаҳо қоғозларни жорий қилиш йўли билан корхона жамғармалари ҳисобига молиялаштириш модели олий маълумотга эга бўлиш жараёнини ташкил этишда тубдан ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

Олий таълим муассасаларига уларга оператив бошқариш учун берилган мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини бериш билан давлат ўз зиммасидан олий таълим тизимини тўлиқ молиялаштириш вазифасини соқит қилади. Бошланғич даврда давлат зиммасида етакчи мутахассисликлар бўйича ҳар бир талабага сарфланувчи харажатлар ҳисоб-китобидан келиб чиққан ҳолда давлат буюртмасини молиялаштириш сақланиб қолади.


Таълимга оид қимматбаҳо қоғозларни чиқаришга рухсат бериш йўли билан олий таълим муассасалари тасарруфига ўз фонд(жамғарма)ларини берар экан, давлат ўзини-ўзи молиялаштиришнинг ички воситаларини ривожлантиришга кўмаклашади ҳамда олий таълим тизими вазифаларининг

давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати манфаатларига мос келишини билвосита (ўз улуши доирасида) назорат қилишни бошлайди.

Бугунги кунда олий таълим тизими аҳолига пулли таълим хизмати кўрсатиш йўли билан асосий фондлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш амалиётини қўлламоқда. Олий таълим тизимининг ўзини-ўзи ривожлантириш механизмнинг асосий афзалликларини қуйидаги чизмада кўриш мумкин.

3.1.3.-чизма³⁷

Олий таълим тизимининг ўзини-ўзи ривожлантириш механизмнинг асосий афзалликлари



Шу билан бир пайтда таълимни бошқариш фақат молиявий масалаларгагина тақаб қўйилиши мумкин эмас, яъни таълимни бошқариш иқтисодий кўрсаткичлардан ташқари барча миқёсдаги таълимнинг

ҳаммабоплиги ва таълимнинг жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига мос келиш кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиши зарур. қоидага кўра, таълимни бошқаришга тез ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий муҳит томонидан босим ўтказилмоқда. Бу ўзгаришлар ва сифат кўрсаткичларига мос келиш учун таълимга катта аҳамият берилмоқда. Бироқ улар ўз навбатида фақат мос келувчи тарзда маблағ билан таъминланган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Бироқ таълим соҳасидаги бу оғир аҳвол ўз ечимига эга бўлиб, таълим тизимининг ичида бўлади. Бу ерда гап етишмовчилик чегаралари ва инновацион фаолият мазмунини аниқ белгилаш лозим бўлган таълимни бошқаришнинг (менежмент) комплексли тизимини шакллантириш ҳақида бормоқда. Молиявий тақчиллик шароитларида таълим менежментини замонавийлаштириш асосида тармоқнинг ички захираларини – ўзини-ўзи ривожлантириш элементларини аниқлаш ётади.

Шу билан бирга таълим жараёнини бошқариш кўрсаткичларини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш секторларидан алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас. Таълим жараёнини ижтимоий ишлаб чиқариш ва бир пайтнинг ўзида авлоддан авлодга Ўзбекистон халқларининг тарихий, маданий, маърифий ва илмий қадриятларини етказиб берувчи бўғин сифатида кўриб чиқиш лозим.

Улардан биринчиси бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос омили бўлиб, мутахассисларнинг тавсиялари сифат жиҳатидан барча талаб қилинувчи мутахассисликларга мос келиши, шунингдек, келажакда башорат қилинаётган эҳтиёжларни ҳам инобатга олиши лозим. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида иқтисодиётни секторларининг фаоллигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган қайта структуралаштириш катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари мазкур

³⁷ 15-чизма Саидов М.Х. и др. Форматирование бюджета вуза по источникам финансирования. «Экономический вестник Узбекистана» №11-12,2000.

Ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида башорат ҳисоб-китобларини тузиш учун асос бўлади.

Таълим жараёнининг мафкуравий омилини давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўриб чиқиш лозим.

Мос келиш ва қулайлик кўрсаткичлари таълимни бошқариш комплекс тизимида иқтисодий кўрсаткичларни менежментни тартибга солишнинг объектив чоралари учун шарт-шароитлар яратувчи ўзини-ўзи ташкил этиш ва ўзини-ўзи тиклашнинг молиявий воситаларини яратган ҳолдагина етакчилик қилиши мумкин.

Мамлакатимиздаги олим ва амалиётчиларнинг хулосаларига кўра республика иқтисодиётининг бозор иқтисодиётига ўтиши юзага келган тарихий хусусиятларни инобатга олган ҳолда юқори натижаларга эга бўлиши мумкин. Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси янгича, ҳеч қандай йўқотишларсиз, унумли фойдаланиш лозим бўлган худди ўша хусусиятлардан биридир.

Бозор иқтисодиётининг мамлакатимизда фаол ривожланаётган молиявий воситалари ёрдамида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси таълим соҳасидаги етакчи бўлган муайян бир ўқув юрти ёки марказий ижроия органи томонидан қимматбаҳо қоғозлар чиқариш йўли билан иккинчи бор иқтисодий оборотга киритиш мумкин. Бу ҳолда таълимга оид қимматбаҳо қоғозлар келажакда уларни тақдим этиш билан таълим хизматларини олишга мулкӣ ҳуқуқларни кафолатлайди.

Бунда таълим соҳасидаги қимматбаҳо қоғозлар алоҳида фуқароларни ҳам, мулкчилик шакли ва қайси мамлакатга тегишлилигидан қатъий назар барча корхоналарни ҳам ўзига жалб қилади. Қимматбаҳо қоғозларнинг мазкур жалб қилувчанлик хислати уларнинг молиявий восита сифатидаги устунликларига асосланади. Масалан, амал қилиш муддати ва таълим хизматлари билан қопланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш қийматининг мутахассисликлар бўйича фоиз чегирмалари (дисконт) олий

таълимнинг кенг халқ оммаси учун қулайлигини таъминлаши ва шу тариқа бюджет тақчиллиги шароитларида мамлакатнинг ички ресурсларини ҳаракатга келтирувчи кучли молиявий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари моддий-техника базаси таъминоти ҳисобига чиқарилган таълимга оид қимматбаҳо қоғозлар чет эллик инвесторларни ҳам жалб қилади.

Янгича молиявий воситадан фойдаланиш шароитларида амалдаги бюджет томонидан молиялаштиришга қўшимча манбалар ўсиб боради, бундан ташқари ташқи манбалар ҳам актив фаолият кўрсатади.

Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсоннинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради. Айниқса бу ислохотларнинг натижалари бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жаҳондаги илғор давлатлар таълим тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Республикада қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юртимиз таълим амалиётида тўпланган амалий тажрибалар ва ривожланган мамлакатлар ютуқларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди.

Мазкур таълим тизимининг ичида маъно ва мазмун жиҳатидан янгидан пайдо бўлган, таъбир жоиз бўлса, дастурга янгилик бахш этиб турган тизим борки, у ҳам бўлса ўрта-махсус таълим тизимидир. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ўз ичига олади. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим тизими ёшларга узлуксиз таълим беришни

таъминлайди ва умумий ўрта таълим билан олий таълимни боғловчи бўғин ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастурига маблағ бериш механизмини шакллантириш кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

2011 йилга давлат бюджетининг энг кўп хусусиятларидан бири – таълим харажатлари юқори улушининг сақланиб қолишидир. Ўзбекистонда юқори малакали бошқарув ходимлари, техника соҳасидаги мутахассислар, оммавий ишчи касбларига тайёрлаш бўйича кенг кўламли инвестиция дастурлари молиялаштирилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қўйган истикболли режалар таълим харажатлари ўсишини ўзига хос равишда изоҳлайди.

Таълимни молиялаштиришда давлат ролини белгиловчи иккита омил бор. Улардан биринчиси – фуқароларнинг ялпи таълим олиши учун давлатнинг масъулияти бўлса, иккинчиси – ушбу масъулиятни жамият билан ўзаро тақсимлашдир. Чунки жамиятнинг ривожланиши мамлакатнинг таълим салоҳиятига боғлиқдир. Шу муносабат билан давлат меҳнат бозори талаблари асосида етук мутахассисларни тайёрлаш жараёнида таълимга ресурслар ажратишда масъулиятни ўз зиммасида сақлаган ҳолда таълимни молиялаштириш соҳасида шерикликка интилади.

Таълим оловчилар таълим хизматларидан асосий ва фойдаланувчилар ҳисобланади. Ўқиш жараёнида таълим оловчилар ўқуви баҳосининг ошиши муносабати билан улар иш ҳақи ҳамда шогирдлик даврида ўз иш ҳақларини қисқартириш ҳисобига ўқишларини маблағ билан билан таъминлашлари мумкин.

Жаҳонда таълимни молиялаштиришнинг турли назариялари ва ёндашувлари ишлаб чиқилган. Бу назарияларни тўғридан-тўғри, кўр-кўрона кўчириш ва республикамизга жорий қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳозирги кунда олий таълимни ривожлантиришга бюджетдан ташқари манбалардан маблағларнинг жалб этилиши фақатгина Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти туфайли келиб чиқилмаган, балки умумжаҳон тажрибаларига асосланади.

Қолаверса, олий таълимни бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштиришни бошқариш масаласини ҳал этишда мутахассисни тайёрлаш учун талаба эмас, балки пировард фойдаланувчи – буюртмачи ҳақ тўлаши асос бўлувчи вазият ҳисобланади. Бу жиҳатдан бюджетдан ташқари фаолият аҳамиятининг ортиши олий таълимни такомиллаштиришнинг объектив қонунияти ҳисобланади.

Фикримизча, харажатларнинг ҳар бир моддаси бўйича асосланган сарф-харажатлар, асос қилиб олинган молиявий меъёрлар касб-хунар таълимига ва олий таълимга бюджетдан маблағ ажратишнинг умумий ҳажмини белгилашнинг асосий мезони ҳисобланади. Бунда ўқув юртлари узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш, истиқболдаги режалар бажарилишига мувофиқ ва ажратилган маблағлардан амалда фойдаланганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа асосида бюджетдан маблағ ажратиш, маблағларни қатъий, аниқ мақсадларга йўналтириш, ушбу маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш устидан доимий равишда назорат ўрнатиш каби асосий тамойилларга қатъий риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари олий таълимни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш миқдори билан ўқитишнинг сифати ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим асосларидан бири – таълим тизимини такомиллаштириш, уни ислохотларнинг устивор йўналишларидан бири деб

караш тамойилига киритилганлиги бежиз эмас. Бельгия, Буюк Британия, Испания, Франция, Нидерландия ва бошқа мамлакатларда таълимни номарказлаштиришга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилди ҳамда ўқув юртларига сарфланадиган харажатларни молиялаштиришнинг янги моделлари жорий этилди.

Келгусида таълимни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш керак бўлади. Унинг кўп вариантли тизими жорий этилиши керак, таълим муассасаларининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши ривожлантирилиши лозим, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш янада рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда хомийларнинг мавқеи кучайиб бориши керак.

III.2. Молия фанларини ўқитишда илғор педагогик технологиялар қўлланиши имкониятлари

Молия фанини ўрганиш учун режалаштирилган мавзулар таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга кўра ўқув дастурида ўз ифодасини топади.

Ўқув дастури фанни ўрганиш бўйича ҳужжат ҳисобланиб, бўлажак мутахассисга қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштиришни ташкил этиш усуллари акс эттиради.

Ўқув дастурлари алоҳида ўқув предметлари бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажмини, уларни ўрганиш кетма-кетлигани белгилайди.

Ҳар бир мавзу бўйича фан учун ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, мавзунинг мазмунини ўзлаштириш учун унинг хусусиятларини, мавзуни мураккаблиги, ўзлаштириш зарур бўлган масалалар, қўйилга муаммо ва

бошқаларни ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкилий шакллари бўйича вақт ажратилади.

Молия фанининг дастури фаннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тармоқ стандартларига мувофиқ равишда фан ўқувчи-талабаларда қандай билим ва кўникмаларни шакллантирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади. Ўқув дастури намунавий ва ишчи ўқув дастуридан иборат бўлиб, ишчи ўқув дастури намунавий дастур асосда тузилади³⁸.

Намунавий ўқув дастури молия фанини ўрганишдан қўйилган мақсад, фаннинг асосий мазмуни, бажарадиган вазифаларини ифодалайди. Намунавий ўқув дастури ўз ичига: кириш, асосий қисм, маъруза ва амалий машғулотлар мавзулари, мустақил ва курс ишлари мавзулари ва уларни бажариш тартиби тўғрисида умумий маълумотлар ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини олади.

Намунавий ўқув дастури давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки бошқа ҳолларда 3 йилда бир марта қайта ишлаб чиқирилиши ва қабул қилинган тартибга асосан қайта экспертизадан ўтказилиши керак.

Намунавий ўқув дастури вазирлик томонидан тасдиқланади ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

Молия фанини ўрганиш учун режалаштирилган мавзулар таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга кўра намунавий ўқув дастурида ўз ифодасини топади. Намунавий ўқув дастури фанни ўрганиш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, бўлажак мутахассисларни тайёрлашга қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштирилишини ташкил этиш усуллари акс эттиради.

Намунавий ўқув дастурлари алоҳида ўқув предметлари бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажминини, уларни ўрганиш кетма-

³⁸ Д. Тожибаева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т. Фан ва технологиялар, 2007 йил, 416-бет.

кетлигини белгилайди. Ҳар бир мавзу бўйича фан учун ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, мавзунинг мазмуни, унинг мураккаблиги, ўзлаштириш зарур бўлган масалалар, қўйилган муаммо ва бошқаларни ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкилий шакллари бўйича вақт ажратилади.

Ҳар бир мавзу ўрганиладаган фаннинг шу мавзу доирасидаги қисқача мазмунини ифодалайди. Намунавий дастур фаннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тармоқ стандартларига мувофиқ равишда шу фан ўқувчи ва талабаларда қандай билим ва кўникмаларни шакллантирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади.

Молия фанидан намунавий ўқув дастури қуйидаги талабларга бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Биз қуйида бу талабаларни кўриб чиқамиз.

Намунавий дастур аниқ қоидага асосланган бўлиши керак. Жамият тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ўқув дастурини ишлаб чиқиш методикасига мувофиқ бўлиши зарур. Ўқув дастури ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга жавоб бериши, унга мувофиқ ўқув дастури таркибини белгилаш лозим.

Илмийлик принципига асосланиши. Дастур илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида тузилади.

Ўқув дастурлари ишлаб чиқишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, бакалаврият, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанларда мавзулар кетма-кетлигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка ўтиб боришга, таълим турлари бўйича мавзулар такрорланмаслигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Дастур фан, техника, технологаянинг сўнгги ютуқлари, таълим тизимининг ривожланиши, жаҳон тенденциясини ҳисобга олиши зарур.

Тарихийлик ва замонавийлик. Дастурда фан ривожланишининг хусусиятлари, ҳисса қўшган олимлар, тарихий шахслар фаолияти ҳам акс эттирилиши, ҳозирга ривожланиши даражасига мувофиқ билим беришни кўзлаган бўлиши зарур.

Гуманитаризм ва миллийлик. Дастур инсонпарварлик, халқпарварлик, эзгулик ғояларини устун қўйиб, миллий ғурур, миллий кадриятларни ҳисобга олиш, уларга амал қилишни тарғиб қилиш, мамлакатнинг ривожланишини илмий асосланган ҳолда баён қилишни кўзда тутиши керак.

Изчиллик ва назария билан амалиёт бирлигини таъминлаш. Дастур аниқ мазмун ва мантиқий қоидаларни ўзида акс эттириши, ўрта-маҳсус таълим ва олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштириш, қўйилган мавзуларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш, фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиятга риоя қилиши зарур.

Халқаро стандарт ва рақобатбардошлик. Ривожланган хорижий давлатларда ўрганилаётган ана шу фан бўйича амадда бўлган ўқув дастурлари билан таққослаш, мунозара қилиш, тажриба алмашиш асосида, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан илғорликни таъминлашга қаратилиши зарур.

Моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда давлат таълим стандартларига, меҳнат бозори талабига мувофиқ равишда фанни ўқитишдан асосий мақсад, шу фан ўқувчи, талабаларда қандай билим ва кўникма шакллантириши кўрсатилади.

Намунавий дастур асосида ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади. Ишчи ўқув дастурида намунавий дастурдан фарқли равишда фан бўйича мавзулар режаси қисмида мавзулар номи, ажратилган жами соатлар, дарс ўтиш, машғулоти турлари: маъруза (назарий), семинар (амалий машғулоти), мустақил ишга ажратилган соатлар жадвал тарзида келтирилади. Маъруза машғулоти ҳамда семинар машғулоти мавзуларида ҳар бир мавзуда ўрганилиши зарур

бўлган мавзунинг ўқув мақсадидан келиб чиқиб, қисқача мазмуни берилади. Мавзуни ўрганиш ва ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати рақамларда ифодаланади.

Шу фанни ўқитиш бўйича лозим бўлган ўқув воситалари, кўргазмалар намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати келтирилади. Дастурнинг «ўзлаштиришни назорат қилиш» қисмида, фанни ўзлаштириш бўйича баҳолаш методлари ва шакллари кўрсатилади.

«Фойдаланилган адабиётлар» қисмида ўқувчи-талабалар томонидан фанни ўрганиш ва ўзлаштириш учун лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади. Ишчи ўқув дастурига мувофиқ равишда машғулоти (семинар дарслари) режаси, мустақил ишлар ва ўқув комплекси таркибига кирувчи бошқа ишлар ишлаб чиқилади.

Фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича қўйилган мақсад, мавзунинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтиш методини ўқитувчининг ўзи танлайди.

Молия фани бўйича барча ўқув ҳужжатлари асосида фаннинг ўқув-услугий мажмуаси ишлаб чиқилади. Ўқув-услугий мажмуа - бу ягона методология бўйича ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва унинг хусусиятларига кўра ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган таълим мазмуни ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишда қатнашувчи барча воситаларни ўз ичига олади.

Ўқув-услугий мажмуанинг таркиби қуйидагиларни амалга оширишга қаратилган:

- таълимнинг мақсади (ўқитишдан мақсад нима? нима учун ўқитамиз?);
- таълимнинг мазмуни (нимани ўқитамиз? нимани ўргатамиз?);
- таълим методлари (қандай қилиб ўқитамиз?);
- таълим воситалари (нималар орқали, қандай воситалар орқали ўқитамиз?).

Ўқув-услугий мажмуанинг компонентлари вазифаларни энг маъқул тарзда, яъни энг оптимал вариантыни аниқлаш муаммоси мажмуанинг тузилишини танлаш билан узвий боғлиқ. Ўқув-услугий мажмуанинг тузилишига боғлиқ равишда унинг компонентлари, вазифалари ҳам ўзгариб боради.

Молия фанидан ўқув-услугий мажмуа таркиби қуйидаги ўқув хужжатлари киритилади:

1. Фан бўйича намунавий дастур.
2. Фан бўйича ишчи - ўқув дастури.
3. Технологик харита.
4. Дарс ўтиш календарь режаси.
5. Семинар дарслари режаси.
6. Маърузалар матни.
7. Асосий таянч тушунчалар.
8. Масала - машқлар, тестлар.
9. Фан бўйича оралик, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.
10. Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.
11. Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоёиш этилувчи материаллар.
12. Амалий иш ўйинлари.
13. Курс иши мавзулари.
14. Реферат мавзулари.
15. Битирув малакавий иш мавзулари.
16. Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.

Фаннинг хусусиятлари ва қўйилган мақсаддан, мутахассисларни тайёрлашда фаннинг тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда мазкур рўйхат қисқариши ёки қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Масалан, битирув малакавий иш мавзулари фақат мутахассислик фанлари бўйича қўшилади. Ўқув-услугий мажмуа албатта фанни ўрганишдан

кўйилган асосий ва қўшимча мақсадларни тўла амалга оширилишига катта ёрдам беради.

Молия фани бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуа таркибидаги барча ўқув-услубий хужжатларда фанни ўзлаштиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар бўйича услубий кўрсатмалари берилади. Бу кўрсатмаларда фаннинг таркибий қисмларини ўзлаштиришда фойдаланиладиган педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигига таъсири хусусиятлари ва уларни қўллашдаги имкониятлар белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг келажакда буюк бир давлат бўлиб етишиши маълум жиҳатдан ҳозирги кунда таълим-тарбия олаётган ёшларга боғлиқдир. Улар онгига ҳамма ҳилдаги тарбияни сингдириш билан бир қаторда, иқтисодий тарбияни қўшиб олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, таълим тизими мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча бўғинларида муҳим аҳамият касб этади. Чунки мустақил Ўзбекистонни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида вужудга келадиган муаммоларни оқилона ҳал қила оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш фақат таълим муассасаларининг зиммасига юклатилган.

Шу боисдан ҳам барча турдаги таълим муассасалари ўқитувчи-педагоглари педагогик технология усулларини ўрганиб олишлари ва таълим сифатини ва кадрлар тайёрлаш савиясини ошириш учун уларни амалда қўллашни эгаллашлари зарур. Бу ҳақда «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да Республика таълим ходимлари зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни ўқувчиларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва ўзгаларга, яъни таълим олувчиларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Педагогик жараённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари

асосида ёндашиш, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини тадбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Педагогик технология амалиётда бажариладиган маълум педагогик тизим лойиҳаси эканлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. Одатда дарсда кўп гапирамиз, назарий тушунчалар берамиз, бироқ бераётган таълимимизнинг натижаси ҳақида ўйламаймиз, узундан-узоқ қилган ваъзхонлигимиз ўқувчи ски талабаяаримизикнг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолишини, уларнинг руҳиятига таъсир қилувчи қандай воситаларни қўллаймиз, назарияни амалиёт билан қай даражада боғлаяпмиз, бу ҳақла ўйлаб кўришнинг мавриди етиб келмаганмикан деб ўйланиб қоламиз. Дарс жараёнида мавзуни таҳлил қилиш, жисм ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таҳлил ёрдамида воқеа-ҳодисаларни қисмларга ажратиб, томонларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолига келтириб нутқда ифодаланади. Таҳлил ва таққослаш уэвий боғлиқдир. Синтезли таҳлил жараёни мавзу ёки воқеа-ҳодисаларни қисмларга бўлиб, яъни фикран бирлаштиришдир. Интерфаол дарсларда масаланинг мана шу томони янада равшанлашади ва синтез усули энг қулай дарс жараёнини таъминлайди.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг тўғрилиги, алоқавий маҳоратнинг талабаларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгалланганлик даражаси ўз навбатида янги алоқавий технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи фаолияти ва услубиятининг турли кўринишларя орқали амалга оширилади. Педагогик фаолият шакллари ўқитувчининг талаблар асосида маъруза, амалий машғулот давомида ҳикоя, эркин суҳбат, мулоқот-мунозара дарсларида намоён бўлади.

Таълим самарадорлигига эришиш, ривожлантирувчи таълим моҳиятини руёбга чиқариш, талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганишини таъминлаш мумкин. Шундагина ўқитувчи ўзи-нинг билими ва нутқий малакаси қай савияда эканлигидан, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаннинг

турли соҳалари бўйича билимини янада ошириш учун хизмат қиладиган таълим мазмунини қидиради, билимларни ўзлаштириш учун маъруза ёки амалий машғулотларида тортишув, баҳс ва мунозара олиб боришнинг ўзи учун қулай йўллари танлайди.

Педагог муваффақиятининг сири нафақат у қўллаётган технологияларда, балки педагог-тарбиячи сифатидаги маҳоратида намоён бўлади. Ҳар бир ўқитувчининг у қандай технологияни қўллагасин, педагогик муомаласи бетакрордир. Чунки ҳар қандай технология жонли, ҳиссиётларга тўла инсоний муносабатлар, педагогик муомала ҳамда маҳоратнинг ўрнини боса олмайди.

Янги педагогик технология таълим мазмунини шакллантирувчи, таълим тамойилларига асосланган бўлиб, у талаба шахсини тарбиялашга, унда касбий маҳоратни ҳосил қилишга йўналтирилгандир. Таълим жараёнининг фаоллиги, педагог ва талабаарнинг ҳамкорликдаги муайян мавзу, фан асосларига доир назарий ва амалий би-лимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятидир.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолияти таълим оловчи ўқувчи ёки талабаларга нисбатан йўналтирилган бўлиб, уларнинг шахсий, шунингдек, ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга ол-ган ҳолда, ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдир.

Дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш муайян лойиҳа асосида олиб борилади. Педагогик ҳамкорлик ва педагогик жараённи андозалаштириш, таълим оловчилар гуруҳи билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик) ни ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқот жараёнини бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш

давомида мулоқот тизимини андозалаштириш каби таркибий қисмлардан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина ушбу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: а) фаолиятни бошқариш; б) талабалар жамоасини бошқариш. Муайян педагогик технологияни танлаш дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширади.

Шунингдек, вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнининг бошқаришга қўйилаётган талаби бўлиб, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

Ўқув дастури давлат ҳужжати ҳисобланади ва у ўқув предметининг мазмунини ва ҳажминини белгилаб беради. Демак, материал ўқув дастурига биноан илмийлик принципларга асосланиб тузилиши керак. Шу билан бирга унда илмийлик билан таълим илмий принципи кушиб олиб борилиши лозим. Материалда талабаларга адабиётлар тавсия қилиш учун алоҳида вақт ажратиш лозим. Амалий машғулотлар - бу талабаларни аудиторияда мустақил ишлашини умумлашган кўринишидир. Бунга қуйидагилар киради: амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ва семинарлар. Амалий машғулот, ўқув ишларни мантиқий давомчиси бўлиб, маъруза давомида, билим савиясини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, назарий олган билимларни натижаларини мустақил ўрганишга ёрдамлашиш.

Маърузани ўтилгандан кейин паралел вақтда амалий машғулот алмашлаб олиб борилади. Мақсадни тушунтириш, ўқувчилар ишининг мазмуни ва тартибини аниқлаш, техникавий қурилмаларни бошқариш, ўқувчилар ишига раҳбарлик қилиш, назорат қилиш ва яқун яшаш. Ўқувчилар фаолиятида; қўшимча мавзуга оид дарс ўтиш, маърузалар билан чиқишлари,

мунозараларга қатнашиш. Мунозараларга тайёргалик кўришда бир неча талаба ўз маърузалари билан қатнашиб ўқитувчи иштироқида мавзунини муҳокама қилишади.

Машқлар (оғзаки, ёзма, график тарздаги, меҳнат характеридаги, компьютер ўқитадиган машина ва тренажерлар ишлатиб бажариладиган машқлар). Ўқитувчи фаолиятида; Мақсадни тушунтириш, ўқувчилар ишининг мазмунини ва тартибини аниқлашган техника воситаларини бошқариш, ўқувчилар ишига раҳбарлик қилиш, назорат қилиш ва яқин яшаш. Ўқувчи фаолиятида; а) ўқитувчи раҳбарлигида, б) ёзма инструкция бўйича, в) мустақил бажариш.

Ўқитувчиларнинг ижодий ишлари (тизимга кириш, ҳаракатлар тартибини аниқлаш, чала маълумотли масалалар ечиш, принципиал схемалар тузиш, аниқ шароитларда бирор қарорга келиш, диагностик ва прогностик масалалар ечиш, лойиҳа тузиш, ихтирочилик).

Ўқувчилар фаолиятида: Ижодий характердаги ишларни: а) ўқитувчи раҳбарлигида, б) компьютерлар асосида, в) аналоглар бўйича, г) мустақил бажариш. Туғри ташкил қилинга амалий машғулот жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Агар ўқитувчи амалий машғулотни қизиқарли қилиб ташкил қилса, талабаларнинг билиш, фарқлаш қобилиятларини ўстириб мустақил ишлашга ўргатиб борса, у кўнгилдагидан ортиқроқ эффект беради.

Таълим усули бу ўқитувчи ва ўқувчининг таркибига солинган ўзаро алоқадаги усули. Ўқитиш жараёнида таълим ва ривожланиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир. Усул (юнонча атама - айнан нимагадир йул) мақсадга эришиш йулини билдиради- муайян маънода тартибга солинган фаолият Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фаолиятнинг тегишли усулларисиз таълимнинг мақсад ва ўқув материалининг муайян мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштиришга эришиб бўлмайди. Усуллар ахборотни уатиш ва қабул қилиш характерига қараб суз орқали ифодалаш Кўргазмалари ва амалийга бўлинади. Таълим мазмунини

ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим фаолиятини характерига муносиб равишда куйидаги усуллар тушунтириш иллюстратив (информациона рецептив) репродуктив, муаммолар баён хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот ва тадқиқот усуллари қўлланиши мумкин.

Таълим жараёнидаги назорат ва узини назорат қилиш усуллари ўқув жараёни вақтида оғзаки, ёзма, лаборатория, тест усулларига ажратиш мумкин.

Таълим назорат ва узини назорат қилиш усуллари куйидагилардир:

1. Оғзаки назорат ва ўзини назорат қилиш усуллари.
2. Ёзма ва узини назорат қилиш усуллари.
3. Лаборатория амалиёт назорат ва ўзини назорат қилиш.
4. Тест назорати.

Таълимнинг оғзаки усуллари ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар киради. Бу усулларнинг қўлланишида ўқитувчи суз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш ва аниглаш орқали уни фаол қабул қиладилар ва ўзлаштирадилар.

Ҳикоя усулида, ўқувчиларга савол билан бўлинмасдан, ўқув материали мазмунан оғзаки баён қилиш кузда тутилади, ҳикоянинг бир неча тури бўлиши мумкин – ҳикоя, муқаддима, ҳикоя – баён, ҳикоя – ҳулоса. Биринчсининг мақсади – ўқувчиларни бошқа усуллар билан, масалан, суҳбат орқали янги ўқув материални қабул қилишига тайёрлашдир. Ҳикоянинг бутун нисбатан баённинг қисқалиги, ёркинлиги, қизиқарлиги ва эмоционаллиги билан характерланиб янги мавзуга қизиқиш уни фаол ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади. Мана шундай ҳикоя вақтида дарсда ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади.

Ҳикоя баён даврида ўқитувчи янги мавзунинг мазмунини очиқ беради. Ҳикоя усулини қўллашда куйидаги усулик усуллардан фойдаланилади: информацияни баён қилиш, диққатни фаоллаштириш, хотирада сақлашни

диагаллаштириш усуллари, ўхшатиш, таққослаш, асосийсини ажратиш, яқунлаш каби мантикий усуллар.

Маъруза усули таълимнинг суз билан ифодалаш усуллари бири сифатида ўқув маърузаси ўқув материални оғзаки баён қилишнинг кўзда тутиб, ҳикоядан узининг хажмини катталиги, мантикий қурилиш, образ исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажалиб туради. Маъруза бутун дарс ёки машгулотни банд этади, ҳикоя эса фақатгина унинг бир қисмини эгаллайди.

Маърузалар асосан мактабларнинг юкори синфларида, шунингдек, техникум ва олий ўқув юртларида ўқилади. Маъруза режасини аниқ ўйлаш ва маълум қилиш зарур. Режа бандларининг барчасида, уларнинг ҳар бирининг яқун ва ҳулосаларини изчил баён қилишда мантикий уйғунлик бўлмоғи керак. Маъруза шундай суъратда ўтиладики, тингловчи унинг зарур жойларини кўзлай олсин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи маърузанинг ёзиб олинган жойларини аниқ ажратиши, ёзиб олишларини енгиллаштириш учун зарур бўлса такрорлаши мумкин.

Сухбат усули атрофлича уйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги сухбатни кўзда тутиб, у ўқувчини фактлар тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади. Сухбат усулининг қўлланишида саволларнинг куя олиш усуллари (асосий, қушимча, йуловчи ва х.к), ўқувчининг жавоб ва мулохазаларини муҳокама қилиш усуллари, сухбатдан ҳулосаларни шакллантириш усуллари, жавобларни тузатиш усулларида фойдаланади.

Таълимнинг кўргазмали усуллари шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: проекцион ва намоёиш қилиш усуллари. Проекцион усули, ўқувчиларга иллюстрация қўлланмалар – плакат, харита, доскага расм, картина, олимларнинг расмлари ва бошқаларни кўрсатишни кузда тутди.

Намоёиш қилиш усули одатда асбоблар, тажриба техник қурилмалар, турли типдаги препаратларни намоёиш қилиш билан боғлиқ. Намоёиш

килиш усулига шунингдек, кинофильм ва диафильмлар кўрсатишни ҳам киритишади. Кўрсатмали воситаларнинг иллюстратив ва намойиш қилиш бўлинмалари ўқитиш амалиётида тарихий шаклланган.

Кўргазмалилик усулининг қўлланишида куйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўринишни таъминлаш (экран, буяш, пастдан ёритиш, кўтариш мосламалари ва бошқалари), ўтказилган кузатиш, намойиш қилинган ва ҳақозоларни натижаларини муҳокама қилиш.

Таълимнинг амалий усуллари ўқув фаолиятининг хилма-хил турларининг кенг доирасини камраб олади. Амалий усуллардан фойдаланишда куйидаги усуллар қўлланилади: вазифани қўйиш, уни бажаришини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, жадал рағбатлантириш, тартибга солиш ва назорат, амалий иш натижасини таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун таълимга тузатиш киритиб бориш.

Урганиш машқларининг аниқ турларидан бири машқни шарҳлаш ҳисобланади, уни бажаришда ўқувчи бўлажак хатти-ҳаракатни фаолроқ мушоҳада қилади, узига ёки эшиттириб гапиради, бўлажак операцияни шарҳлайди. Ҳаракатни шарҳлаш ўқитувчига типик хатони аниқлаб, ўқувчи ҳаракатига тузатишлар киитишига ёрдамлашади.

Амалий усулларга, шунингдек, ўқувчиларнинг овоз ёзиш ва овозни қайта ишлаш аппаратлари билан бажариладиган ишларни ҳам киритади.

Таълимнинг муаммоли-қидирув усуллари амалда таълимнинг суз оркали ифодалаш, куразмали ва амалиёт усуллари ёрдамида қўлланилади. Шу билан биргаликда ўқув материални муаммоли баён қилиш усуллари, муаммоли ва эвистик суҳбатлар, муаммоли қидириш типдаги кўргазмали усулларни қўллаш, муаммоли қидирув амалий ишларни утказиш ёки хатто тадқиқот типдаги ишлар тўғрисида гапириш мумкин.

Ўқув материални муаммоли ва муаммоли тузилган маъруза усуллари оркали баён қилиш ўқитувчининг баён давомида мулохаза юритиш,

исботлаши, умумлаштиришини, фактларни таҳлил қилиши ва тингловчи фикрини ортидан эргаштириши, уни фаолроқ ва ижодийроқ қилишни кўзда тутди.

Муаммоли таълим усулларида бири эвристик ва муаммоли қидирув суҳбати ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқувчилар олдида катор изчил ва ўзаро боғланган саволларни қояди. Ўқувчилар уларга жавоб берганда қандайдир шакллари айтиладилар. Айтилганларнинг тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Бу билан бирга янги билимни ўзлаштиришда мустақил равишда ўзларининг олдинда силжишини амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор элементи алоқадор бўлса, муаммоли-қидирув суҳбатда ўқувчилар муаммоли вазиятнинг бутун сериясини ечадилар. Шунинг учун ҳам бу суҳбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Муаммоли-қидирув усуллари кўпроқ ижодий ўқув-билиш фаолияти куникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар ўқувчининг билимини чуқур англашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу усуллар, айниқса, куйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув материалининг мазмуни фаннинг тегишли соҳасининг тушунча, қонун ва назариясини шакллантиришга йуналтирилганда, фактик информацияни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг лаборатория - экспериментал ўқув ва куникмаларини ҳосил қилишда, ўқув материалининг мазмуни талаб жихатдан янги бўлмасдан, илгари урганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида ўқувчилар янги билимни қидириш учун мустақил кадам ташласа: мазмун ўқувчиларнинг мустақил қидиришлари учун имконият берса, яъни муаммоли вазият ўқувчиларнинг билиш имкониятлари ривожланиш зонасига яқинроқ бўлса, мазмун ходисалар уртасидаги сабаб-оқибат ва бошқа алоқаларини аниқласа, умумлашмалар ва бошқаларга олиб борса. Қидирув усуллари

ўқитувчилар ўқувчиларни муаммоли вазият ечиш фаолиятига тайёрлаган ҳолатларида қўлланилади.

Молия фани бўйича ўтиладиган маъруза соатлари, уларда тарқатма материаллардан фойдаланиш, амалий (семинар) машғулотлари, уларда интерфаол методларини қўллаш режаси, талабалар билимини баҳолаш шакли, мавзу бўйича мустақил иш ва уни баҳолаш шакли, асосий ўқув адабиётлари ишчи ўқув дастурида кўрсатилган ва номерланган адабиётларни тартиб рақами берилади. Харитада фан бўйича ўтиладиган мавзулар кетма-кетликда ҳамда ҳар бир семестрда 2 ёки 3 марта оралиқ назорат ўтказиш ва унинг натижаларини академик гуруҳ журналларида расмийлаштириш муддатлари ҳам кўрсатилади. Бу муддатлар ўқув жараёнини ташкил этиш графиги ва тузилган дарс жадвали асосида белгиланади. Технологик харитани қандай кўринишда бўлишини қуйидаги Наманган муҳандислик-педогогика институти «Молия» кафедраси томонидан тайёрланган технологик харита (қисқартирилган варианты) орқали кўриш мумкин:

Тузилган технологик харита кафедра мажлисида тасдиқланади ҳамда мажлис баённомаси тартиб рақами қўйилиб, кафедра мудири, факультет декани, ўқув бўлими бошлиғи томонидан имзоланади. Харита 2 нусхада тузилади. Нусхаларни кафедра ва ўқув бўлимида сақланади.

Хаританинг аслидан олинган нусха фан бўйича дарс берувчи ўқитувчи қўлида бўлиб, режада белгиланган дарс ва мустақил ишларни ҳақиқатда бажарилиши билан кузатиб, назорат қилиб борилади.

Технологик харита ўқув дастури асосида ўтиладиган фанлардан ташқари ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс бўйича ҳам ишлаб чиқилади.

Дарс жараёнини режалаштириш ва ташкил қилишда календарь режа ҳам муҳим ўрин тутди. Календарь режа одатда ўқув дастури, ўқув технологик харита ва дарс жадвали асосида тузилади.

Ўқув дастури бўйича ўрганиладиган фандан календарь режа, ҳар бир ўқитувчи томонидан ҳар бир академгуруҳ учун тузилиб, унда мавзулар

бўйича ажратилган соат ва уни маъруза, амалий (семинар) машғулот, мустақил ишлар бўйича тақсимланиши бўйича режа бўйича ўтиладиган сана ва соати, ҳақиқатда бажарилиши кўрсатилади.

Календарь режа орқали ҳар бир мавзунинг белгиланган муддат ва ажратилган соат бўйича дарс ўтишни назорат қилиш амалга оширилади.

Маъруза ўқув материали, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимга солинган баёни бўлиб, у молия фани бўйича ўқув-услугий комплексни таркибий қисми ҳисобланади.

Чунки маъруза фан бўйича ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишнинг асосий шакллари билан бириктирилади. Маъруза ўқувчи-талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошириш учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак. Маъруза ўқитишнинг қуйидаги қатор функцияларини бажаради.

1. Профессионал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабалар диққатини асосий мақсадга йўналтириш. Маърузада талабаларнинг диққат-эътибори ўқув материалнинг асосий мазмуни, қонун-қоидалари, уларнинг назарий ва қўлланмадаги амалиётда, мутахассислик фаолиятида қандай ўрин тутиши ва аҳамиятига, уни ўзлаштириш методларига қаратилади.

3. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, ижтимоий-психологик ҳислатларини шакллантириш.

4. Билим бериш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида хулоса чиқаришга ўргатиш.

5. Методологик - маъруза жараёнида тадқиқот методлари таққосланади, қийёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

6. Идрок, тафаккурни ривожлантирувчи - тингловчиларда билмаганини

билишга қизиқиш уйғотади. Мантикий фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатади³⁹.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида ёритилади. Албатта, маърузанинг методик жиҳатдан ёритилиши, баён этилиши қўйилган мақсад, ўрганилаётган фаннинг, мавзунинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Маъруза фақатгина молиянинг ривожланишнинг асосий қонуниятларини очиб бериш билан чекланиши керак эмас, фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда қандай аҳамиятли эканлиги албатта кўрсатилиши зарур.

Молия фани бўйича тузиладиган маърузада фактлар, реал маълумотларнинг ўз ўрни бор. Чунки улар иқтисодий жараён, муаммоларни моҳиятини очишга ёрдам беради. Лекин улардан маҳорат билан фойдаланишгина кутилган натижани беради. Бунинг учун қонуний боғланишлар, тенденцияларни кўрсата оладиган рақамларни қўллаш керак.

Рақамлар, маълумотлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини тасаввур этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Албатта рақамлардан ўз фикрини тасдиқлаш учун фойдаланиш, мумкин. Лекин назарий қоидалар иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар моҳиятига тушунишда ҳам муҳим роль ўйнашини ёддан чиқармаслик керак. Ҳар бир педагог рақамлардан юзаки, шунчаки фойдаланишдан қочиши керак. Иқтисодчиларнинг фикрича, далиллар, рақамлар қайта ишлашни талаб этадиган маълум қурилиш материали, холос.

Реал маълумотлар, рақамлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳозирги замон ҳўжалик ҳаётининг ўзига хос айрим томонларини кўрсатиши, кўз ўнгига келтиришига ёрдам бериши;
- синчковлик билан уларни танлаб олиш ҳодисани ўрганишга, унинг ўзига хос томонлари, тутган ўрнини аниқлашга ёрдам бериши;
- маълумотлар, далилларни танлаётганда хилма-хил бўлишига аҳамият бериш, шу билан бирга, тасодикий фактлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки

³⁹ Д. Тожибаева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Молия, 2007 йил, 115-бет

улар у ёки бу ҳодисани моҳиятини очиб бера олмайди, аксинча, талабаларни чалғитиши мумкин.

Молия фнидан тузиладиган маъруза матнлари илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шарти аудитория билан мулоқотга киришишдир. Маъруза ўқиш, энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда, маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.

Иккинчидан, фан бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, маъруза режаси ва режа бўйича матн тайёрланиши ҳамда дарсни ўтказишда қўлланиладиган методларни танлаб чиқиш, дарс жараёнини технологик тизим сифатида таркиби, кетма-кетлигани аниқлаш лозим.

Маърузаларни дидактик вазифасига қараб:

- кириш;
- мавзулар бўйича;
- йўл-йўриқ кўрсатадиган;
- таҳлилий;
- яқунловчи маърузаларга бўлиш мумкин.

Кириш маърузаси маълум бир фанни, мавзуни ёки муаммони ўрганишга бағишланиб, унда ана шу масала, муаммолар ҳақидаги фикрлар, уларнинг ижобий томонлари, камчиликлари, ечилмаган муаммолар кўрсатилади. Ўрганишни бошланган фаннинг предмети, ўрганиш методлари бўйича маъруза кириш маърузасига типик мисол бўла олади.

Мавзулар бўйича маърузалар - энг кўп ўқиладиган маъруза бўлиб, унда ўрганилаётган мавзунинг асосий мазмуни, амалиётда синалган, қабул қилинган илмий қарашлар, мавжуд ечимини кутаётган масалалар баён қилинади. Уларни ечишнинг мавжуд йўллари кўрсатилади, янгиларини топиш тавсия этилади.

Йўл-йўриқ кўрсатувчи маъруза - талабаларга мустақил ишлашни ўргатишга қаратилади. Унда кўпроқ методик маслаҳатлар берилади. Тавсия қилинадиган адабиётларни мустақил ўқиш, улар устида ишлаш жараёнида диққатни қаратиш лозим бўлган масалалар кўрсатилади.

Таҳлилий маъруза у ёки бу муаммо, мавзу ёки маълум бир тизимга солинган саволларни маълум бир мантикий алоқадорликда баён қилишга қаратилади. Кўпинча олий ўқув юртларида якуний назорат ёки имтиҳон-аттестациялар олдидан ўтказилади.

Яқунловчи маъруза маълум бир мавзу, муаммони ёки фанни ўрганиб, унинг якуни бўйича ўтказилади. Муаммо ечимлари ва фаннинг предмети тўғрисида асосий хулосалар баён этилади.

Дарсни ташкил этишда кўргазмали воситалар муҳим ўрин тутди. Дидактиканинг асосий тамойилларидан бири дарснинг кўргазмалилигини таъминлаш ҳисобланади. Айниқса, иқтисодий фанларни ўқитишда кўргазмали воситалардан фойдаланиш талабаларга иқтисодий категорияларни, муаммоларни ўрганишда катта ёрдам беради.

Кўргазмали воситалар ёрдамида бир вақтнинг ўзида муҳокама қилинаётган саволни, ахборотни ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали қабул қилиш шубҳасиз талабаларни пухта билим олишларига ёрдам беради. Кўргазмали воситалар хилма-хил. Тараққиётнинг ўзи бир томондан фанни чуқур ўзлаштиришни зарур қилиб қўйса, иккинчи томондан турли - туман янги методлар, кўргазмалиликни ошириш, техник воситалардан фойдаланиш, уларни қўллашни такомиллаштириш орқали билим олишни осонлаштириш, қизиқарли жараёнга айлантиришга ёрдам беради. Кўргазмалилик, одатда, хаёлан кўз ўнгига келтириш билан ёки намоёни қилиш билан таъминланади. Кўргазмали воситалар: номоддий ва моддий турларга бўлинади.

Дарс жараёнида сўз билан ўқитувчи томонидан ёдга тушириш, талабаларнинг хаёлида гавдалантириш мумкин бўлган ички, хаёлий кўргазмали воситалар: адабиёт, санъат асарлари, бадиий фильм, бадиий асар

кахрамонлари ҳаётда юз берадиган турли воқеа, вазиятлардан одатда кенг фойдаланилади.

Дарсни бошлаганда ўқитувчи ўтилган мавзуни талабаларнинг ёдига туширади. Янги мавзуни бошлар экан, талабалар диққатини унга жалб қилиш, фикрини йўналтириш учун адабиёт, санъат асарлари ёки ҳаётда юз берган воқеани гапириб бериш мумкин. Бу янги мавзуни ўрганишга талабалар руҳи, кайфиятини тайёрлайди.

Машгулот жараёнида кўрсатиб, изоҳлаш мумкин бўлган кўргазмали воситалар - жадвал, схема, чизма, диаграмма, слайдлар ва бошқалардан фойдаланиш талабаларнинг билимини пухталаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Дарсда доскани ишлатиш кўп вақтни оладиган, бошқа техник воситалардан фойдаланиш имкони йўқ аудиторияларда плакат, схемалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Анъанавий кўргазмали воситалар бу схема ва плакатлар бўлиб, одатда схемалар стандарт ватман сатҳига қора ёки бошқа рангларда зарур матн ёзилган ёки жадвал, чизма, диаграмма, бошқалар чизилган бўлади. Плакатлар эса нашр қилинган кўргазмали восита ҳисобланиб ўтиладиган мавзулар бўйича танлаб олинади.

Схема, плакатларни тайёрлаш моддий жиҳатдан қиммат ҳамда кўп вақтни олади. Хато килинса, ўзгартириш қийин. Шу нинг учун ҳозирги пайтда ватманга чизилган ёки плакат ҳолида нашр эгилган кўргазмали воситалар ўрнига янги, тайёрлаш ва фойдаланиш қулай замонавий турлари, айниқса, дарс жараёнида слайдлардан фойдаланиш кенг ёйилди.

Слайдлар таълим берувчи учун энг юқори даражадаги тақдирот имкониятини беради. Замонавий ўқув жараёнини буларсиз тасаввур қилиш қийин. Асосий қулайлик шундаки, улардан истаган пайтда фойдаланиш, иш ўрни ўзгарганда осон қўчириш мумкин.

Жадвал, схема, график, диаграммалардан фойдаланиш универсал:

- аввалдан слайд плёнкаларга чизиб, техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши;

- ватман қоғозга чизиб, техник воситалардан фойдаланиш учун шароити йўқ аудиторияда фойдаланиш;

- ксерокопиядан чиқариб, тарқатма материал сифатида фойдаланиш;

- дискетга киритиб, компьютер орқали кўриш, таҳлил қилиш мумкин.

Кўргазмали воситаларнинг афзаллиги шундаки, уни дарс ўтишнинг барча шакллари, услубларида қўллаш мумкин. Айрим мавзуларни эса умуман намоиш қилинадиган материалларсиз, кўргазмали воситаларсиз ўтиб бўлмайди.

Ўтилаётган дарсда талабаларга ахборот етказиш, уларни дарсни пухта ўзлаштиришлари ва фаол қатнашишларини таъминлашда тарқатма материалларнинг аҳамияти катта.

Дарсларда тарқатма материаллардан фойдаланиш тобора кенг қўлланилмоқда. Тарқатиладиган материалнинг муҳим ижобий томони шундаки, у бевосита талабанинг қўлида бўлиб, узокдан кўрсатиладиган кўргазмали воситаларга хос камчиликлардан ҳоли.

Тарқатма материаллар - таълим оловчилар учун ўрганилаётган мавзуга оид асосий маълумотларни ўз ичига олган, ҳажми унча катта бўлмаган (1-2 варақ) ёзма ўқув материали ҳисобланади.

Тарқатма материалларни мақсади, мазмуни жиҳатдан:

а) ахборот берувчи, б) тошпириқ берувчи, в) билимни назорат қилувчи гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ахборот қўлами катта бўлгани сабабли қисқа вақт ичида барча ахборотни талабаларга тўлиқ етказиб бериш қийин. Бундай пайтда ахборотни тарқатма материал сифатида етказиб бериш муҳим рол ўйнайди. Бунда гаплар қисқача ёзилган матнлар бўлиб, дарсга тайёргарлик кўришда, дарс давомида ёки билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун таълим оловчиларга тақдим этилади.

Тарқатма материаллардан кўргазмали восита сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, иқтисодий фанларни ўрганишда турли жадвал, фафик, чизмалардан жуда кўп фойдаланилади. Уларни плакат сифатида тайёрлаш талабалар учун анчагина ноқулай. Ундан ташқари :

- Талабаларга рақамларда ифодаланган маълумотларни оғзаки етказиш уларни чалкаштириб юбориши билан бирга, эслаб қолишларига ҳам имкон бермайди.

- Миқдор жиҳатдан кўп маълумотларни доскага ёзиб, тушунтириш учун кўп вақт талаб қилинади. Доскага ёзиш пайтида ўқитувчи билан таълим олувчилар ўртасида алоқа узилади.

Бу жиҳатдан кўргазмали воситадан намоёиш қилинувчи ҳамда тарқатма материал сифатида фойдаланиш қатор афзалликларга эга.

Ўқитувчи рақамларда, график, формулаларда ифодаланган ахборотни намоёиш қилинаётган материалга қараб тушунтиради. Талабалар эса ҳам намоёиш қилинаётган материалга ҳам, қўлларидаги тарқатма материалга қарашади. Маълумотлар талабалар кўлида бўлиши, уларни кўриб туриши, тушуниши, англашини осонлаштиради.

Тарқатма материаллар талабаларга топшириқларни ҳамкорликда ишлаш имкониятини ҳам беради. Айниқса, бунинг учун ишчи варақалар тайёрланиши ва улар асосида дарс жараёнида жуфт бўлиб ёки индивидуал тарзда ишлашни ташкил қилиш, шубҳасиз талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлайди. Улар масала, машқ, турли жадвалларни тўлдириш ва ҳоказолар тарзидаги турли топшириқлар бўлиши мумкин.

Тарқатма материаллар таълим олувчиларни билимини текшириш назорат қилишда ҳам кенг қўлланилади. Бунда назорат варақалари тарзида тайёрланган тест саволлари, масала ва машқлар бўлиши мумкин.

Молия фанлари бўйича ўқув услубий комплексда тестларга алоҳида эътибор берилади. Фан бўйича мавзуларни ўрганишда тестлардан

фойдаланиш, айниқса, гуруҳда тест ўтказилгач, унинг жавобларини муҳокама қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Тест тузиш кўп вақт ва меҳнат, синчковлик, сабр-тоқатни талаб қилади.

Шу билан бирга, меҳнатни осонлаштирадиган компьютер дастурлари мавжуд. Биринчи дастур кўпроқ тест тузишни осонлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси тест ўтказиш ва натижаларини тезда ҳисоб-китоб қилиш, статистик маълумотлар олишга қаратилган. Тест саволлари тузишда, америкалик педагогларнинг кўрсатишича ўқитувчи қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

1. Кўзланган мақсадга кўра, саволни аниқ қўйиш керак.
2. Тестда фақат битта жавоб тўғри бўлиши керак.
3. Жавобларни бири бирига ўхшаш бўлиши ва ҳақиқатга яқин бўлгани маъқул.
4. Тестда иложи борица инкор этувчи феъл ва бошқалардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш лозим (Масалан, юқоридаги кўрсатмалардан нима имкон бермайди? ва ҳоказо ...).
5. Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси (ёки юқорида кўрсатилганлардан ҳеч бири) каби таърифларни иложи борица ишлатмаслик зарур.
6. Бир неча компонентлар (айтайлик, А ва С) ни мужассамлаштирган жавобларни иложи борица кам ишлатиш, ишлатганда, тест кимлар учун тузилаётганига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ;
7. Тўғри жавоб доимо бир жойда (доимо А ёки доимо Б) бўлиши керак эмас;
8. Саволлар ва жавоблар грамматик жиҳатдан ўзаро мос, мувофиқ бўлиши керак.

Объектив тестлар. Тестларни объектив дейилишига сабаб, унга тўғри жавоб бор, уни субъектив жиҳатдан баҳолашни истисно қилади.

Ундаги саволлар кўпинча далиллар, аниқ ахборотларни ёдга туширишга қаратилган. Объектив тест саволлари Блум таксономиясининг иккинчи босқичидаги фикрлаш доирасига тўғри келади. Улар фикрлашни юқори даражада баҳолашга имкон бермайди, лекин уларни фикрлашнинг юқори босқичига тўғри келадиган қилиб тузиш мумкин. Улар татбиқ қилиш, таҳлил қилиш даражасига мос келадиган мураккабликда бўлиши мумкин, лекин бундай савол тузиш қийин.

Объектив тестларнинг афзаллиги уларни кўп саволларни қамраб олишидир. Шу туфайли барча мавзулар бўйича талабалар билимини текшириш имконини беради. Билим олиш, тушуниш учун самарали услуб жуда қўл келади⁴⁰.

Объектив тестларни асосий камчиликларидан бири қўйилган саволларни тор доирада қамраб олишидир. Талабалардан эса кенг тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади.

Тестларни ўқиш ва талабалар билимини баҳолашнинг усули сифатида қўллашнинг муҳим томони ҳамда мураккаблиги шундаки, айнан нима сабабдан шу жавоб тўғрилигини асослаб бериш лозим. Бунда жавобларни объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изоҳланишига аҳамият бериш керак. Тест ўтказилгач, гуруҳда жавобларни муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар билимини баҳолашда тест муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари тест бошқа, усуллар: масала ечиш, реферат ёзиш ёки саволга оғзаки, ёки ёзма жавоб ёзиш кабилардан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради. Тестлар талабалар билимини назорат қилишнинг объектив усули ҳисобланади. Сабаби унда ўқитувчи билан талаба ўртасида вужудга келган муносабатлар ҳеч қандай роль ўйнамайди ва талаба билимини баҳолашга таъсир этмайди.

Нazorat иши ёки рефератда ўқитувчи талабанинг айрим хатоларидан кўз юмиб, унинг билимини юқори баҳолаши ёки аксинча, ўзининг субъектив

⁴⁰ Д. Тожибаева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Молия, 2007 йил, 276-бет

талабларини қўйган ҳолда паст баҳолаши мумкин. Тестлар бундай хатоликдан холи. Тестларни фақат якуний назоратда қўллаш шарт эмас. Уларни мавзуни бошлашдан аввал ҳам, жорий назорат, оралик назоратда ҳам қўллаш мумкин.

Тестлар талабалар билимини бутуи дастур бўйича, шунингдек, тор танлаш доирасида алоҳида аҳамиятга эга ёки анъанавий ўзлаштириш қийин тушунча ҳақида мавзулар бўйича назорат қилиш, баҳолаш имконини беради. Тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Чунки бутун гуруҳни билимини текшириш учун жуда кам вақт талаб қилади. Бу, айниқса, оралик тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс ўтишда қайси саволларга аҳамият беришни мўлжаллайди.

Америкалик мутахассис Бенжамин Блум билим олиш, ўрганишнинг босқичли моделини ишлаб чиқиб, уни олти босқичга бўлганини кўриб чиққан эдик. У билиш, тушуниш, татбиқ этиш, таҳлил қилиш, синтез (умумий хулоса чиқариш), баҳолашдан иборат эди.

Тестлар мураккаблигига кўра, ана шу босқичларнинг қайси даражасига тўғри келиши билан фарқланади. Бунда тестларни тахминан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Блум таксаномиясининг биринчи ва иккинчи «билиш ва тушуниш» босқичларига мос келадиган нисбатан унча мураккаб бўлмаган тестлар.

Таксаномиянинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи «тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш» босқичларига тўғри келадиган ўртача мураккаб тестлар.

Тест, сўровномалар - бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг яқка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан

кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири – бу тест ёрдамидаги синовдир.

Тест ёрдамида синов ўқувчи ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭХМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган. Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлиги ва уларнинг ўқувчиларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавобни топишда хотира, интуция ва топқирликлар қўл келади. Тест саволларини чоп этиш ўқувчиларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовини олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларида қўллаш қуйидаги қатор натижалар берди.

Имтиҳон олувчи билан имтиҳон топширувчи орасидаги субъектив сабаблар ва психологик тўсиқлар йўқолади. Барча абитуриентларга бериладиган имтиҳон шароитлари вақти вариантларнинг мураккаблик даражаси, баҳолаш критерийлари деярли бир хил бўлишига эришилади.

Тест натижаларини ЭХМ ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш амалга оширилди, ўқувчиларнинг қайси фандан ва унинг қайси бўлимидан билимларининг паст ёки юқорилигини баҳолаш ва унинг республикамиз регионлари, хатто айрим мактаб-лицейлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Иқтидорли ёшларни танлаш, олимпиадалар ўтказиш жараёнларини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Олий ўқув юртига кирувчилар учун тест синовии атиги 3 та фандан бўлиб, албатта бу етарли эмас. Улар бир неча фандан ва бир неча босқичдан иборат бўлиши керак. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи ёшларнинг нутқи, тил бўйича саводлилигини назорат қилувчи ёшларнинг фақат тестларни механик равишда ёдлаш ва тилга, бошқа фанларга эътиборсизлигига барҳам берилиши мумкин.

Тест синовлар методи - бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Ўқув-услугий комплексда «Молия» фанидан талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўқув жараёнида талабалар билими мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

«Жорий баҳолаш (ЖБ)

«Оралиқ баҳолаш (ОБ)

Якуний баҳолаш (ЯБ)

«Молия» фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 балли тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Жорий баҳолаш – 40 балл;

Оралиқ баҳолаш – 30 балл;

Якуний баҳолаш – 30 балл.

Жорий баҳолаш бўйича амалий машғулотлар учун ажратилган ҳар бир мавзу бўйича талабанинг адабиётлардан олган конспекти, билими, мустақил ижодий фикр-мулоҳазалари, дарс ўтиш методлари бўйича берилган

топшириқларни бажариши, мустақил иши натижалари ва амалий кўникмаларини аниқлаб бориш назарда тутилади ва у амалий машғулотларда амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш ҳам семестр давомида ўтказилади. Оралиқ баҳолашда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи маърузалар, ўтилган мавзулар бўйича оғзаки, ёзма иш, тест ўтказиш усуллари ва талабанинг мустақил иши назарда тутилган ҳолда баҳоланади.

Якуний баҳолаш семестр якунида ўтказилиб, якуний баҳолашда талабанинг билим, кўникма ва малакалари ишчи ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. Якуний баҳолаш оғзаки сўраш, амалий топшириқларни мустақил бажариш, суҳбат, ёзма иш, масала-машқ, ечиш ёки тест ўтказиш усулида амалга оширилади.

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида молия фанини ўқитишда қўлланилаётган методларни хорижий ўқув юртлирининг илғор тажрибалари билан солиштириб, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва баҳолаш. Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мустақил мушоҳада юритиш, иқтисодий фанлардан дарс беришда ўргаилаётган мавзунинг моҳиятики талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш. Дарс ўтишнинг барча методларини қўллай билиш. Ўрганилаётган иқтисодий ходиеа ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиши. Берилган мавзулар бўйича кўргазмали ва тарқатма материаллар тайёрлаш зарур.

Дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мустақил мушоҳада юритиш. Иқтисодий фанлардан дарс беришда ўрганилаётган мавзунинг моҳиятиини талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш. Дарс ўтишнинг барча методларини қўллай билиш. Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланилаётган методларни хорижий ўқув юртлири илғор тажрибаси билан солиштириб таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва баҳолаш. Ўрганилаётган иқтисодий ходиеа

ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиши.

Иқтисодий фанлардан дарс беришда ўрганилаётган мавзунинг мохиятини талабаларга тушунтириб бериш малакасига эга бўлиш керак..

Ўрганилаётган иқтисодий ходиеа ва жараён тўғрисида дарс ўтишда қандай метод танлаш бўйича тасаввурга эга бўлиш, дарс ўтиш жараёнини ташкил этиш ҳақида мушоҳада юритиш. Дарс ўтиш методларини қўллай билиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Саралаш балл 55 бални ташкил этади. Талабанинг билимини жорий бадолаш бўйича рейтинг тизими бўйича мультимедиалар тайёрлаши, слайдлар, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар тайёрлашдага фаолияти, «Молия» фани бўйича маълумотлар базасини яратишда қатнашганлига машғулот дарсларида фаоллиги, фан бўйича иш ўйинларини ташкил қилишдаги фаоллиги баҳолаш оғзаки тест топшириқлари ёки ёзма иш усулида амалга оширилади

Агар якуний баҳолаш ёзма иш усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. дар бир вариантда бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-3 балл оралигида баҳоланади.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари куншлади ва йиғинди, талабанинг якуний баҳолаш бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

Талабалар билмини назорат қилиш ва баҳолашда тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Бу, айниқса, оралиқ тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс ўтишда қайси саволларга аҳамият беришни мўлжаллайди.(X1 боб га қаранг) Тестлар талабалар билимини синаш ва баҳолашда қатор афзалликларга эга бўлиш

билан биргаликда, камчиликлари ҳам бор. Тест саволларини тузиш кўп меҳнат, вақт талаб қилади. Шунинг учун кейинги пайтларда ухитувчилар кўпроқ тайёр тест саволларидан фойдаланишмоқда. Тестнинг яна бир камчилиги, таваккал қилиб жавоб топишнинг мумкинлигидир.

Иқтисодий фанлар, маълумки, иқтисодий мантикий фикрлашга ўргатибгина қолмай, ўз фикрини атрофдагиларга тушунтириш, ўртоқлашиш, нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб бориш, бошқа кишиларни фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ҳам ургатиши керак. Тестлар эса бундай имкониятга эга эмас.

Талабалар билимини синаш ва назорат қилишда масала, машқлардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Масала - машқлар талабанинг билимини кенг қўламда текшириш, олган назарий билимини реал ҳаётда қўллай билиш имконини очиб беради. Ўрганилаётган саволни моҳиятини талаба тушунгани ёки тушунмаганини аниқлайди.

Бу усулнинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Биринчидан, талабани ҳисоблаш билан бирга кенг мушоҳада юритишга йўналтирувчи масала-машқлар тузиш осон эмас. Иккинчидан, талабалар ҳисоб-китобга ҳаддан зиёд берилиб кетиб, назарий жихатдан таҳлил қилишга кам эътибор қаратишади. Учинчидан, масала-машқлар тор доирадаги саволларни қараб олади.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашнинг кейинги пайтда кенг қўлланилаётган усулларида бири ёзма иш ёзишдир. Унинг афзаллиги шундаки, ёзма иш учун саволлар осон тузилади. Талабаларни ўз фикрларини ижодий равишда баён қилишлари учун қапа имқоият мавжуд. Ундан ташқари таваккал қилиб, жавоб бериб бўлмайди.

Талабалар билимини синаш ва баҳолашда ёзма иш ёки эссе ёзишдан фойдаланиш мумкин. Ёзма ишнинг камчилиги уни ўқиб чиқиш учун кўп вақт талаб қилинади. Баҳолаш қийин. Кўп саволларни қамраб олмайди. У эссе тарзида ёки таянч ибора, атамалар асосида ёзма топшириқ тарзида бўлиши мумкин.

Эссе ёки ёзма топшириқ берилар экан, ҳар бир талабанинг ишини объектив баҳолаш учун баҳолашнинг мезонлариини ишлаб чиқиш керак. Бу мезонларда талабаларнинг иши балл бўйича қандай баҳоланиши кўрсатилади.

Ёзма ишни баҳолашда икки хил ёндашиш мавжуд. Биринчиси, рейтинг усулидан фойдаланиш. Бу усулда ишнинг умумий сифати қизиқтириб, айрим томоиларига эътибор бериш зарурияти йўқ бўлса, қўл келади. Одатда, бу усул кўпроқ таянч ибораларга асосида ёзиладиган якуний назорат ишида қўлланилади. Ёзма иш сифатига кўра иш 3-5 категорияга бўлинади. Сўнгра улар ишнинг сифатига кўра табақалаштириб баҳоланади. Ўқитувчи ёзма ишни талабаларга қандай мезонга кўра баҳоланишини тушунтириши керак.

Ёзма иш ўқув йилининг охирида якуний баҳолаш учун ўтказилиб, кўп вариантли усулда қўлланилади. Ҳар бир вариантда асосий савол ва таянч тушунчалар бўлиб, уларга алоҳида жавоб ёзилади.

Қўйилган саволга тўғри ва тўла жавоб ёзилса, саволнинг моҳияти, мазмуни ёритилиб, бошқа иқтисодий ходиса, жараёнлар билан боғлаб, ҳаётий мисоллар билан бойитилиб, изчил, мавжуд адабиётларда ёритилишига баҳо беришга интилса, мантиқий яхлитликка эришилса, талабага якуний назорат учун ажратилган максимал баллнинг 86 - 100 фоизи даражасида баҳоланади.

ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистонимизда ислохотлар тобора қулоқ ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ ҳаракати бошланди. Республикаимизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъй ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Усиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб эгаллашларига қараб, республикаимиз келажagini тасаввур қилса бўлади. Келажак ёшларнинг қўлида. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Шу маънода ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Ёшларни тарбиялаш учун биринчи га Республикаимиз Президенти И.Каримов таъкилаганларидек ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг иқтисодий билимларини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Жумладан, И.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қанчалари", "Ўзбекистон буюк келажак сари" асарлари келажак авлоднинг иқтисодий саводхонлигини оширишда муҳим воситадир.

Иқтисодий тарбиянинг асл моҳияти шундаки, уларнинг барчасида асосий масалалардан бири Республикаимиз иқтисодий мустақилликка тезроқ эришишини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни жадал суръатлар билан олиб бориш, кишиларда янгича фикрларни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, маъмурий буйруқбозлик тизими иллатларидан воз кечиш, келажакда мустақиллигимизни олиб бораётган ислохотлар

замирида янада мустаҳкамлаш каби иқтисодий масалалардан ташқари кишиларимиз онгида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш кабилар.

Буюк келажак сари дадил олға бораётган республикаимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилган ва китобхонга тушунарли баён этилганлигидадир. И.Каримов асарларининг мазмуни ҳақида сўз борганда, биз уларга алоҳида-алоҳида тўхталсак ўз мақсадимизга эришган бўламиз, иқтисодий тарбия доирасида катта билимларга эга бўламиз.

Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутди. Иқтисодий аҳволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халқимизда олдин иқтисод, сўнгра сиёсат деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафюлатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш ташвишлари ортади. Аксинча, иқтисодий ўсиш шароитида сўзровонлик ортади, ижтимоий вазият барқарорлашади, кишиларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб боради.

Шу нуқтаи назардан И.Каримовнинг барча асарларида, иқтисодий ривожланишимиз омиллари, ижтимоий-иқтисодий билимлар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий қоидалари каби масалалар билан бир қаторда иқтисодий тушунчалар ҳам ўз ифодасини топади.

Маълумки у ёки бу иқтисодий муносабат, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён, иқтисодий ҳодиса ёки воқеанинг мазмуни ҳақида тасаввур (билим) ҳосил қилмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий тушунчаларга

(категорияларга) мурожаат қилинади. Бошқача айтганда, иқтисодий тушунчалар орқали иқтисодий муносабатлар моҳияти тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода иқтисодий тушунчаларни, образли қилиб иқтисодиёт илмининг "тили" дейиш мумкин.

Бугунги кунда Президентимиз, ҳукуратимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мамлакатимиз фуқароларининг. Миллий бурчидир. Шу нуқтаи назардан номли китобидан олинган ушбу лавҳани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ҳозирги босқичда эришишимиз лозим бўлган мезонлар санаб ўтилган. Ушбу лавҳадан китобхон маълум иқтисодий термин ва тушунчаларни моҳият-мазмунини, амал қилиш механизмининг англаб ётгани ҳолда, иқтисодий мушоҳада юритишга ва шунинг негизида иқтисодий билимининг ошишига имкон яратади:

Касб-ҳунар коллежларида “Кадрлар тайёрлиш миллий дастури” га асосан таълим жараёнининг айнаи талаблари доирасида биз тайёрланаётган, бухгалтер, аудитор, молиячи, иқтисодчи ва бошқа касб эгаларида иқтисодий тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муомалаларни бир бирига боғлиқ ҳолда амалга оширишнинг омили сифатида мавзуни ўқитишнинг методикаси ишлаб чиқилди. Бу методикани ишлаб чиқишда биз бир қатор педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари ва машғулотларда олиб бориш жараёнилари кетма-кетлигини ишлаб чиқдик.

Фикримизча, мавзуни ўқитишнинг айнан замонавий, янги ва илғор педагогик технологияларга асосланган методикасининг ишлаб чиқилиши ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим самарадорлигини оширишнинг воситаси сифатида ишлаб чиқилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, «Ўзбекистон», 2010 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» Қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.:»Шарқ», 2001.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарори
6. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

- Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
9. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь ,
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
12. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. .
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.

- 14.Каримов И. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январ 16-сон.
- 15.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон», 1996 йил, 364 бет.
- 16.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 йил, 301 бет.
- 17.Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устувор вазифа. Т.: Ўзбекистон, 1998 йил, 95 бет.
- 18.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998 йил, 686 бет.
- 19.Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2003 йил, 74 бет.
- 20.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил, 96 бет.
- 21.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил, 528 бет.
- 22.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.
- 23.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т.:Иқтисодиёт, 2009 йил.
- 24.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти

- барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
25. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
26. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: – 2010
27. Каримов И. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январ 16-сон.
28. Адик Ли. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Т.:ТДЮИ, 2004.
29. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. Т.: “Ворис нашриёт” нашриёт уйи, 2008.
30. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т.:Истеъдод жамғармаси, 2008.
31. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия ва иқтисод, 2007.

- 32.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-Молия. 2008.
- 33.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия ва иқтисод, 2007.
- 34.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия ва иқтисод. 2009.
- 35.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. –Т.: Академнашр, 2011.
- 36.Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 37.Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002.
- 38.Сидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги. Т.: Молия, 2003.
- 39.Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007.
- 40.Тожибоева Д., Н.Хўжаев, Г.Авалова. Иқтисодий педагогика. Т.: Фан ва технология, 2008.
- 41.Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т. Фан, 2000.
- 42.Хўжаев Н., Тожибоева Д. ва бошқалар. Касбий таълим методикаси. Ўқув қўлланма, Т.: ТДИУ 2007.
- 43.Ўлмасов А, Шарифхўжаев М, «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Меҳнат», 1995 йил, 628 бет.
44. Қосимова Г. Бюджет-солиқ сиёсатининг яхлитлиги. Ўқув қўлланма. Т.: Молия ва иқтисод, 2005.
- 45.Қўлдошев Қ., Эрматов Э. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2010 йил, 6-сон, 151-бет.
- 46.www.mf.uz
- 47.www.soliq.uz
- 48.www.ziyonet.uz

Аннотация

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, очик фуқаролик жамияти қуришни амалга ошира бошлади. Бундай давлатда жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлади.

Таълим тизми муассасалари ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш, молиявий барқарорлигини таъминлашнинг тўлиқ имконини берувчи самарали воситаларни излаб топиш бўйича муассасалари раҳбарияти ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилишини табиий тақозо этади.

Чунки якка тартибда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига, уларга индивидуал раҳбарлик қилувчи мутахассисларга ҳақ тўлаш, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар билан тузилган тегишли шартномаларни бажариш, моддий жиҳатдан тўлиқ қоплаш ва бошқа қўшимча сарф-харажатларни талаб этади.